

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 1 (093)

ХЎЖАЕВ МУНИС ОТАБОЕВИЧ

Авестада ижтимоий адолат масаласининг қўйилиши

(Заратуштра гаталари мисолида)

5A111601 – Маънавият асослари

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

с.ф.н., доц. Х.С.Жуманиёзов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: Тарих
Кафедра: Миллий ғоя ва
маънавият асослари
Ўқув йили: 2013/2014

Магистратура талабаси: Мунис Хўжаев
Илмий раҳбар: с.ф.н., доц.
Хушнуд Жуманиёзов
Мутахассислиги: Маънавият асослари

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: Авеста китоби аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган беқиёс маънавий меросидир. Бугунги глобаллашув шароитида унинг салбий таъсирларига қарши курашишда тарихий илдишларга таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Зардуштийлик таълимотининг муқаддас манбаси саналувчи Авеста китоби инсоният тарихида биринчи бўлиб, ижтимоий адолат масаласини кўтариб чиққанлиги билан аҳамият касб этади. Мазкур диссертациянинг мақсади шуки, аجدодларимизнинг китобида қўйилган адолат масаласини моҳиятан асослаб бериш ва ундаги залворли ғоялардан бугунги кунимизда самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти тор маънода Заратуштра гаталари, кенг маънода эса бутун зардуштийликнинг диний-фалсафий таълимоти.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Диссертацияда муаллиф томонидан анализ, синтез, кузатиш; метафизик ва синергетик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

Диссертацияда илк бора ижтимоий адолат масаласи зардуштийлик таълимоти призмасидан таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.

Диссертациядан илмий адабиётлар, монография ва илмий мақолалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Илмий муаммонинг ечими юзасидан 4 та республика доирасидаги ва 1 та халқаро конференцияда мақола билан иштирок этилди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

Авеста ва зардуштийлик таълимотини ўрганишда тизимли ва даврийлашган ёндашувни ишлаб чиқиш; таълимотни ўрганишда интеграцион методлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Илмий раҳбар

(имзо)

Магистратура талабаси

(имзо)

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY NAMED AFTER
NIZAMI**

Department (faculty): History

Student of MA: Munis Xujayev

Department: Base of spirituality

Speciality: Base of spirituality

Academic year: 2013/2014

ANNOTATION OF THE DISSERTATION OF THE MA

Motivation and urgency of the dissertation theme. Avesta is the collection of the sacred writings of our ancestors. It influenced all philosophical teachings after it. But nobody can prove where and when it was written or granted.

Aims and functions of the research. We may show followers as the main aim of the dissertation is to analysis of some Uzbek word with Avestan etymology, which have being considered Arabic or Persian originally.

Object and subject of the research. Object of our research is Gathas, Holy songs of Zarathustra. Zarathustra`s Gathas are in the Yasna, one of the four books of the Avesta.

The methods which have been used in the research are synthesis, analysis, theoretical-comparative, metaphysical, dialectical, philosophical-historical methods.

Scientific novelty of the research: a) Trying to find system of the syllables and other ones; b) Comparing Islamic theology with Mazdayasna`s around problem of the prophecy; c) For the first time the Gathas were translated into Uzbek from original language.

Theoretical and practical value of the results. The results may be used in scientific literatures which were dedicated Zoroastrianism. Actually this work was scheduled scientific workers.

Structure of the dissertation. The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, and bibliography.

Main results of the work. Four articles were published on the Republic conferences and a thesis was published on the international conference.

Conclusion. Sacred book of the our ancestor Avesta is one the great matter of the world. World avestology has been rising untill present days but avestology and Zoroastrianism are still in the pot.

Scientific supervisor

(signature)

Student of MA

(signature)

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3-19
I боб. Авестада ижтимоий адолат масаласини ўрганишнинг назарий асослари	20-40
1. Авеста – қадимий маънавиятимизнинг ноёб дурдонаси сифатида.....	20-31
2. Заратуштра гаталарида Аша (адолат) концепциясининг шакллантирилиши.....	32-36
I боб бўйича хулоса.....	37-40
II боб. Авестадаги ижтимоий адолатни таъминловчи ҳуқуқий масалалар.....	41-62
1. Авестада виждон эркинлиги масаласининг ёритилиши.....	41-47
2. Авеста оила ҳуқуқининг дастлабки кўриниши сифатида.....	48-59
II боб бўйича хулоса.....	60-62
III боб. Аша Ваҳиштанинг жамият ҳаётида ижтимоий адолат нормаларини юксалишидаги аҳамияти.....	63-93
1. Аша ва миллий давлатчилик.....	63-72
2. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида Авестадаги анъанавий қадриятларнинг тутган ўрни.....	73-86
III боб бўйича хулоса.....	87-93
Хулоса.....	94-106
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	107-113

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Зардуштийлик инсоният маънавий, диний, фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тафаккури тараққиётида ноёб ҳодиса сифатида асрлар оша илм аҳлининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу диннинг универсал ғоявий асослари баён этилган Авеста китоби бугунги кунимиздан қариб уч минг йил муқаддам инсоният йўлини ёритувчи ғавқулдда машъалдек пайдо бўлган эди. Ўша даврдаёқ, Авеста билан биргаликда авесташунослик ҳам туғилган эди десак, бу муболаға эмас. Зеро, Авестанинг таркибига кирган матнларнинг аксарияти қадим замонларга бориб тақалувчи тил хусусияти билан ўз даврида зардуштий жамоаларининг кундалик тилларидан қадимий, лаҳжа ва шева жиҳатларидан ҳам фарқли бўлган. Авеста тилининг бу каби қадимий ва муқаддас маъно берилган шаклини эҳтиётлаб сақлашга интилиш айрим олимлар томонидан зардуштийлик дастлаб алоҳида уюшган жамоалар орасида эъзозланган, омманинг унга кириши эса маълум инстиатив талаблар, синовлар орқали амалга оширилган деган фикр олға сурилишига сабаб бўлган. Ушбу омил Авеста матнларининг илоҳий, самовий сўз сифатида муқаддас ҳисобланишига олиб келган. Муқаддас сўзнинг талаффузини маҳаллийлаштириш ёки замонавийлаштириш ножоиз иш деб қаралган. Натижада Авеста китоби тўпланиши, матнларига доимий тартиб берилиши каби жараёнлар ўз-ўзидан маълум тадқиқотчилик ёндошувини, аслиятни даҳлсиз сақлашга қаратилган жиддий ҳаракатни талаб қилган. Илоҳий сўзнинг сакрал (муқаддаслик) моҳиятини сақлаш, муайян “сирлилик” диний қарашларнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилган. Шундай йўл тутилмаса Авестанинг матнлари талаффузидаги ягона канонни сақлаш мумкин бўлмас эди. Турлича талқинлар эса “эркинлашиб” диннинг социал бирлаштирувчи моҳиятига путур етган бўлар эди. Демак,

Авестанинг китоб ҳолига келтириб жамланиш жараёнидаёқ авесташуносликнинг илк қадамлари қўйилган эди дейишга асос бор.

Авеста китобининг мураккаб тақдири ва тарихий йўли ҳақида илмий адабиётда кўп ёзилган. Биз шу жараённинг айрим ўринларини эслатиб ўтсак бас. Македониялик Александр босқини даврида илк Авеста ўтга ташлангани ҳақида манбаларда хабарлар етиб келган. Эллин маданияти “буюклиги”сехрига боғланган, уни дунё учун ибрат, намуна қилишдек хомхаёл билан банд Александр Авестанинг буюк ғоялари олдида лол қолдигина эмас, балки ожиз бир жиззакилик, такаббурлик билан бу улкан тафаккур махсулини йўқ қилиш, унуттириш, ўрнига ўзи олиб келган юнончиликни жорий этиш йўлини тутди. Бироқ, Авеста ўлмади. Бу эса авесташуносликнинг янги даврини бошлаб берди: Парфия подшолиги юксалган пайтда ҳукмдор Вологез I буйруғи билан ёд билувчилар тилидан Авестанинг саҳиҳ матнини тиклаш ҳаракати бўлди. Аммо бу уринишнинг натижалари бизгача етиб келмаган. Зардуштийлик тарихининг анъанавий манбаларида мазкур ҳаракат ҳақидаги хабарлар сақланган холос.

Диссертациянинг объекти ва предмети. Зардуштийлик Марказий Осиёда шакллангач, Сосонийлар салтанати даврида Эроннинг давлат дини даражасига кўтарилди. Авестани тиклаш ҳаракати янги босқичда давом этди. Дастлаб Ардашер Бобакон даврида бошланган бу ҳаракат милодий VI асрда Эрон шаҳаншоҳи Хусрав I Ануширвон даврида поёнига етди. Авеста 21 китоб (наск)да мужассам бўлди. Китобнинг ушбу таҳрири машаққатли изланишлар, кўплаб оғзаки қироат шакллари қиёслаш, етиб келган узук-юлуқ парчаларнинг энг мақбуллари солиштириш, талаффуз нормаларини таъминлашга қаратилган алифбе яратиш, унинг воситасида яхлит матн бутунлигини таъминлаш, китоб матнларининг доимий тартибини (канон) ўрнатиш каби мураккаб илмий ва амалий вазифаларни амалга оширишдан иборат бўлди.

Авестанинг араб истилосидан кейинги тақдири фожеий тус олди. Ислом динининг жорий этилиши давомида китобнинг тўлиқ 21 наскидан 4 наскигина қолди. Бу ҳам бўлса “Ясна”, “Яшт”, “Виспарат” китобларнинг катта ва кичик парчалари ҳамда нисбатан бутун етиб келган (22 боб) “Видевдот” китобларидан иборат эди.

Араб ва форс тилли кўплаб ўрта аср манбаларида зардуштийлик ва Авеста ҳақида маълумотлар учрайди. Лекин булар орасида Абу Райҳон Берунийни йирик авесташунос, ўзбек авесташунослигининг тамал тошини қўйган олим деб атасак, тўла ҳақлимиз. Унинг “Осор ул-боқия анал қурун ал-ҳолия” асари бунинг яққол исботидир.

Асрлар давомида авесташунослик баҳсли, мунозарали, муаммолари чалкаш илмий соҳа бўлиб келмоқда. Ҳозирги замон авесташунослигининг ўзи ҳам қариб уч юз йиллик тарихга эга. Авеста ва зардуштийлик феномени ўз атрофида жаҳон олимларини тўплаган. Уларнинг қарашлари турлича. Баъзан айрим масалаларда кутбий қарама-қарши фикрлар ўртага ташланади. Авеста тарихшунослиги ўн минглаб катта-кичик мақолалар, минглаб рисола ва монографияларни билади. Айрим нашрлар маънавий эскирган дейилса, айрим тадқиқотлар юз йилларда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Авеста тадқиқотлари ҳар қанча кўп бўлмасин, ҳали бу ноёб ва мураккаб ёдгорликнинг асл моҳияти тўлақонли очиб берилган дейиш қийин.

Шу ўринда ўзбек авесташунослиги шаклланиб, дадил ривожланиш йўлига кираётганини ички бир қониқиш сифатида қайд этиш лозим. Ўтган 20-асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиёти тарихи нашрларида Авеста ҳақидаги бўлимлар пайдо бўлган эди. Н.М. Маллаев, А.Қаюмов, М. Қодиров, А. Ирисов, Ҳ. Ҳомидий каби олимлар ташаббуси билан ўзбек халқининг қадимий маънавий илдизларга, Авеста ва зардуштийлик даври қадриятларига бевосита даҳлдор эканлиги дадил ўртага қўйилди. Этнограф олимлар Г. Снесарев, Б. Кармишева, К. Шониёзов кабилар ўзбек халқи турмуш тарзи, урф-одатлари, инончлари, турли ирим-сиримлари, тафаккур

хусусиятлари, этно-психологик дунёси узоқ ўтмишдан бошлаб айна зардуштийликнинг табиат фалсафаси, ижтимоий тамойиллари асосида шаклланиб келганини исботлашди.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари. Ўзбек авесташунослиги 20 асрнинг сўнгги ўн йилликларида жадал ривож босқичига кирди. Марҳум шоир Аскар Маҳкам томонидан Авеста китобининг Эрон нашри асосидаги ўзбекча таржимаси, ушбу сатрлар муаллифи томонидан бажарилган “Яшт” ва “Видевдот” китобларининг ўзбекча илмий изохли нашри кабилар Авестага илмий қизиқишни кучайтирди. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ЮНЕСКО иштирокида ўтказилган Авеста китобининг 2700 йиллик юбилеи туфайли бу ноёб меросга муносабат Республикамизда умумхалқ тусини олди. Тарих, фалсафа, диншунослик, маънавиятшунослик, этнология каби йўналишларда илмий лойиҳалар, улар асосида жамоавий ва мустақил тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. Сўнгги ўн йил ичида бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди. Монографиялар, рисоалар чоп этилди. Авеста мавзуи билан боғлиқ Республика ва халқаро илмий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Булар Ўзбекистонда авесташуносликнинг барқарор мустақил илмий йўналиш мақомига кўтарилаётганидан далолатдир. Масала шундаки, ўзбек авесташунослиги бу соҳада жаҳон миқёсида эришилган даражалардан туриб, авесташуносликнинг бугунги нафаси билан ҳамнафасликда ўзининг мустақил қиёфасига эга бўлмоғи лозим. Чунки қўлингиздаги илмий тўплам ўзбек авесташунослигида алоҳида воқелик бўлиб қолажак халқаро конференция материаллари сифатида жамланган. Унга кирган мақолаларнинг савияси турлича. Айрим ҳолларда муаллифлар ўзлари ўртага қўйган масаланинг тарихшунослигига оид янги тадқиқотлардан, хусусан, жаҳон авесташунослигида кечаётган жараёнлардан беҳабар ҳолда, маълум чекланган нашрлар асосида фикр юритадилар. Шу сабабли жиддий ҳулосалар беришлари мушкул бўлиб чиқади. Бинобарин, халқаро

конференция минбари шунчаки номига мақола чиқариб қолиш учун эмас, балки соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшишга хизмат қилмоғи лозим.

Тадқиқотнинг асосий масала ва фаразлари. Жаҳон фанида ўзининг муносиб мактабига эга бўлган авесташуносликка XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида мазкур манбанинг Ватани ҳисобланмиш Ўзбекистонда ҳам эътибор кучайди. Ўзбекистонда Авеста тадқиқотларига назар солсак, асосан, XX асрдан бошлаб бу китоб ҳақидаги дастлабки энг муҳим маълумотлар, қисқа бўлсада, “Ўзбекистон халқлари тарихи” китобида берилган эди¹. Кейинчалик Ўзбекистон тарихи бўйича академик нашрларда йўл-йўлакай Авеста ҳақида фикрлар баён этилди².

Ўзбекистонда биз кузатган адабиётлар тафсилотида кўра, авесташунослик, аниқроғи, Авеста ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар 50-йилларда пайдо бўлди. Профессор Н.М. Маллаев “X-XII асрлар адабиёти” (1958) номли рисоласида Шарқ халқларининг энг қадимги ёзма ёдгорлиги ҳақида фикр юритган. Авестанинг адабий қимматини ҳам алоҳида қайд этган ҳолда, Митра ва Анаҳита мифларини таҳлил қилган. Натижада Авеста мотивлари адабиётимизга асрлар давомида сингиб кетди³. Сўнгроқ эса “Ўзбек адабиёти” номли кўп жилдлик асарга А.П. Қаюмов томонидан ёзилган Авестага бағишланган қисм киритилди. Кейинчалик бу мулоҳазаларнинг тўлдирилган нусхаси “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг кўп томлик нашрида (I жилд, 1977 йил) ҳам бу ёдгорликнинг адабий қиммати бирмунча тўғри изоҳланган ва таҳлил қилинган.

1998 йилнинг май ойида Президент Ислам Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар ва ижодий интеллигенция вакиллари билан учрашганда Авеста китоби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Бу ҳодиса Ўзбекистонда авесташуносликка жиддий туртки бўлди. 2000 йил 29 мартда Вазирлар Маҳкамасининг Авеста яратилганининг 2700 йиллигини нишонлаш

¹ История народов Узбекистана. Т. I. – Т.: Фан, 1950.

² Ўзбекистон тарихи. Т. I. – Т.: Фан, 1967.

³ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – с. 45-48.

тўғрисида”ги 110-сонли қарори қабул қилинди⁴. Энг муҳими, 2001 йил ноябрь ойида ЮНЕСКО иштирокида Авестага бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди⁵.

2000 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтида тайёрланган “Қадимги ёзма ёдгорликлар” номли жамоавий монографиянинг 1-қисмида академик А.П. Қаюмов илк мартаба “Хурдак Авеста” (“Кичик Авеста”)нинг ўзбек тилига таржимасини эълон қилди⁶. 2001 йилда Авестанинг 2700 йиллиги юбилеи арафасида А. Маҳкам таржимасида Авеста китоби ҳамда М.М. Исҳоқов таржимасида “Авеста. Яшт китоби” каби нашрлар юзага чиққани муҳим маданий-тарихий ҳодисага айланди. Кейинроқ, 2001 йилда Авестанинг ушбу кундалик ҳаётда зарур ҳисобланган дуо-такбирлар қисми Аскар Маҳкамнинг номи юқорида зикр этилган таржимасига киритилди.

Шарқшунослардан М. Исҳоқов ҳамда А. Ирисовларнинг Авестага доир мақолалари ҳам ёдгорлик моҳиятини кенг халқ оммасига етказишда маълум маърифий аҳамият касб этади. Филология фанлари доктори Ф.Сулаймонова ўзининг “Шарқ ва Ғарб” (1991) китобида қадимги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари маданиятининг антик дунё маданиятига таъсири илдизларини текширар экан, зардуштийлик ва у билан боғлиқ мифларнинг юнон маданиятидаги кўринишларини аниқлашга эришди. Шу муносабат билан олима Зардуштнинг ватани, Авестанинг яратилиши, кўчирилиши, дунёга тарқалиши, таркибий қисмлари ҳақида диққатга молик фикрларни баён этган. Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф янги маълумотлар асосида, зардуштийликни бошқа халқлар динлари билан қиёслаб ўрганиб чиққан.

“Ўзбекистон” нашриёти 1991 йилда Ҳ. Ҳомидийнинг “Шоҳноманинг шуҳрати” рисоласини оммалаштирди. Муаллиф китобнинг “Зардушт”,

⁴ www.fikr.uz. (25.01.2013)

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси: Т.1: А-Бешбалиқ. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000. – с. 65.

⁶ Қаюмов А.П. Хурдо Авеста // Қадимий ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. –с.3-4.

“Билимлар хазинаси” бўлимларида Авестанинг Тожикистонда чоп этиладиган “Маориф ва маданият” газетаси ҳамда “Садои Шарқ” журналида эълон қилинган қисмларига суяниб, Зардуштнинг ҳаёти ва ижодий биографиясини яратишга интилан. Бундан ташқари “Вендидат”(“Видевдот”)даги далилларга таяниб, аждодларимизнинг диний қарашлари, атроф-муҳитнинг тозалилигига риоя қилиш, жамоа ва шахсий гигиена, доривор ўсимликлар ҳақидаги қарашларни баён этилган. Шунингдек, “Педагогик антология”(I жилд, 1994)да Авестадан таълим тарбияга доир бўлимларини русчадан ўзбек тилига ўгириб, эълон қилган. Ўзбек тилида “Авеста ва медицина”, “Авеста ва таълим тарбия” мавзуларида оммавий рисолалар ҳам чоп қилдирган⁷.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар тавсифи. Ўзбекистонда зардуштийлик ва Авеста ҳақида яратилган яна бир тадқиқот М. Умарзоданинг “Авеста сирлари”⁸ мақоласидир. Дастлаб муаллиф Ж. Дўстхоҳ тайёрлаган икки жилдлик Авеста хусусида маълумот беради, китобнинг қисмлари бўйича моҳиятини мухтасар тарзда шарҳлаб, Зардушт фалсафасини тўғри изоҳлашга интилади. Мақолада Зардушт пандларидан намуналар таржима қилиб келтирилганлиги айтилган. Мақолада Авестанинг тақдири, авесташунослик тарихи ҳам лўнда бир тарзда баён этилган. Умуман М. Умарзоданинг ушбу мақоласи туркий ва эроний халқларнинг муштарак кўҳна ёдгорлиги ҳақида ўзбек илм-у адабиёт аҳлига тўлароқ тушунтиришга қаратилган.

Бундан ташқари ўзбек олимларининг ва журналистларининг Авестага доир вақтли матбуотда яна ўнлаб мақолалари эълон қилинган.

Русча нашрдаги мавжуд маълумотларни оммалаштириш, тарғибий-ташвиқий моҳиятга эга. Авеста калималари луғатининг нашр этилиши эса авесташунослар учун муҳим аҳамият касб этди.

Авестанинг диний-фалсафий дунёқараш тизими сифатидаги

⁷ Ҳомидов Ҳ. Авеста файзлари. –Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – с. 96.

⁸ Умарзода М. Авеста сирлари // Жаҳон адабиёти. – Т.,1997. – № 4. –с. 7.

моҳиятини кўрсатишга қаратилган тадқиқотлардан бири - М.М. Исҳоқовнинг 2003 йилда чоп этилган мақоласидир⁹. Бу мақола диний тафаккурнинг тарихий босқичлари, хусусан, зардуштийликнинг моҳияти, унинг исломдан аввалги маънавият оламида тутган ўрни ҳақида баҳс юритади. Шу билан бирга инсониятнинг диний тафаккури ҳақида жиддий мулоҳазаларни ўртага қўйди. Динлар тараққиётида хос ва умумий қонуниятларни очиқ берди. Айниқса, ислом дини амалиёти доирасида мужассам бўлган ритуалларнинг трансформациялашган талқинларини кўрсатишда ўзига хос қадам бўлди.

Ўзбек авесташунослигида 2007 йилда чоп этилган “Видевдот” наскининг изохли илмий таржимаси ҳам бир муҳим воқеа бўлди. Бу таржима ифода равллиги, услуб жиҳатдан ўзбеконалиги билан аҳамиятлидир¹⁰. Авеста ва ўзбек халқи урф-одатларида зардуштийлик реликтлари А. Ашировнинг “Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари” номли монографиясида акс этган¹¹.

М. Эшмуродовнинг “Авестада табиат культлари талқини” асарида ҳам зардуштийлик диний тизими билан боғлиқ инонч, эътиқод шакллари ва уларнинг бадий-адабий талқинлари ҳақида фикр юритилган¹². Ушбу тафсилотдан ойдинлашадики, Авеста асосида зардуштийлик диний тизими, хусусан, маъбудалар тизими махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

А.С. Сагдуллаевнинг Тошкент давлат Шарқшунослик институти илмий тўпламларидан бирида берилган Авеста географиясига, унинг Ўрта Осиё билан боғлиқ асосларига қаратилган хулосалари ҳам диққатга

⁹ Исҳоқов М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати // Гулистон. - 2003. - №1. - с. 28.

¹⁰ Авеста: Видевдот китоби // М.Исҳоқов таржимаси. - Т.: ТДШИ нашриёт - босмаҳона бўлими, 2007.

¹¹ Аширов А. Ўзбек халқининг эътиқод ва маросимлари. - Т.: Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

¹² Эшмуродов М. Авестада табиат культлари талқини. - Т.: ТДПУ нашриёт - матбаа бўлими, 2002.

лойиқ¹³. А. Эркаевнинг “Миллий ғоя ва маънавият” китобида Авеста маънавият тақомилининг энг қадимги (архаик) ва илк зардуштийлик босқичига оид ёдгорлик сифатида қайд этилади¹⁴. М. Имомназаровнинг “Миллий маънавиятимиз тақомил босқичлари” номли китобида муаллиф Авеста диний тизимига тўхталиб, уни ваҳдоният ва кўпхудолик анъаналари орқали идрок этилган дин сифатида изоҳлайди, яъни “Яратувчи” Зотнинг имкониятлари чексиз бўлиб, маъбуд ва маъбудаларни ҳам унинг иродаси маҳсули этиб кўрсатилади¹⁵.

Сўнгги йилларда Авеста ва зардуштийлик фалсафасига оид жиддий тадқиқотлар ф.ф.д. Г.Т. Махмудова¹⁶ томонидан олиб борилди.

Авеста китобининг турли масалалари устида бир қатор илмий изланишларнинг натижалари эълон қилинган. Лекин, бу натижалар хулосаланмаган, яқунланмаган-ки, улар яна кўплаб илмий тадқиқотларни талаб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида келтирилган қисқа тарихшунослик тафсилотлари яққол кўрсатиб турибдики, Ўзбекистонда Авестани ўрганиш, зардуштийлик динининг инсоният тарихидаги ўрнини тўла-тўқис кўрсатиб бериш вазифаси ҳали олдинда ва кўплаб ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга эга. Жумладан, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Авеста орқали зардуштийликдаги бош ғоя “яратувчилик” концепциясининг феноменал моҳиятини атрофлича таҳлил этиш, ушбу ғояни мил. авв. I минг йиллик бошларида инсоният тафаккур даражаси ўзлаштира олмагани сабабларини тарихий, ижтимоий ва маънавий аспектлар бўйича чуқур ўрганиш;

¹³ Сагдуллаев А.С. Авеста географияси ҳақида // “Авеста” қадимий тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. ТДШИ “МОХТ” кафедраси илмий-амалий семинари материаллари. – Т., 2001. – с. 27-28.

¹⁴ Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002. –с 100-111.

¹⁵ Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг тақомил босқичлари. – Т.: Шарқ, 1996. – с. 7-21.

¹⁶ Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. – Т.: Изд. журнала “Санъат”, 2010.

2. Авеста матнлари ва зардуштийлик адабиёти заминида ушбу диннинг диний тизими(пантеони)ни тўлиқ ўрганишга қаратилган тадқиқотлар мажмуини яратиш, бу орқали аجدодлар тафаккури тараққиёт босқичларини янада кенгроқ ёритиб бериш;

3. Авесташунослик маълумотларини тўплаб, тизимли равишда олий ўқув юртларининг гуманитар йўналиш ва мутахассисликларида махсус курслар ташкил қилиш;

4. Ўзбек авесташунослигининг янги босқичга кўтарилиб, ўзига хос мактаб шаклланиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳа билан қизиқувчи тадқиқотчиларни уюштиришга хизмат қилувчи маслаҳат кенгашлари ва Мувофиқлаштирувчи илмий марказ ташкил этиш навбатдаги долзарб вазифадир.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Ҳар бир жамиятнинг ҳолати ва даражаси мазкур жамият аъзолари эга бўлган билим, уларни тарқатиш, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва улардан янги билимлар ҳосил қила олиш имконияти билан белгиланади¹⁷.

Билимларни узатиш жараён сифатида кўп қиррали, ночизиқли, очиқ тизим ҳисобланади. Бундай мураккаб тизимларда маълумки, ташқи флуктациялар ва ички қарама-қаршилиқлар таъсирида кооператив, тартибланган, когерент, ўзаромувофиқлашган ҳаракатлар, янги структуралар ҳосил бўлади. Янги авлодни шакллантириш биологик эмас, балки кенг маънода ижтимоий когнитив умум маданий жараён ҳисобланади”¹⁸. Шу сабабли ҳар бир жамиятда ёш авлодга мавжуд билимлар узатиб келинган. Билимларни узатишнинг икки тури фарқланади: биринчиси билимларни узатишнинг синхрон усули бўлиб, у мулоқотнинг оперативлиги билан характерланади. Иккинчиси диахрон усул бўлиб билимлар, ахборотлар бир авлоддан иккинчисига етказилади.

¹⁷ Ракитов А. И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры: Пример России. // Вопросы философии. - 1994. - №4. - С. 14-34.

¹⁸ Коноплев Е.С. Информационные практики в современном обществе: Социально-философский анализ. Авто. реф.дисс. канд. филос. наук.- М.: МГТУ им. Баумана, 2007. –с.14.

Биринчи турдаги мулоқот тури коммуникация, иккинчи турдагиси эса билимларни бир авлоддан иккинчи авлодга узатиш ҳисобланади.

Диахрон билимларни узатиш турида шунингдек маданий код узатилади.

Мифологик, ёзув ва экран маданияти кодлари мавжуд бўлиб, уларнинг алмашинуви инсонларнинг кадрият ва руҳиятида ҳам ўзгаришларни келтириб чиқаради¹⁹.

Билимларни узатишнинг ҳар икки усулида ҳам тилдан фойдаланилади. Тил инсонлар орасидаги алоқа воситаси бўлиб, у жамият аъзоларининг фикр алмашиш учун хизмат қилади. Тил инсоннинг нобиологик ижтимоий кодлаштиришни амалга ошириш имконини берувчи воситадир. Тил билимларни сақлаш, тўплаш, узатиш воситасидир. Тилда қабул қилинган ёзув махсус белгилар йиғиндиси бўлиб, у ахборот ва билимларни фазода ва вақтда узоққа етказди. Бу эҳтиёж жамиятда доимо мавжуд бўлади ва ривожланиб бораверади. Ёзув қадимда пиктография (расмлар орқали ифодалаш) ёрдамида ифодаланган. Кейинчалик ҳарф ихтиро этилди. Ҳарф шартли белги сифатида миллий ёзув тизимида унга юклатилган товушни ифода этади. Аجدодларимиз узоқ ўтмишда ўзларининг қатор ёзувларини ихтиро этиб, уларда билимларни узатганлар.

Маълумотларга кўра, халқимиз уч мингйиллик ёзув тарихига эга. Тил икки хил функцияни бажаради, биринчиси коммуникатив, иккинчиси моделлаштириш. Улар ўзаро боғлиқликда намоён бўладилар.

Билимларни узатиш ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан биргаликда ривожланиб боради. Буни биз зардуштийликдаги билимларни узатиш тизими мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Авеста номли бебаҳо маънавий бойлик қолдирган зардуштийликда ҳам ёш авлод таълим тарбиясига катта эътибор билан қаралган. Дастлаб билимлар авлоддан-

¹⁹ Философия и будущее цивилизации //Тезисы докладов и выступлений IV Российского философского конгресса (Москва, 24-28 мая 2005г.) Т.1. - М., 2005. – с. 680-681.

авлодга оғзаки баён (вербал нутқ)²⁰ ёрдамида амалга оширилган. Бунда билимлар устахона, мактабларда, отадан ўғилга, онадан қизга “кўр ва бажар” тарзида трансляция қилинган. Шу боис билимни узатишда ўқитувчи ва устоз ўрни катта бўлган. Билимлар авлоддан-авлодга жонли мулоқот, ёдлаш, хотирадагини сўзлаб бериш асосида узатилган. Аммо билимлар новербал (ички нутқ) тарзида ҳам трансляция қилинган ва ҳозирда бу муаммо янада долзарб бўлиб турибди. Яъни ўқувчи устоз ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятда маълум ноошкора билимларни ҳам ўзлаштирган ва амалда қўллаган. Дастлаб зардуштийликдаги билимлар асосан жонли ташувчилар (устоз, ота-она, ўқитувчи, рухоний) ёрдамида узатилган. Билимларнинг кенг тарқалиши, билимлар маконининг кенгайиши, сифатининг юқори бўлиши жонли ташувчига боғлиқ бўлган. Чунки мавжуд билимларни узатишда жонли ташувчи турли талқинлар қилиши мумкин бўлган.

Авеста ёзувининг пайдо бўлиши ва унинг кенг тарқалиши билимларни узатишда катта бурилиш бўлишига сабаб бўлди. Чунки ёзув инсоният тараққиётининг тарихи, ҳозирги даври, келажагини боғлашга ёрдам берди. Ёзувларни ўқиш билимларни узатиш ва ўзлаштиришнинг амалий кўриниши сифатида билимларни кенгайишида катта аҳамият касб этди. Билимлар макон ва замонда кенгроқ тарқалиш имкониятига эга бўлади. Билимларни жонли ташувчилардан жонсиз ташувчилар воситасида ташиш имконияти яратилди.

Фалсафий тафаккур тарихини кузатар эканмиз, юртимизда қадимдан илмий билимлар ривожига асос солинганлигини кўрамиз. Масалан, муқаддас Авеста асарида ҳам билим улуғланган, ўша давр учун етарли билимлар тизими, даврга хос гносеологик муаммолар, билимларнинг моҳияти ва аҳамияти ёритиб берилган. Асосий тамойил ҳисобланувчи диалектика Авестада ҳам марказий ўрин эгаллаган²¹. Мазкур асарда

²⁰ Ильин В.В. Философия. Т.1.- Ростов на Дону: Феникс, 2006. – с. 376.

²¹ Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси.- Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – с. 8.

инсоннинг билими ҳақиқатнинг ғалабаси учун курашда бефарқ турмаслиги таъкидланади. Бу ҳақда: “Кимки ёруғ жаҳонда ақлли бўлса, донишмандлик салтанати у дунёда абадий қолади”²² – деб таъкидланади. Асарда зардуштий халқнинг мақсади “ҳақиқий донолик истиқомат қиладиган манзилларга интилиш” эканлиги таъкидланади.

Авестада инсон ўз билими, яшаш тарзи, маънавий қиёфаси, “эзгу фикр”, “эзгу сўз”, “эзгу амали”и билан Ашоҳ – Ҳақиқатга куч-қувват бахш этиши таъкидланади.

Билимларни узатиш муаммолари ана шундай қадимий ёзувлар асосида яратилган муқаддас ёдгорлик – Авеста саҳифаларида ҳам ўз аксини топган. Яъни, бу даврда анъанавий таълим тури амал қилган. Бу таълим турида билимлар уйда ва мактаб (оташкадаларда) узатилган. Таълимнинг бошланғич ва бошланғич таълимдан кейинги босқичлари мавжуд бўлган. Манбаларда кўрсатилишича, бошланғич таълим 7-9 йил давом этган. Бошланғич таълим натижасида болалар ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, юлдузлар илми, арифметика ва астрономия, камондан отиш, чавандозлик, диний матнларни қироат билан ўқиш ва куйлашни билиши талаб этилган. Нотиқликка катта эътибор берилган. Нотиқлик, яъни воизлик, матнни қироат билан ўқиш бошланғич таълимнинг юқори босқичида ўргатилган. Ёзиш ва ҳисоблашга оид билимлар эса бошланғич таълимнинг қуйи босқичида узатилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Зардуштийликда таълим ва жисмоний тарбия уйғунлигига катта эътибор қаратилган. Мазкур таълим турида қизиқ бир ҳолатни кузатамиз, яъни билимларни ўзлаштириш вақтлари ҳам кўрсатилган. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашига кўра, кун ва тун ярмида дам олиш зарур ҳисобланган.

Кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар, ҳунарлар ўқитилган. “Ўғил болаларнинг ўттиз икки ҳунарни билиши шарт бўлган.

²² Авеста. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: Шарқ, 2001. – с. 374.

Қизлар ҳам ҳаётда зарур хунарларни ўрганганлар ва қизларга билим ўргатиш алоҳида эътиборда бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, ўғил болаларга қараганда қиз болалар илму дониш ўрганишга жиддийроқ киришишлари лозим бўлган²³. Шу сабабли қиз болалар 15 ёшда, ўғил болалар 17 ёшда “лагомзадон” ва “зин задон” каби имтиҳонидан ўтганлар”²⁴. Муалифнинг қайд этишича, ибодатхоналар бўлган оташкадаларда мактаблар фаолият кўрсатган. Мазкур мактабларда математка, астрономия, гигиена, ҳуқуқшунослик каби фанлар ўқитилган. Таълимнинг амалиёт билан узвийлиги таъминланган. Оташкадалар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳлар амалиёт ўташ имконини берган.

Зардуштийликда медицина соғлиқни сақлаш ва даволаш санъати сифатида тасвирланган. Даволаш пичоқ, гиёҳлар, дуолар билан олиб борилган ва ёшларга ўргатилган. Биринчи табиб Трита деб аталган. Авеста даврида зардуштийликда 10 минг доривор гиёҳ Ахура Мазда томонидан юборилганлиги қайд этилади. Демак, бу даврда гиёҳлар билан даволашга оид билимлар мавжуд бўлиб, жумладан иситма, илон чаққанлар ва бошқа касалликлар даволанган. Ҳатто табибнинг жароҳлик қилгандаги меҳнатига тўланадиган ҳақининг таърифи ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлганлиги қайд ҳам этилади. Масалан, уй бошлиғи жароҳлик хизматидан фойдаланганда жароҳга бир бош чорвани хизмати учун тўлаши керак бўлган²⁵.

Юқоридагилардан келб чиқиб айтиш мумкинки, зардуштийлик даврида дастлабки илмий билимлар яратила бошланган. Шунингдек, бу билимларни ёш авлодга узатиб, жамиятнинг ўзини ўзи ташкил этишини таъминловчи билимларни узатишнинг диахрон усули – таълим тизими мавжуд бўлган.

²³ Ҳомидов Ҳ. Авестадан Шоҳномагача. – Т.: Шарқ. – с. 71.

²⁴ Ҳомидов Ҳ. Авеста файзлари. – Т.: Абдулла Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 2001. – с. 40.

²⁵ Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Под. Ред. Муминова И.М. – Т.: Фан, 1977. - с. 16.

Зардуштийликдаги билимларни диахрон узатиш тури таълим жараёни маданий инновация бўлган дейиш мумкин. Чунки мутахассисларнинг фикрига кўра, зардуштийлик динининг расмий дин сифатида тан олинисидан сўнг таълимда билимлар миқдори кўпайган. Бу маданий инновация жамиятда янги маданий ва ижтимоий шакллар ҳосил бўлганлиги; иккинчидан эса ўша даврда яшаган шахснинг ривожланишида намоён бўлади.

Шунингдек, зардуштийликдаги билимлар, билимларни узатиш тизими хусусиятлари илмий билимлар тизимининг яхлит, мураккаб, очик тизим эканлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида мифологик тафаккур шакли деб ҳисобланадиган зардуштийлик давридаги яратилган илмий билим куртаклари замонавий билим тизимининг шаклланишига катта таъсир этган деб ҳисоблашимизга асос бўлади.

Яна шуни таъкидлашни истар эдикки зардуштийликдаги мифологияга замонавий эпистемологик ёндашиш лозимдир. Яъни классик эпистемологияда илмий билим ва мифлар ўзаро алоқасиз деб таъкидланиб келинган. Шу боис, зардуштийликдаги билимлар тизими илмий билимлар тизимида дахлдорлиги эътибордан четда қолган. Аммо бугунги кундаги эпистемология тадқиқотларига таяниб айтиш мумкинки, “билимларни илмий ва илмий бўлмаган деб таснифлашнинг ўзи ҳам шубҳали бўлиб турибди”²⁶. Демак, эндиликдаги миф ва фан ўртасига девор қўймасдан тадқиқотлар олиб боришимиз мақсадга мувофиқ. Эпистемологик тадқиқотларда фан ва миф ўртасидаги ниҳоятда нозик чегара ва ўзаро таъсирни эътибордан қочирмаслигимиз талаб этилади. Зеро, илмий билимлар ривожланиши тарихий ва маданий жараён бўлиб, унга барча билим турлари таъсир этади. Жумладан мифлар ҳам. “Мифлар бир томондан субъект ва объект бирлигини таъминласа, иккинчи томондан эса

²⁶ Заблуждающийся разум? Многообразие вненаучного знания. – М.: Политиздат, 1990. – с. 14.

тассавур ва фаолият бирлигини таъминлайди²⁷. Л.Г. Ионин фикрига кўра, объектлар бор экан мифлар доимо мавжуд бўлади.

Тадқиқотдан маълум бўладики, зардуштийликда ҳам билимлар, жумладан илмий билимлар мавжуд бўлган. Билимларни узатишнинг диахрон тури бўлган таълим тизими амал қилган. Бу таълим тизимининг асоси зардуштийлик диний-фалсафий таълимотига таянган. Таълим жараён, восита, натижадан иборат тизим сифатида амал қилган. Билиш жараёнида олам бир мураккаб тизим сифатида тушунилган ва ёш авлодга ҳам бу ғоя сингдирилган. Яхши сўз, яхши амал ва яхши фикр ғоясига асосланган диний-фалсафий тасаввур таълим, билимларни узатиш асоси бўлган. Шу ўринда таъкидлашни истар эдикки, зардуштийлик таълимотидаги учлик “яхши фикр”, “яхши сўз”, “яхши амал” ғояси замонавий триада²⁸ ғоясига ниҳоятда ўхшаб кетади. Унга кўра, реалликнинг тадқиқ этишда бинарлик эмас, балки триада ғояси яхши натижалар беради. Зеро биз зардуштийликда буни кўрамиз. Демак, кўхна Авеста зарварақларида жуда кўп, тадқиқ этиш ва ёш авлодга узатиш лозим бўлган фикрлар, ғоялар борки, уларни тадқиқ этиш, мутахассисларимизнинг олдидаги вазифадир.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Мазкур диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. АВЕСТАДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

²⁷ Ионин Л.Г. Социология культуры.—М.: Логос, 1998. — с. 158.

²⁸ Баранцев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. — М.: УРСС, 2003. - с. 27-36.

1.1. Авеста – қадимий маънавиятимизнинг ноёб дурдонаси сифатида.

Кейинги олтмиш йиллар давомида Хоразмда ўтказилган этнографик тадқиқотлар нафақат оловга ва рухларга сиғиниш ибодати қолдиқлари, фетишизм ва тотемистик тасаввурлар, балки ҳомий муқаддас авлиё-анбиёларга сиғиниш сингари удумлар чуқур илдиз отганлигини кўрсатади. Бу тўғрида жуда кўп моддий маданият намуналари гувоҳ бўла олади. Археологик-этнографик маълумотлар ҳар хил ибтидоий хоразмликларнинг диний тасаввурлари кейинги дин шакллари, айниқса зардуштийлик ибодати билан генетик боғлиқ бўлганлигини исботлайди. Оташ ибодати ва табиат ҳодисаларига сиғиниш аслида ҳосилдорлик образи Анахита ва табиат стихияси билан боғланган урф-одатлар ва маросимлар ифодаланган. Табиат ва стихияли ҳодисаларнинг ўзаро зиддиятлилиги ва қарама-қаршилиги, олов ва сув, ҳаво ва ер тўғрисидаги тушунчаларда синфий жамият пайдо бўлиши билан дуалистик тасаввурларни юзага келтирган. Бу ҳолат жамиятда ижтимоий зиддиятлар заминида эзгулик ва ёвузлик рухларини яратиб, уларнинг ибодати ва маросимларини пайдо қилган.

Зардуштийлик дини яратилиш даври қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу вақтга оид ёдгорликлар, юқорида айтганимиздек, жуда кўп ва хилма-хилдир. Ўлканинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудрофаа қилиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб бирин-кетин чўзилган дабдабали Қанғқалъа, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қирққиз, Аёзқалъа ва Тупроққалъа йирик суғориш иншоотларнинг этагида бири-бирига яқин тарзда қурилиши, уларнинг муайян режага асосланган мудрофаа системасига эга бўлиши ўша даврдаги Хоразмнинг ҳақиқатан ҳам қудратли давлат бўлганлигини кўрсатади.

Узоқ ўтмишда ёзма манбаларда тилган олинган бу улуғ ва ажойиб ўлка афсона ва ривоятларда ҳам ифодаланган, “Шоҳнома” каби буюк

асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Антик Хоразмнинг буюклигини дабдабали қалъалар ва қасрларнинг бизгача етиб келган сон-соноқсиз харобалари ҳам тасдиқлайди.

Бу қалъаларни тадқиқ қилиш натижасида айниқса Қанғқалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилганқалъа харобаларидан топилган буюмлар, қурилиш режаси ва бошқа топилмалар қадимий хоразмликларнинг нафақат турмуш тарзи, уларнинг диний эътиқодларини аниқлашга имкон беради. Масалан, Жонбосқалъа марказий кўчасининг охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида ўт ибодатхонаси бўлганлиги аниқланди. Иморат ўртасидаги супада қурилган ўчоқда муқаддас ўт доимо ёниб турган. Ибодатхонанинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлари учун айрим хона ҳам мавжуд бўлган. Энг катта зардуштийлик ибодатхонаси вазифасини бажариб келган Қўйқирилганқалъа теваарида топилган жуда кўп оссуарийлар ўзининг хилма-хиллиги, ўзига хос санъат намунаси эканлиги билан ажралиб туради.

Археологик-этнографик маълумотлар хоразмликларнинг ибтидоий аждодлари, турли диний тасаввурлари ҳам кейинчалик пайдо бўлган динлар, айниқса, дастлаб олов ва табиий ҳодисаларга эътиқод сифатида дунёга келган зардуштийлик таълимоти билан генетик боғлиқ бўлганлигини тасдиқлайди. Бу диний тизимнинг асосини Анахита образидаги ҳосилдорлик маъбудасига, турли табиий ҳодисалар, ёритқичлар билан боғлиқ самовий тимсолларга эътиқод қилишдан иборат бўлган ибтидоий динлар ташкил қилади.

Табиий ҳодисалар ва кучларнинг зиддиятлилиги, яъни бир ҳодиса, масалан, олов ва сув, ер ва ҳаво ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик тимсоли бўлиши мумкинлиги, табақаланиш вужудга келиши билан боғлиқ ижтимоий зиддиятлар дуалистик диний тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келди ва улар, энг аввало, эътиқод билан боғлиқ урф-одатларда намоён бўлади.

Қадимги Хоразмда дунёга келган зардуштийлик қисқа муддат ичида уч буюк империя – Ахамонийлар, Афригийлар ва Сосонийлар салтанатида давлат динига айланади. Бу империялар милоддан аввалги VII-VI асрлардан милоднинг VII асригача узлуксиз деярли минг йилдан зиёд мавжуд бўлган, ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг жуда катта қисмида ҳукмронлик қилган. Шу боис зардуштийликни дастлабки жаҳон дини, Зардуштни эса шарқ пайғамбарларининг биринчиларидан деб ҳисоблаш мумкин. Машҳур диншунос инглиз олимаси Мери Бойс адолатли равишда қайд этганидек, “Эроннинг (антик Хоразмнинг ҳам – И.Ж.) ҳокимияти зардуштийликка улкан обрў-эътибор келтирди ва унинг таълимотидаги айрим энг муҳим жиҳатлар яҳудийлик, насронийлик, ислом динлари ҳамда гностик мазҳаблар томонидан ўзлаштирилди. Шарқда зардуштийлик буддавийликнинг шимолий варианты ривожига таъсир кўрсатди”. Мазкур диннинг айрим қоидалари “ноёб ва эътиборга лойиқдир, - деб ёзади Мери Бойс, - бу қоидалар ўз эътиқодлари учун муайян мақсадни кўзлаб ва қониқиб яшаш имконини яратади”, насроний сўнгра ислом дини айна шу каби ижобий қоидаларни ижодий ўзлаштирганликлари боис кейинчалик жаҳон динига айланиш имконига эга бўлдилар²⁹.

Хоразмликларнинг маънавий ҳаётида Авеста образлари билан боғлиқ кўп азиз-авлиёлар муҳим ўрин тутган. Авлиёларга сиғиниш эътиқодининг илдизи ҳам қадимга бориб тақалади ва давлатчилик ғоялари билан боғлиқ бўлган. Ҳозирга қадар Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Султон Увайс, Исмамут ота, Юсуф Ҳамадоний, Паҳлавон Маҳмуд сингари авлиёлар халқ орасида машҳурдир. Паҳлавон Маҳмуд, ҳатто, Хиванинг пири-ҳомийси деб ҳам танилган. Ҳозиргача муқаддас Хоразм тупроғи, айниқса кўҳна Урганч 360 авлиёлар ўлкаси деб номланиши бежис эмас.

Хоразмликларнинг авлиёларга бағишланган ривоятлари, оғзаки поэтик ижодиёти намуналари ғоят кенг тарқалган бўлиб, унда фольклорнинг турли жанрларига оид асарлар мавжуд. Бахшилар ва

²⁹ Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верования и обычаи.- М., 1988. –с. 10-11.

халпалар ижро этадиган дostonлар нафақат илоҳий образлар, балки кадимий скиф-сарматлар ва массагетлар даври қаҳрамонлик дostonларининг руҳи Авестадаги ақидавий образлар аниқ сезилиб туради.

Санъат даврлар ўртасидаги кўприқдир. Ҳозирги хоразмлик айниқса хивалик, мадирлик ва урганчлик меъморлар, истеъдодли наққошлар, кандакорлар, заргарлар, кулоллар ва халқ ижодкорларининг юқори даражада бадиийлик билан яратилган бетакрор асарлари, шубҳа йўқки, кадимги хоразмликлар кўп асрлик нафис санъати ва ижодий фаолиятининг бевосита давоми бўлиб, уларнинг юксак маҳорати ва нозик бадиий дидидан дарак беради.

Кўп тарихий асарларда Зардушт (ёки Заратуштра) афсонавий йиғма образ, аслида бундай шахс бўлмаган, деган фикр узоқ вақт ҳукм суриб келди. Кейинги тадқиқотларда, айниқса асл матнлар синчиклаб ўрганилиши натижасида бу фикрлар асоссиз бўлиб чиқмоқда. Айрим олимларнинг таърифича, Зардушт томонидан яратилган шеърӣ оят (гата)ларда бу пайғамбарнинг ҳаётига оид баъзи маълумотлар мавжуд. Масалан, бир ерда Зардушт ўзининг камбағаллигидан нолийди, бошқа бир ўринда унинг оиласи, қизлари ва куёвлари бўлганлиги тўғрисида хабар бор. Унинг образларга бой ижодида машаққат чеккан, курашларда чиниққан, зўр истеъдод эгаси, ёрқин шахс намоён бўлади. Бошқа пайғамбарларга ўхшаб Зардушт ҳам ўз таълимотини кишиларга тўла етказа олмай чуқур изтироб чекади ва атрофдагилар уни душманлик билан қарши оладилар. Зардушт гаталарида илк пайғамбар мўъжиза, илоҳий жасорат, сеҳргарлик намоён қилмайди, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси зардуштийликнинг кейин пайдо бўлган асарларида афсонавий руҳда унга нисбатан бўрттириб тасвирланган.

Зардушт образи муқаддас Таврот, Инжил ва Қуръонда қуйланган пайғамбар тақдирига тўғри келиши ҳам тасодиф эмас. У ҳам муайян тарихий даврда Марказий Осиёда дастлабки ижтимоий табақаланиш ва давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда шаклланиш жараёнида юзага келади.

Оқибатда минтақада даставвал политеизм (кўп худолик) ва кейинчалик монотеизм (якка худолик) ғоялари умумий қонун-қоидалаштириши зарурияти мавжуд диний тасаввурларнинг танланиши ва тартибга солинишига сабаб бўлади. Бундай зарурият Марказий Осиё шариотида ислохотчи сифатида Зардуштни илк пайғамбарлардан бири қилиб тарих сахнасига кўтарган эди.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Зардушт афсонавий шахс деб таърифлансада, аслида тарихий образни ўзида мужассамлаштирган, аммо кўп асрлик тарих илоҳиётчиларининг ижодий фаолияти туфайли афсоналарга чулганган шахс сифатида намоён бўлади. Зардуштийлик анъанасига биноан унинг ҳаёт даври эрамиздан аввалги VII аср охири – VI аср бошларига тўғри келади. Аммо мазкур таълимотдаги ғоялар узоқ даврларда шаклланганлиги шубҳасиз. Бир қатор олимларнинг фикрича, Зардушт ўз тарғиботини Ўрта Осиёдаёқ бошлаган ва, лекин, бошқа пайғамбарлар сингари у ҳам ўз ватанида муваффақият қозонмагач бу ерни тарк этишга мажбур бўлган.

Аслида Зардушт таълимоти Марказий Осиёда илк давлатлар шаклланган давр, аниқроғи милоддан аввалги VII асрда пайдо бўлиб, у адабиётларда бошқа ном билан аталади, унга бош худо Ахура Мазда номи билан маздаизм, бош муқаддас китоб Авеста номи билан авестаизм, асосий эътиқод оловга сиғиниш бўлганлиги туфайли оташпарастлик ёки кейинги зардуштийлик даврида худо Митра номи билан митраизм, деб ном берилган. Бу диннинг асосий бош асари Авеста Марказий Осиё ва қўшни мамлакатларнинг деярли минг йиллик тарихи ва маданиятини ўрганишда энг муҳим ёзма манбалардан бири бўлиб ҳам хизмат қилади³⁰.

Янги минг йиллик, афсуски, нафақат табиатга, балки бутун инсоният ҳаётига ҳар хил фожиаги ҳодисалар, бўҳтонлар ва зиддиятли воқеалар билан кириб келмоқда. Илгариги замонларга нисбатан анча кўп рўй бераётган табиий офатлар – даҳшатли сув тошқинлари, ҳаддан зиёд

³⁰ Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации.- М.- Л., 1948. – с. 88.

курғоқчилик туфайли катта нобудгарчилик ва вайроналик, иккинчи томондан – ер куррасининг турли бурчагида вужудга келган сиёсий тўқнашувлар ва тахт талашувлар, кашшоқлик ва талон-торожлик, террорлик, зўравонлик ва қон тўкишлар инсониятни гаранг қилиб қўймоқда. Шуниси қизиқки, мазкур ходиса ва воқеаларнинг бўлажагини уч минг йиллар муқаддам илк пайғамбар Зардушт ўзининг муқаддас китоби Авестада башорат қилиб айтган фикрларга тўғри келганлиги ўрта асрларда ғарбда рўй берган Уйғониш жараёни бошланишидан икки минг йиллар муқаддам Марказий Осиёда пайдо бўлган зардуштийлик таълимоти кўтарган инсонпарварлик ғояларининг ҳозирги даврдаги инсон муаммоси билан ҳамоҳанг бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Давлатчилик ҳамда қонунчилик илк жаҳон динида инсон қамоли, унинг фазилатлари, ақл-идроки ва одоби билан боғлиқ эканлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Бизнинг ниҳоятда мураккаб замонамизда муайян эътиқод, аниқ умид ва эзгу ниятларга эга, ўз мавқеи ва ҳуқуқини англаган, билимдон, ўз Ватани ва бурчига садоқатли ҳисобланадиган фуқаросиз ижтимоий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқараши, билим даражаси, маданий ва сиёсий савияси, ҳуқуқ-атвори умуминсоний қадриятларга мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон мавқеи жамият моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс қамолининг асосий манбаи жамиятда, унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тузилишида эканлигини тарих тажрибаси тасдиқлаб берган.

Инсон моҳияти масаласини, унинг жамиятда тутган ўрнини, шахсининг дунёсини ифодаловчи ўзаро узвий боғланаган эътиқод (иймон), ҳуқуқ, бурч, диёнат (виждон), адолат, ҳалоллик каби қадриятлар орқали тўғри идрок қилиш мумкин. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрнини ва мавқеини ўз жамияти, ватани, теварак-атрофдаги муҳит (оила, меҳнат жамоаси, маҳалла ва ҳ.к.) олдидаги бурч ва масъулиятини ички ҳис

туйғулари ва виждони орқали чуқур тушуниб олса, ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилига айланади.

Зардуштийликнинг энг олижаноб ва бош ғояси инсоннинг камол топишида, унинг ўй-фикрлари, сўзлари ва амалий фаолияти аниқ умид-орзу ва эзгу ниятларга монанд келиши, умуинсоний қадриятларга жавоб бериши учун даставвал инсонга зарур шарт-шароитлар яратилиши алоҳида қайд этилади. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилмагунча, тўқ-фаровон ҳаёт бўлмагунча инсон камолотга етиши амри маҳол. Шунинг учун Авестада шахснинг инсоний қиёфасини ифодаловчи барча фазилатларни шакллантиришда оила ва оилавий тарбияга алоҳида эътибор берилади. Аммо унда инсоний бурч ва диёнат, алоҳида ва маънавий камолот масалаларига эътибор етарли эмас, балки инсоннинг турмуш тарзи соғлом, ва саодатли ва хушчақчақ бўлмоғи лозим дейилади. Авеста оятларида киши тўйиб овқатланиши, унинг хушчақчақ ва бахтли яшаши учун зарур барча нарсаларнинг мўл-кўллигини таъминлаш зарурлиги айниқса қайд этилади. “Озиқ-овқат яхшиланиши билан, - дейилади “Ясна”нинг 33.3 бобида, - инсоннинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади”. Унда кўрсатилишича, акс ҳолда, еб-ичмайдиган, тўйиб овқатланмаган киши меҳнат қила олмайди, оилада эр-хотинлик вазифаларини адо этишга куч-қуввати етмайди”. Демак, инсон ўз ҳаётида зиммасига олган барча мажбурият ва бурчларни бажариши, эзгу хулқли, одоб-икромли, эзгу сўзли ва хайрли амалга эга бўлиши зардуштийликнинг ғоявий негизини ташкил қилади.

Авестада Олий Тангрига илтижо ва мурожаат қилиниб, “Ахура Мазда яратган яхшилик ғоясига, соғлом, ақл-хуши тетик фарзандларга, жасур, доно, бир неча тилларни биладиган ўғил-қизларга, узоқни кўриб, юртни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларга, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган пок зийнат авлодларга олқишлар бўлсин!” дейилади. Ундаги таърифга биноан, тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиши лозим. “Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш

зарурки, - дейилади Зардушт таълимотида, - у аввало ёзишни ўрганиш билан хулқ-одобли бўлсин, яхши ўқишни, сўнгра ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”.

Мазкур инсонпарварлик ғояларининг уч минг йиллар мукаддам Авестада пайдо бўлиши, уларнинг ҳозирги замонга ҳамоҳанглиги нақадар юксак бўлганлигини тасдиқлайди. Зардуштийлик дини пайдо бўлган даврда дастлаб ибодатхоналар қошида мактаблар ташкил этилиб, қоҳинлар томонидан ёшларнинг таълим-тарбияси тизими жиддий ишлаб чиқилган. Бу тизим диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишни ўрганишдан иборат бўлган. Унда йигит ва қизларни ёшлигидан меҳнатсеварликка ва муайян касб-хунар эгаллашга интилувчан, ишбилармон, ростгўй, саҳий қилиб тарбиялашга қаратилганлиги диққатга сазовор. Авестада ўғил болаларни жисмонин забардаст ва чиниққан меҳнатсевар, ҳарбий ишга тайёр, касб-хунарли бўлиш, 50 дан ортиқ курулни ишлата билиш, 32 хил ҳарбий сирларни ва чавандозликни эгаллаши зарурлиги, қиз болаларга ҳам алоҳида тарбия бериш лозимлиги махсус кўрсатилган. Қизлар нафақат айрим касб-хунар ва уй рўзгор ишларини билиш, балки ўғил болалар билан кураш тушиш, чавандозлик ва қиличбозлик қилиш, ўзини ҳимоя қилиш, сувда сузиш ва узоққа югуриш, найза ирғитиш ва ўқ-ёй отиш каби ҳарбий-жисмоний малакани эгаллаши мажбур ҳисобланган.

Зардушт таълимотида кўрсатилишича, умуминсоний қадриятлардан меҳнатнинг моддий ва маънавий томонларига катта эътибор берилиб, унинг уч ахлоқий ақидаси – эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал ғоясини ҳар бир киши бутун умр қалбига жо қилмоғи зарур. Шундагина у пок, ҳалол, меҳрибон, ростгўй, садоқатли, ватанпарвар бўлиб камол топади., барча ёвузликлардан ва ёмон ҳаракатлардан ўзини тияди. Авестада кишида, айниқса ёшларда масъулиятсизлик, лоқайдлик, бефарқлик, фаросатсизлик, укувсизлик, билим ва малакани оширмаслик киши онгини занглатадиган иймон-эътиқодни заифлаштирадиган, маънавий қашшоқлаштирадиган энг

ёмон, зарарли одатлар деб қораланади. Бундай иллатларни тарқатувчиларни “ёвуз устозлар”, дейилади бу китобда, улар ҳаётни ғамгин қиладилар, жоҳилларни улуғлаб пок инсонларни яздон неъматларига етишишдан маҳрум этадилар. Ундайлар халқни тирикчилик йўлидан оздириб, энг эзгу ишлардан бездирадилар ва шу йўл билан жонли ҳаёт чироғини сўндирадилар.

Зардушт таълимотининг муҳим томони шундаки, у ижтимоий зулмга қарши курашиш имкониятини, бунда ҳам руҳ, ҳам инсон ўз йўлини танлаши лозимлигини баён этади. Мазкур ғоя буюк “Шоҳнома”да ҳам ўз аксини топган. Унда инсан ҳаёти кўринишларининг моҳирона тасвирларида, кишиларнинг ўзларига хос эзгулик ва камчиликлари, ижобий ва салбий томонлар тасвири ифодаланган. Иккинчи асосий ғоя яхшилик ва ёмонлик орасидаги азалий ва абадий кураш ғоясидир. Асарда зўр маҳорат билан Дунё Ахура Мазда бошчилигидаги яхшилик кучларининг Ахриман қўл остидаги ёвузлик лашкарларига қарши кураш сифатида талқин этилади.

Қадим ўлкамизда пайдо бўлган буюк аجدодимиз илк пайгамбар Зардушт таълимотининг энг зўр ва муҳим муаммоларидан бири инсон муаммосидир. Илк пайгамбар, унинг таърифича, барча одамлар эзгулик йўли ва ёвузлик йўлини ихтиёрий равишда танлайди. Бунда ахлоқни эркин танлашда тарихий бурилиш даври, бир турмуш тартибидан бошқасига ўтиш учун характерли бўлган шахс озодлиги ўз аксини топган. Инсон мавқеини улуғлаб, Зардушт ўз наздида ҳақиқат, яъни тўғри турмуш тарзи тинч меҳнатдан иборат, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу дунёда илоҳий кучлар марҳамати билан ва нариги дунёда катта қурбонликлар шарофати билан бахтга эришиш мумкин эмас. Тинч меҳнат, бойликларни жамғариш, мустаҳкам ҳокимият – Зардушт яратган Арта (ҳақиқат, тартиб)нинг мазмуни ана шундан иборат. Ҳеч бир бошқа динларда меҳнат ва тинчлик ғоялари бу тариқа улуғланмаган, инсон мавқеи бунча юқори кўтарилмаган.

Бундай инсонпарвар таълимот юксак цивилизация заминида пайдо бўлган давлатчилик тузумига хизмат қилиши табиийдир.

Зардуштийлик таълимотига биноан келажакда, юқорида қайд этганимиздек, Ахура Мазда Ахриманнинг ёвуз девлари устидан ғалаба қозонади, бутун инсоният бирикиб, ягона тил ўрнатилади, барча одамлар фаровон ва тинч ҳаёт кечирадilar. Аммо “зиё салтанати”дан олдин қиёмат қойим бошланади, бутун жонзотлар эриб турган маъдан синовидан ўтгач, Дурж (ёлғон, тартибсизлик руҳи) тарафдорлари зулмат салтанатига, Арта (ҳақиқат, тартибот руҳи) тарафдорлари эса зиё салтанатига тушадилар”. Мазкур ғоя жамиятни бошқариб турган давлат тузумига хос мафкура бўлиб хизмат қилганлиги табиий. Жаҳон динларига ўтган охираи таълимоти ва одамларнинг нариги дунёда худо олдида тенг бўлиши ғоялари ўша даврда Ўрта Осиё ва бутун Ўрта Шарқни ларзага келтирган, бой-зодагонлар ва руҳонийларга қарши қаратилган маздакизм номли халқ ҳаракатида ўз ифодасини топади.

Бундай демократик ва гуманистик ғояларнинг пайдо бўлиши Авеста нинг энг қадимий қисми “гаталар” китобида изҳор қилинган ибтидоий жамоа тузуми анъаналарининг таъсири ва акс садоси эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ундаги утопик социализм таълимотининг куртаклари ва демократия ғоялари асли анча тараққий қилган, шубҳасиз, давлат тузумига эга қонун-қоидали жамият маҳсули бўлиб, бизнинг узоқ ўтмишдаги аجدодларимиз биринчи жаҳон динининг муқаддас китобини оламга ҳадя этганлар. Улар инсон мавқеини меҳнат, тартиб, ахлоқ билан боғлаб, ғарб маърифатчиларидан ва утопик социализм кашфиётчиларидан минг йиллар олдин буюк инсонпарварлик туйғуларини меҳнат аҳлининг эзгу ниятларини биринчи бўлиб муқаддаслаштирилганлиги алоҳида қайд этишимиз лозим. Юртбошимиз Ислон Каримов асосли равишда айтганидек, ҳақиқатан ҳам, Авеста айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”.

Маълумки, ғарб тарихида машҳур реформатор (ислохотчи)лар ва маърифатчилар даври энг зўр ва ажойиб Ренессанс (Уйғониш) деб номланган даврни ҳозирги замон маданиятининг бешиги ҳисобланган антик Юнонистон ва Рим маданиятига қиёс қилиниб таърифланади. Аслида дастлабки инсонпарвар реформатор (ислохотчи)лик ҳаракатини Ўрта Осиёнинг буюк фарзанди Зардушт пайғамбардан бошласак ҳақиқатга тўғри келади. Чунки унинг таълимоти нафақат инсонпарварлик ғояларини биринчи бўлиб илоҳийлаштириб дунёвий ҳаётни муқаддаслаштирган, балки унинг асосий ақидалари кейинги жаҳон динлари – христианлик ва исломнинг ақидавий ва ибодат қоидаларига ҳам замин бўлган.

Зардушт образи муқаддас Таврот, Инжил ва Қуръонда куйланган пайғамбарлар тақдирига тўғри келиши ҳам тасодифий эмас. У ҳам муайян тарихий даврда Ўрта Осиёда дастлабки ижтимоий табақаланиш ва давлатларнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёнида юзага келади.

Зардуштийлик таълимотида инсон муаммоси ва мавқеи унинг эзгулик ва ёвузликка бўлган муносабати билан ўлчанган. Эзгулик кучларининг узил-кесил ғалабаси Зардуштдан уч минг йил кейин, унинг кўлда сақланган уруғидан пайдо бўлган халоскор – Саошянта келгандан сўнг намоён бўлади (бу ғоя кейинчалик жаҳон ва бошқа динларга ўтган). Инсоннинг асосий бурчи одил турмуш тарзи – “эзгу фикр”, “эзгу сўз”, “эзгу иш” орқали ёвузликка қарши кураш воситалари бўлиши зарур. Энг муҳим кураш воситаларидан бири моддий бойликларни кўпайтириш, фаровон турмуш яратишдан иборат.

Юртбошимиз Ислом Каримов Авестанинг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилган маросимдаги нутқида шундай деган эди: “Биз учун Авеста китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадрлидир”. Унинг таърифича, бу бетакрор асарнинг биз учун аҳамияти, аввало унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари,

умумбашарий қадриятлар билан доим узвий боғланиб кетганини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Мазкур умуминсоний қадриятларни муқаддаслаштириб инсоннинг ҳар томонлама камол топишини ақидавийлаштириш бошқа динларда Авеста дагидек олий даражага кўтарилмаган. Ундаги барча демократик ва инсонпарварлик ғояларнинг янги мустақил давлат қураётган бизнинг келажаги буюк ўлкамиз шакллантираётган мафкурамизга ҳамоҳанг бўлиши ҳам тасодифий эмас.

1.2. Заратуштра гаталарида Аша (адолат) концепциясининг шакллантирилиши

Бугунги воқеълик ҳар бир халқни ўз анъана ва урф-одатлари доирасида фаолият юритишини тақозо қилмоқда. Чунки ҳозирги янгилаш жараёни миллий ўзига хосликни сақлаб қолишни умумижтимоий заруратга айлантирмоқда. Шу маънода анъанавий-маънавий қадриятларимиз тарихини ўрганиш, уларни ижтимоий-фалсафий

хусусиятларини тадқиқ этиб, жамият маънавий муҳитини соғломлаштиришда улардан ижодий фойдаланиш кечиктириб бўлмас вазифалардандир. Айнан шундай маънавий ”булоқ”лардан бири зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестадир. Унда халқимизнинг жамият ва табиат ҳақидаги дастлабки қарашлари ва тасаввурлари акс этган бўлиб, ундаги хулосалар бугунги кун кишиси учун олам ва одам муносабатларини ўрганишда назарий-услубий асос бўла олади.

Зардушт таълимотида ижтимоий адолатни қарор топтириш яккаю-ягона худо – Ахура Мазда ваҳийларига қаттиқ амал қиладиган комил Ақл эгаси инсон образи билан боғланади. Комил ақл эгаси ўз ҳаёт маъносини белгилаши уч ахлоқий тамойилга асосланади: эзгу фикр, эзгу ният, эзгу амал. Бу тушунчалар қадриятга айланиши учун шахс-оила-жамият тизимида ягона умумижтимоий руҳий ҳолат шаклланиши учун тинимсиз ушбу сўзлар муқаддаслиги такрорланиб, афсоналар, аллалар, шеърлар, дostonлар, маталлар кўринишида тарғибот-ташвиқот қилинган. Зардушт тилидан Ницше қадрият тушунчасига шундай баҳо беради: “Қадрлаш бу яратишдир! Қадр барча қадрланган нарсаларнинг дурдонаси ва жавоҳири. Қадр қадрлаш орқали намоён бўлади, мағзсиз ёнғокда қадр йўқ”.

Авестадаги фикр ва қарашлар милoddан аввалги XIII-IV асрлар оралиғида яшаган этник бирликлар дунёқараши, ўй-хаёллари, турмуш-тарзи, анъана ва урф-одатлари маҳсули сифатида намоён бўлиб, бутун бир қадриятлар тизимини ташкил этади. Ушбу таълимотда туб этник бирлик мақсад ва манфаатларига мос келган фикр ва қарашлар анъана сифатида эъзозланиб, ворисийлик тамойили асосида авлоддан-авлодга узатилиб, бугунги кунгача ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларида яшаб келмоқда. Зардуштийлик таълимотида анъанавий қадриятлар икки тизимда намоён бўлади:

- шахс-табиат тизимидаги анъанавий қадриятлар;
- шахс-оила-жамият тизимидаги анъанавий қадриятлар.

Авестада тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилиб уларни ифлослантириш ва исроф этиш энг оғир гуноҳ ҳисобланиб, бундай жиноятлар учун “судья Заратуштроэма - Оқсоқоллар Кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари билан келишган ҳолда ижтимоий хавфлилик даражасига қараб асосан қамчи билан жазолаш, жарима, баъзи ҳолларда ўлим жазоси”³¹ ҳам қўлланган. Тупроқ, сув, ҳавога нотўғри муносабат ечиб бўлмас экологик муаммоларни келтириб чиқаришини Зардушт яхши билган.

Ваҳоланки у давр одамлари дунёкарашидан ривожланган бугунги кун одамлари табиатнинг ҳам объектив қонунлари мавжудлигини, уларга нотўғри муносабат ўнглаб бўлмас салбий оқибатларга олиб келишини ўз кўзлари билан кўришса ҳам, эътиборсиз бўлмоқдалар (гўёки ўзга сайёраликдек). Айтиш лозимки, 30-40 йил илгари сувга ахлат ташлаш у ёқда турсин, ҳатто тупуриш ҳам уят саналган. Ҳозир эса шахсий ва гуруҳий манфаатлар кули бўлган айрим завод, ташкилот ҳамда хусусий фирма эгалари чиқиндиларни ер ости қувурлари орқали ариқ, сой, каналларга чиқариб юбормоқдалар.

Ушбу ҳолатлар келажакда давом этмаслиги учун ҳам зардуштийлик ғояларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш зарур. Ахура Мазданинг “ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ”, “олам гўзаллиги деҳқондан, кимки ерга уруғ қадабди, у одабийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб қолгани саробдир” каби фикрлари бугунги кунда ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларда меҳнатсеварлик кўникмасини шаклланишига хизмат қилади. Хусусан илмий-техника инқилоби таъсирида бугунги ёшларда “истеъмолчилик” кайфияти ривожланиши, уларда меҳнат қилиш майлларини заифлашувига сабаб бўлмоқда, бу эса Авестадаги деҳқончиликка оид анъанавий қадриятларни қайтадан баҳолаш заруратини туғдиради. Шу маънода бугунги кунда ҳам ҳукуматимиз раҳнамолигида зардуштийликнинг анъанавий байрамларидан

³¹ Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: - Фан, 2007. –б. 76.

Наврӯз, Меҳржон ва деҳқончиликка оид турли маросимлар ўтказилиб, халқимиз томонидан ардоқланиб келинмоқда.

Авестада шахс-оила-жамият тизимидаги муаммолар ҳам атрофлича ўрганилиб, уларни “инсонийлик” мезонлари асосида ҳал этиш усул ва воситалари ишлаб чиқилган. Зардуштнинг “тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим” деган фикри бугунги янгиланишлар жараёни учун маънавий ўлчовдир. Зардуштийлик дини анъанасига кўра, болага 7 ёшга тўлганда “муқаддас кўйлак” кийдириш маорсими ўтказилган ва шу кундан у мураббий қўлига топширилган. Маросимда бола мураббийси билан бирга Ахура Маздага эзгу фикр, эзгу ният, эзгу амал орқали Комил ақл эгаси бўлишга қасам ичишган. Бундай машғулоти бир кунда беш мартаба такрорланган. Бутун ҳаёти давомида ушбу қасамни ёдга солиб туриш учун 15 ёшида жун ипакдан тўқилган камар боғланган. Онтини бузган кишидан камар ечиб олиниб, жамиятдан бадарға қилинган. Ушбу анъана орқали аввало ёшлар қалбида ягона Ахура Мазда эзгулик тимсоли сифатида гавдаланиб, унинг ваҳийлари асосида яшаш ризолиги пайдо бўлади, қолаверса ёвузлик тимсоли Ахримандан нафратланиш ҳисси шаклланади. Бу эса келажакда оқни қорадан, ҳалолни ҳаромдан ажратувчи, гуноҳ ишлардан ҳазар қилувчи кишилар жамоасини шакллантиради.

Ушбу таълимотга кўра, “яқин қариндошлар ўртасида фарзандларнинг ўзаро оила қуриши маън қилинганлиги, соғлом авлоднинг туғилиши учун ота-оналар шароб ва турли гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмасликлари зарурлиги”³² каби қарашлари нафақат миллат соғлигини, балки жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш омили бўлишлигини яхши билганлар. Ёки “ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади...Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса,

³² Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. Авеста – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т.: Адолат, 2001. –б. 54.

муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади”³³. Бу фикрлар ташқи томондан жуда содда кўринсада, аслида уларда бутун бир инсоният тажрибаси мужассам.

Бугунги янгиланишлар даврида кўпгина анъанавий қадриятлар мазмун-моҳияти ижобий ёки салбий томонга оғиб кетмоқда. “Инсоннинг бу жараёндаги қадри эса, яхшилиқнинг ғалабаси учун курашда бефарқ турмаслигида, яшаш тарзида, маънавий қиёфасида, ижтимоий фаолиятида ўз ифодасини топади”. Воқеъликдаги ижтимоий онг нарса ва ҳодисалар қадрини моҳиятидан эмас, балки сиртидан изламоқда. Бу эса фалсафадаги шакл ва мазмун мутаносиблигини бузмоқда. Ушбу ҳолатни жамиятни барча соҳаларида кузатиш мумкин: санъат, меъморчилик, кундалик турмуш-тарзимиз. Бу фикрни Авестада келтирилган “таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг” ибораси билан асослаш мумкин

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, зардуштийлик таълимотида қадимги ибтидоий эътиқод шакллари элементларини ҳамда уларга хос бўлмаган яккахудоилик, ижтимоий-маънавий юксалиш белгиларини учратиш мумкин. Ушбу таълимот инсон ва жамият ҳаётига хавф солувчи ҳар қандай кўринишдаги ҳаракатларни қоралаб, уларни ўз истакларида холис бўлиб, бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юришга даъват этади. Зардуштнинг асосий мақсади ўзини ва оиласини фақат ҳалол йўл билан, яъни ўз қўллари билан яратган неъматлар орқали тарбия этувчи кишилар жамоасини шакллантириш эди.

Зардуштийлик таълимотидаги ғояларнинг халқ томонидан қадрланиб, анъанага айланиши, бизнингча, қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Авестада одам ва олам муносабатларига доир барча қарашларнинг ечими илк маротаба “инсонийлик” мезонлари бўйича таҳлил этилганлиги;

³³ Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004. –б. 17.

- “фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги”
қоидаси ҳар қандай макон ва замон учун бирдай аҳамиятлилиги;

- зардуштийлик маросимлари шартларига кўра, кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб уни олқишлаб сиғиниш кишилар онги ва калбида олий худо Ахура Маздага бўлган ишончни янада катъийлаштиришга хизмат қилганлиги;

ушбу таълимотга кўра, “эзгулик охир-оқибат ёвузлик устидан ғалаба қозониши” оддий халқ онгида келажакка ишонч уйғотган. Ўша давр воқеълиги нуқтаи-назаридан баҳолаганда ушбу қарашимиз янада асосли бўлади.

Юқоридаги фикрлардан мантикий хулоса шуки, Авеста нафақат умумбашариятга дахлдор ғояларнинг “бешиги”, балки ўзидан кейин пайдо бўлган барча таълимотлар учун маънавий асос сифатида ҳам кадрлидир. Биз бугунги янгиланишлар даврида анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш учун зардуштийлик таълимотининг кучли ва таъсирчан мафкураси хусусиятларини янги методлар, тадқиқот усуллари ёрдамида тадқиқ этиш, бу диннинг бугунги кунда ҳам ўз таъсирига эга, замон руҳига мос қадриятларини амалиётга жорий этишнинг ижтимоий муруватларини ишлаб чиқиш орқали инсон ва жамият маънавий барқарорлигини таъминлаш мумкин.

I боб бўйича хулоса

Зардуштийлик инсоният маънавий, диний, фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тафаккури тараққиётида ноёб ҳодиса сифатида асрлар оша илм аҳлининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу диннинг универсал ғоявий асослари баён этилган Авеста китоби бугунги кунимиздан қариб уч минг йил муқаддам инсоният йўлини ёритувчи фавқулодда машъалдек пайдо бўлган эди. Ўша даврдаёқ, Авеста билан

биргаликда авесташунослик ҳам туғилган эди десак, бу муболаға эмас. Зеро, Авестанинг таркибига кирган матнларнинг аксарияти қадим замонларга бориб тақалувчи тил хусусияти билан ўз даврида зардуштий жамоаларининг кундалик тилларидан қадимий, лаҳжа ва шева жиҳатларидан ҳам фарқли бўлган. Авеста тилининг бу каби қадимий ва муқаддас маъно берилган шаклини эҳтиётлаб сақлашга интилиш айрим олимлар томонидан зардуштийлик дастлаб алоҳида уюшган жамоалар орасида эъзозланган, омманинг унга кириши эса маълум инстиатив талаблар, синовлар орқали амалга оширилган деган фикр олға сурилишига сабаб бўлган. Ушбу омил Авеста матнларининг илоҳий, самовий сўз сифатида муқаддас ҳисобланишига олиб келган. Муқаддас сўзнинг талаффузини маҳаллийлаштириш ёки замонавийлаштириш ножоиз иш деб қаралган. Натижада Авеста китоби тўпланиши, матнларига доимий тартиб берилиши каби жараёнлар ўз-ўзидан маълум тадқиқотчилик ёндошувини, аслиятни даҳлсиз сақлашга қаратилган жиддий ҳаракатни талаб қилган. Илоҳий сўзнинг сакрал (муқаддаслик) моҳиятини сақлаш, муайян “сирлилиқ” диний қарашларнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилган. Шундай йўл тутилмаса Авестанинг матнлари талаффузидаги ягона канонни сақлаш мумкин бўлмас эди. Турлича талқинлар эса “эркинлашиб” диннинг социал бирлаштирувчи моҳиятига путур етган бўлар эди. Демак, Авестанинг китоб ҳолига келтириб жамланиш жараёнидаёқ авесташуносликнинг илк қадамлари қўйилган эди дейишга асос бор.

Авеста китобининг мураккаб тақдири ва тарихий йўли ҳақида илмий адабиётда кўп ёзилган. Биз шу жараённинг айрим ўринларини эслатиб ўтсак бас. Македониялик Александр босқини даврида илк Авеста ўтга ташлангани ҳақида манбаларда хабарлар етиб келган. Эллин маданияти “буюклиги” сеҳрига боғланган, уни дунё учун ибрат, намуна қилишдек хомхаёл билан банд Александр Авестанинг буюк ғоялари олдида лол қолдигина эмас, балки ожиз бир жиззакилик, такаббурлик билан бу улкан тафаккур маҳсулини йўқ қилиш, унуттириш, ўрнига ўзи

олиб келган юнончиликни жорий этиш йўлини тутди. Бироқ, Авеста ўлмади. Бу эса авесташуносликнинг янги даврини бошлаб берди: Парфия подшолиги юксалган пайтда ҳукмдор Вологез I буйруғи билан ёд билувчилар тилидан Авестанинг саҳиҳ матнини тиклаш ҳаракати бўлди. Аммо бу уринишнинг натижалари бизгача етиб келмаган. Зардуштийлик тарихининг анъанавий манбаларида мазкур ҳаракат ҳақидаги хабарлар сақланган холос.

Зардуштийлик Марказий Осиёда шакллангач, Сосонийлар салтанати даврида Эроннинг давлат дини даражасига кўтарилди. Авестани тиклаш ҳаракати янги босқичда давом этди. Дастлаб Ардашер Бобакон даврида бошланган бу ҳаракат милодий VI асрда Эрон шаҳаншоҳи Хусрав I Ануширвон даврида поёнига етди. Авеста 21 китоб (наск)да мужассам бўлди. Китобнинг ушбу таҳрири машаққатли изланишлар, кўплаб оғзаки кироат шакллари қиёслаш, етиб келган узук-юлуқ парчаларнинг энг мақбуллари солиштириш, талаффуз нормаларини таъминлашга қаратилган алифбе яратиш, унинг воситасида яхлит матн бутунлигини таъминлаш, китоб матнларининг доимий тартибини (канон) ўрнатиш каби мураккаб илмий ва амалий вазифаларни амалга оширишдан иборат бўлди.

Авестанинг араб истилосидан кейинги тақдири фожеий тус олди. Ислом динининг жорий этилиши давомида китобнинг тўлиқ 21 наскидан 4 наскигина қолди. Бу ҳам бўлса “Ясна”, “Яшт”, “Виспарат” китобларнинг катта ва кичик парчалари ҳамда нисбатан бутун етиб келган (22 боб) “Видевдот” китобларидан иборат эди.

Араб ва форс тилли кўплаб ўрта аср манбаларида зардуштийлик ва Авеста ҳақида маълумотлар учрайди. Лекин булар орасида Абу Райҳон Берунийни йирик авесташунос, ўзбек авесташунослигининг тамал тошини қўйган олим деб атасак, тўла ҳақлимиз. Унинг “Осор ул-боқия анал қурун ал-ҳолия” асари бунинг яққол исботидир.

Асрлар давомида авесташунослик баҳсли, мунозарали, муаммолари чалкаш илмий соҳа бўлиб келмоқда. Ҳозирги замон авесташунослигининг

Ўзи ҳам қариб уч юз йиллик тарихга эга. Авеста ва зардуштийлик феномени ўз атрофида жаҳон олимларини тўплаган. Уларнинг қарашлари турлича. Баъзан айрим масалаларда қутбий қарама-қарши фикрлар ўртага ташланади. Авеста тарихшунослиги ўн минглаб катта-кичик мақолалар, минглаб рисола ва монографияларни билади. Айрим нашрлар маънавий эскирган дейилса, айрим тадқиқотлар юз йилларда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Авеста тадқиқотлари ҳар қанча кўп бўлмасин, ҳали бу ноёб ва мураккаб ёдгорликнинг асл моҳияти тўлақонли очиб берилган дейиш қийин.

Шу ўринда ўзбек авесташунослиги шаклланиб, дадил ривожланиш йўлига қираётганини ички бир қониқиш сифатида қайд этиш лозим. Ўтган 20-асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиёти тарихи нашрларида Авеста ҳақидаги бўлимлар пайдо бўлган эди. Н.М. Маллаев, А.Қаюмов, М. Қодиров, А. Ирисов, Ҳ. Ҳомидий каби олимлар ташаббуси билан ўзбек халқининг қадимий маънавий илдизларга, Авеста ва зардуштийлик даври қадриятларига бевосита даҳлдор эканлиги дадил ўртага қўйилди. Этнограф олимлар Г. Снесарев, Б. Кармишева, К. Шониёзов кабилар ўзбек халқи турмуш тарзи, урф-одатлари, инончлари, турли ирим-сиримлари, тафаккур хусусиятлари, этно-психологик дунёси узоқ ўтмишдан бошлаб айна зардуштийликнинг табиат фалсафаси, ижтимоий тамойиллари асосида шаклланиб келганини исботлашди.

Ўзбек авесташунослиги 20 асрнинг сўнгги ўн йилликларида жадал ривож босқичига кирди. Марҳум шоир Асқар Маҳкам томонидан Авеста китобининг Эрон нашри асосидаги ўзбекча таржимаси, ушбу сатрлар муаллифи томонидан бажарилган “Яшт” ва “Видевдот” китобларининг ўзбекча илмий изоҳли нашри кабилар Авестага илмий қизиқишни кучайтирди. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ЮНЕСКО иштирокида ўтказилган Авеста китобининг 2700 йиллик юбилеи туфайли бу ноёб меросга муносабат Республикамизда умумхалқ тусини олди. Тарих, фалсафа, диншунослик, маънавиятшунослик, этнология каби

йўналишларда илмий лойиҳалар, улар асосида жамоавий ва мустақил тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. Сўнгги ўн йил ичида бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди. Монографиялар, рисоалар чоп этилди. Авеста мавзуи билан боғлиқ Республика ва халқаро илмий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Булар Ўзбекистонда авесташуносликнинг барқарор мустақил илмий йўналиш мақомига кўтарилаётганидан далолатдир. Масала шундаки, ўзбек авесташунослиги бу соҳада жаҳон миқёсида эришилган даражалардан туриб, авесташуносликнинг бугунги нафаси билан ҳамнафасликда ўзининг мустақил қиёфасига эга бўлмоғи лозим. Чунки қўлингиздаги илмий тўплам ўзбек авесташунослигида алоҳида воқелик бўлиб қолажак халқаро конференция материаллари сифатида жамланган. Унга кирган мақолаларнинг савияси турлича. Айрим ҳолларда муаллифлар ўзлари ўртага қўйган масаланинг тарихшунослигига оид янги тадқиқотлардан, хусусан, жаҳон авесташунослигида кечаётган жараёнлардан беҳабар ҳолда, маълум чекланган нашрлар асосида фикр юритадилар. Шу сабабли жиддий ҳулосалар беришлари мушкул бўлиб чиқади. Бинобарин, халқаро конференция минбари шунчаки номига мақола чиқариб қолиш учун эмас, балки соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшишга хизмат қилмоғи лозим.

II БОБ. АВЕСТАДАГИ ИЖТИМОЙ АДАҲОЛАТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

2.1. Авестада виждон эркинлиги масаласининг ёритилиши.

Бағрикенглик (толерантлик) ғояларининг дастлабки ёзма ғоялари халқимиз маънавияти, маданияти, давлатчилигини асосий манбаларидан бири бўлган зардуштийликнинг Авеста китобида тарранум этилган. Бу муҳим манбани ҳали собиқ шўро ҳукмронлиги даврида биринчилардан бўлиб ўрганган ва у ҳақида китоб ёзган А.О. Маковельский «Ахура Мазданинг кўрсатмасига мувофиқ тинчлик ва яхшиликни кўпайтириш ва

хурмат қилиш”³⁴. лозимлиги такидланган. Профессор Т.М. Маҳмудов инсон онгида ва ҳаётида табиат, жамият билан ўзаро уйғунлигининг вужудга келиши ҳақида шундай ёзади: “Қачонки, одамзод ўзини табиат ва кайнот сарвари сифатида ҳис қилгандан кейин, жамият ҳаёти ва инсон умри инсоний эҳтиёжларни ақл билан қондириш ҳамда маънавий муносабатларни ўрнатиш эканлигини тушуниб етгандан кейин, тасаввур ва тушунча ўртасидаги зиддият камая боради, жамият деб аталмиш одамларни бир-бирига боғлиқ ҳамда бир-бирисиз яшашининг иложи бўлмаган бирлиги вужудга келади”³⁵. Олим, Авестадаги икки, яхшилик ва ёмонлик, руҳлар ўртасидаги қарама-қаршилик, уларни ўзаро “муросага” келтириш мураккаблиги ҳақида қуйидаги фикрни илгари сурган: “...мана шу икки куч дунёни бошқаради. Улар ўртасидаги кураш абадий. Бу курашда бутун олам ва қуёшни яратган Ахура Маздага унинг доно ва ўлмас руҳонийлари ёрдам беради. Анҳра Ману эса ўзининг барча қора ва жоҳил ишларини қора ва жоҳил кучлари орқали амалга оширади: “Ибдидода бу икки туғилган-ҳамзодлар андиша, калом ва амалда бири эзгулик, бири ёмонлик ўзаро суҳбат курдилар. Бу иккидан бири, яъни эзгуликни ундан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар танладилар. Бу икки олам бир-бирига етишганидан сўнгра илк бор “тириклик” ва “нотириклик”ни бунёд айладилар. Бу ҳол олам сунгигагача давом этаверади...” (ясна, 30-ҳаж 3-4 бандлар)³⁶.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, инсон пайдо бўлибдики, унинг жамиятда яшаши қарама-қаршиликлари давом этиб келмоқда. Энг асосийси эса ҳар доим унинг онгида яхшилик руҳияти устувор бўлиб келган. Шунинг учун ҳам инсоннинг тараққий қилиши, ўз манфаатлари сари ишончи мустаҳкам бўлган. Худди ана шу тариқа инсонлар онгида толерантлик руҳияти шаклланиб, ривожланиб ва такомиллашиб келган дейишимиз мумкин.

³⁴ Маковельский А.О. Авеста. - Баку.1960.-Б.71.

³⁵ Маҳмудов Т.М. Авеста ҳақида. - Т.: Шарқ, 2000. –б. 30.

³⁶ Маҳмудов Т.М. Авеста ҳақида. - Т.: Шарқ, 2000. – б. 33.

Авестадаги ғоялардан бири жамиятнинг турли табақаларига бўлиниши ва улар ўртасидаги муносабатлар талқини ҳисобланади. Н. Мусаев ва З. Сиддиқовларнинг такидлашича, Авестада ўша давр жамоасининг синфий ва ижтимоий табақаланиш жараёнлари ҳам тасвирланиб, унда қўйлар, катта подалари бўлган шахслар бўлгани баён этилган. Аслзодаларнинг бойлиги чорвадан ташқари ерлари, кунлари ва бошқа мулклари ҳам белгиланган. Шунингдек, жамоа “ижтимоий мутахассис-хунармандлар” тоифаларига (коҳинлар, жангчи аравасиз, деҳқон-чорвадор ва хунармандлар) бўлинган”³⁷. Бундан кўринадики, Авестада жамиятдаги ижтимоий табақаланиш, турли табақалар ўртасидаги мулкӣ тенгсизликни келтириб чиқарганлиги, ўз навбатида, “эзгу амал”га риоя қилиш зарурлиги ғоясининг илгари сурилганлигини англатади.

Авестада илгари сурилган “эзгу фикр, эзгу калом (сўз), эзгу амал (иш) сўзларнинг заминида бағрикенглик (толерантлик) ғоялари ўз ифодасини топган. Чунончи, эзгу фикр инсонни камолотга етаклайди, ғаразли ниятлардан холи бўлади. Эзгу сўз, инсонларни ўзаро яқинлаштиради. Улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли зиддият ёхуд бир-бирини кўра олмаслик ёвузлик каби салбий ҳолатлардан холи бўлишига ёрдам беради. Эзгу амал (иш) эса, бир томондан, одамларни меҳнат қилиш, яратувчиликка ундаса, иккинчи томонидан, меҳнат орқалигина инсон фаровон яшаши мумкинлигини кўрсатиб беради. “Зардушт фалсафасининг асосий жиҳатларидан яна бири,- деб ёзади профессор Ҳ. Ҳамидов,- ҳақиқатпарастлик ва маърифатпарварликдир. Шунинг учун хотлар бошдан охиригача дониш ва маърифат зиёси билан йўғрилган. Унингча, инсон ҳар жиҳатдан билимли бўлмоғи, жаҳонни тўғрилиқ билан танимоғи, идрок этмоғи даркор. У яхшини ёмондан, гўзалликни хунукликдан, сарани носарадан, покни нопакликдан, донони нодондан ажрата билмоғи даркор. “Инсонни хирадманд, тилу забонли қилиб яратган тангрига олқишлар бўлсин! У инсонни ёмонликка қарши

³⁷ Авестада замин ва замон талқини. Илмий назарий конференцияси. - Т., 2001.- Б.26.

курашсин, уни нест-нобуд этсин, деб барча мавжудотга раҳбар ва сарвар этди”. Шуниси характерлики, янги дин пешвоси кишиларни ҳамиша ростлик ва тўғрилиқ йўлини тутишга ундар экан, инсон ҳаёти ва юрт равнақини таназзулга элтадиган ёлғон ва қинғир иш тарафдорларига қарши дадил курашга чақиради”³⁸. Авестада беҳуда қон тўқувчи урушлар, қирғинлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик ҳужумлари қораланиб, ўтроқ, тинч, осуда, осойишта ҳаёт кечиришга ҳам даъват этилади. Бу хусусда: «Жаҳон аҳлига озор етказмоқчи бўлганларнинг қирдикоридан менга ҳеч ранж етмагайдир. Бу душманона ҳатти-ҳаракатларнинг қасри душманларнинг ўзига қайтгайдир» деб алоҳида таъкидланади³⁹.

Инсонпарварлик, биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, сабрлилик каби толерантлик хусусиятлари Авестада «паноҳбахшлик, сардорлик, нигоҳбонлик ва нигоҳдорликни шарафлаймиз», деб мадҳ этилади. Авестада ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод, ўғрилиқ, талончилик, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтириш, хиёнат, бебурдлик каби иллатлар қаттиқ қораланган бўлса, ваъдага вафо қилиш, самимият, садоқат, холислик, ўзаро иззат-икром каби ҳислат ва фазилатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар эса улуғланган.

Айниқса, барча инсонларга ғамхўр бўлиш лозимлиги тўғрисида Авестада «Илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши киши, яқин одамга меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади». Ёки «Ашаван Зардушт умид қиладики, дўст дўстга паноҳ берсин, порсолик порсоликка, дўстлик

³⁸ Ҳамидов Ҳ. Авеста файзлари (илмий муҳаррир: Н.Қамиллов). - Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси, 2001.- Б.30.

³⁹ Авеста – тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ нашриёти–матбаа концерни, 2001. – б. 23.

дўстликка имдод-тиргак бўлсин»⁴⁰ тарзидаги толерантлик ғояларининг улуғланганлигини кўрамиз.

Ҳозирги кунда ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш жараёнида толерантлик ғоялари асосида инсонпарварлик, бағрикенглик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби маънавий-ахлоқий хислат ва фазилатларни шакллантиришда аجدодларимизнинг буюк маънавий-маърифий меросларидан бири ҳисобланган Авеста, ундаги ўғитлар, панд-насихатлар ўрни бекиёсдир.

Авеста бу нафақат диний илоҳий матнлар манбаи, балки ўша даврда Турон заминида яшаган халқларнинг дунёқараши, урф-одатлари, маънавияти ва маданияти, шунингдек, табиат, олам ҳақидаги қарашлари ва энг муҳими, толерантлик ҳақидаги кўникма ва тажрибаларни ўзида акс эттирган манба ҳамдир. Халқимизнинг ноёб қадрияти Авеста нафақат бизнинг миллий маънавий меросимиз, балки умуминсоний қадриятдир. Шу сабабли ҳам «уч минг йиллик қадриятларимизнинг шаклланишида ўз она макони ва юртига эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муамалада мулозамат, ҳаё, андиша каби тушунча, воқеа, ҳодисалар устуворлиги каби олий неъматларнинг содиқлигидир»⁴¹.

Шундай неъматлардан бири бағрикенглик бўлиб, етуклиги, инсонийлиги даражасини белгиловчи мезонларнинг энг муҳимидир. Яъни, «толерантлик (бағрикенглик) – ҳар бир муайян инсонни, унинг фикри, нуқтаи назарини, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни улар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга ҳозирликдир»⁴². Демак, толерантлик деганда инсон, ҳамжамият, давлатнинг бошқалар фикрини

⁴⁰ Авеста – тарихий–адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ нашриёти–матбаа концерни, 2001. – б. 101.

⁴¹ Хоназаров Қ.Х., Маҳмудова Г.Т. Маънавият ва маданиятшунослик фанларидан маъруза матнлари. – Т.: ЖИДУ, 2000. – б. 35.

⁴² Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. –б. 7.

тинглай билиши ва ҳурмат қила олишини, ўзиникидан фарқ қилувчи фикрларни муроса билан қарши олишини англатади.

Авестада энг муҳим масалалардан бири, бу — бағрикенглик муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар асосланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри — Ахура Маздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш мумкинки, қадимги давр минтақамиздаги ижтимоий ҳаёт, кишилар онги, давлат фаолиятидаги барқарорлик, бағрикенглик, зўравонликка қарши қаратилган ғояларни мужассамлаштиришга катта хизмат кўрсатган маънавий манбалар орасида зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби Авеста муҳим жой олган. Турли кўринишдаги бағрикенглик ғояларини илгари сурган диний-фалсафий таълимот, уни яратган халқнинг бошқа маънавий хусусиятларини, эътиқодини, ички дунёсини мужассам қилган. Ўша даврдаги ҳаёт ўзига хос қарама-қаршиликларни вужудга келтириб, уларнинг оқибатлари бўлмиш ўзаро тўқнашувлар, урушлар, ижтимоий зулм ва зўравонликлар халқнинг мазкур хислатларига зид эди. Ана шу зиддиятларни бартараф этиш, куч ишлатишлик ва зулмга чек қўйиш мақсадида зардуштийлик таълимоти инсонни маънавий камолотга, ахлоқий поклик ва ҳар хил кўринишдаги мутаассибликка қарши қаратилган эди.

Умуман олганда, халқимизнинг маънавий хожатлари ва эҳтиёжларини қамраб олган Авеста айниқса бағрикенглик қадриятларига катта эътибор берган, унинг хусусиятлари кўпгина бошқа халқлар интилишларига мос келди ва улар орасида кенг тарқалди. Бу эса бир неча бошқа мамлакатларда зардуштийлик таълимоти ва ғоялари ўз жойини топишига ҳамда бир неча мамлакатларда расмий дин сифатида қабул

қилинганлиги маълум. Шунинг ўзи Авестанинг асосини ташкил қиладиган чуқур бағрикенглик ғоялари ётганидан далолат беради. Жумладан, зардуштийликнинг яккахудоликка бўлган катта мойиллигини Ахура Маздани асосий Худо деб билиши ҳамда дунё у томонидан яратилган деб уқтирганида ўз ифодасини топади.

Зардуштийлик таълимоти ва эътиқоди бўйича яхшиликнинг ғалаба қозониши, ёмонликнинг йўқ бўлиб кетишига ишонишлиги, Ахура Мазданинг асосий Худо, яратувчи сифатида тан олиниши — булар ҳаммаси ушбу диний-фалсафий оқим, унинг асосида шаклланган диний қарашлар кейинчалик вужудга келган яккахудолик учун маълум маънода замин тайёрлаб берган, деган хулосага олиб боради. Шу билан бирга Авестадаги эзгулик худоси Ахура Мазданинг охири енгиб чиқиши, унинг оламнинг аслида якка ибтидоси сифатида талқин қилиниши, ушбу динга сиғинадиган халқларнинг маънавияти, дунёқарашида ёвузликка, ёмонликка, зўравонликка қарши қаратилган туйғулар, ғоялар, бағрикенгликка интилиш чуқур акс этганлигидан далолат беради.

Зардуштийлик диний-фалсафий таълимоти шундан далолат берадики, инсоният тарихнинг илк даврларидан бошлаб бағрикенглик ғояларини маънавий-диний ва назарий-услубий жиҳатдан асослашга интилган. Авеста китобининг аҳамияти шундаки, у ҳам бўлса инсониятни эзгулик, яхшилик йўлидан бориб, қабоҳат, зулматга қарши аёвсиз курашиш кераклиги ва бу курашишда эзгуликнинг ғалаба қозониши муқаррар эканлиги таъкидланади. Демак, Зардуштийликнинг бутун халққа тааллуқли бўлган бағрикенглик ғоялари билан суғорилган таълимотининг мазмун ва моҳиятини қуйидаги Авестадан келтирилган парчада ифодалаш мумкин: «Тенгликда яшанглар, астойдил меҳнат қилинглари ва худолар сизларни яхши кўриб қолади».

2.2. Авеста оила ҳуқуқининг дастлабки кўриниши сифатида

Одамзод онгли ҳаёт бошлаган замонлардан бери инсоният аёлларга ихлос қўйиб, уни севиб ардоқлаб келади. Аёл мавзусига ҳамиша буюк ҳурмат билан қаралган ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни алоҳида эканлигини биз қадимий битиклар, тарихий йилномалар ва мабалар орқали билиб олишимиз мумкин. Ана шундай манбалардан бири зардуштийларнинг муқаддас китоби саналмиш Авеста ҳисобланади. Авестада аёл шаъни улуғланади. Зардуштийларнинг қарашларида, урф-одат, маросимларида ҳам буни учратиш мумкин.

Г.Маҳмудованинг берган маълумотида кўра, зардуштийлик фалсафасининг дуалистик хусусиятидан катъий назар унинг амалий турмушга, инсон ва жамият ҳаётига йўналтирилганлиги ундаги адолат

ғоясининг моҳиятини ташкил этишидан далолат беради. Буни аёлнинг оила, жамияттаги роли ва ўрни талқинида яққол кўриш мумкин. Авестанинг бешинчи фрагардида табиат унсурлари: ер, сув, ҳаво, оловни эъзозлаш билан бир қаторда, асосий масала аёлга нисбатан кўрсатиладиган ғамхўрликда ўз ифодасини топган⁴³.

Зардуштийлар оилада қиз фарзанд тарбияси, унинг турмуш қуриши ва ҳомиладорлик жараёнлари ва кейинги оилавий муносабатлардаги ҳуқуқий роли, жамияттаги ўрни ва мавқеи ҳақида доимо қайғуриб келганлар. Жумладан: Авестада таъкидланишича, қизларнинг турмушга чиқиши ҳақида ота-оналар ва васийлари қайғуришлари лозим. Вандидод китобида – “Улар унинг қалбини покиза эътиқод ва муқаддас қонунга мойил қилсин, яхши ёстикдошга интиқ қилсин. Ёш қизалоқни қадди-қомати, ранги-рўйи ҳар жиҳатдан бенуқсон бўлсин. Ўн беш ёшли қиз яхши обрў-эътиборга эга бўлиб, яхши эътиқодли эрга турмушга берилсин”, - дейилган.

Авестада таъкидланганидек, ўғил болалар таълим-тарбиясига нисбатан қизлар тарбиясига жиддий эътибор берилган. Чунки улар туғилган хонадонини, ота-она рўзғорини тартибга солиб, зийнат бериб юришган бўлса, кейинчалик жуфти-ҳалоли уйига боргач, фарзандлари таълим ва тарбияси билан машғул бўладилар. Шу тариқа қиз болаларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлаш, матолар тўқиш, либослар тикишдан ташқари отда чопиш ва қиличбозлик каби жисмоний малакаларни ҳам эгаллашлари лозим бўлган.

Қизлар ва ўғил болалар 15 ёшида оқсоқол бошчилигида жамоа улуғлари олдида махсус имтиҳондан ўтказилган. Натижада балоғат ёшига етган қизлар рўзғор юритишни ўрганиб уй бекаси, йигитлар эса оила бошлиғи бўлиши, чўпон чулигини олиб, от суриш, туя миниб мустақил

⁴³ Махмудова Г.Т. Авеста ва зардуштийликда инсонпарварлик ғоялари. Марказий Осиё фалсафий тафаккур тарихида Авестанинг ўрни. – Т., 2012. –б. 148.

рўзғорни тебратиш ҳуқуқини кўлга киритганлар⁴⁴. Бу ҳақда А. Аширов: “.... чорвачилик билан машғул қавмларда қизларга юнгдан ип йиғириш, урчук ва чархда ишлаш, матолар тўкиш, либослар тикиш шарт ҳисобланган ... Ана шундан сўнг қизлар ўн беш, йигитлар ўн етти ёшида “логамзадан”(отга сувлиқ солиш) ва “зин-задан”(отни эгарлаш) имтиҳонидан ўтган. Натижада балоғат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб “катбону” (уй бекаси), “катхудот” (оила бошлиғи) бўлиш, чўпон чўлиғини олиб от суриш ... ҳуқуқига эга бўлганлар”⁴⁵ – дея маълумот беради.

Авестада ёзилишича, агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю уйланмаса, унга темирни оловда қиздириб тамға босишган ёки белига оғир темир занжир камарни боғлаб юришга мажбур қилинган. Худди шунингдек балоғат ёшига етган қиз ҳам турмуш қурмай юрган бўлса, қопга солиниб, унга 25 дарра урилган.

Авестада Зардуштнинг кенжа қизи Поурчистанинг Ямаспа билан никоҳига бағишлаб тузилган тўйгоҳлари, шунингдек, бошқа никоҳланаётган жуфтларга мурожаати келтирилади. Зардуштийлик қонунларида талоқ қилиш қатъиян таъқиқланган бўлиб, эр-хотин садоқати улуғланган. Маздапарастларнинг яқин қариндошлар ва ўзга диндагилар билан оила қуриши қатъиян ман қилинганлигини кўрамыз⁴⁶. Қавм ва уруғ қонини тоза авлодни бенуқсон сақлаш учун улар шундай қилганлар⁴⁷. Бундан ташқари ҳар хил диний конфессиялар ўртасидаги вужудга келиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида ўзга дин вакиллари билан никоҳга кириш таъқиқланган.

Мирсодиқ Исҳоқовнинг маълумотига кўра, ўрта форс-пахлавий тилида етиб келган зардуштий панду насихатлар китоби “Дотестони

⁴⁴ Исмоилова Ш. Муқаддас китобларда оила ва оилавий тарбияга муносабат // “Аёл – оила саодати сари” (илмий-амалий анжуман материаллари) – Т., 2005. –б. 25.

⁴⁵ Аширов А. “Ўзбек халқи турмуш тарзида зардуштийлик излари”// “Ўзбекистон тарихи”. – 2001.- 1-сон. – б. 4.

⁴⁶ Ўша жойда, 26 бет.

⁴⁷ Ўша асар, 11 бет.

менуки хирад” (Билга-оқил зотнинг ўғитлари)да⁴⁸ аждодларимизнинг ўзига хос, айнаи чоғда умумбашарий тафаккур тарзи ва ўлмас қадриятларининг илдизларини кўриш мумкин. Ва унда уйланиш, хиёнат борасида куйидагиларни учратишимиз мумкин: “Хотин олсанг олижаноб, хушодоб, оқила кизга уйлан”. Ёки “Зино, ўзгалар хотинига қараш бойлигингни, танингни, қалбинг ва руҳингни ғорат қилади”⁴⁹. Яъни зардуштийлик дини таълимотига кўра, киз танлашда авваламбор, унинг ташқи қиёфасига эмас, балки ички дунёси гўзал, тафаккури тиник, дидли-фаросатли эканлигига аҳамият берилади. Оилага хиёнат этиш эса инсоннинг ўзи эга бўлган барча нарсалардан мосуво этиши таъкидланади.

Зардуштийлик таълимотининг ахлоқий йўриқларига биноан инсон томонидан ўз бурчини ҳис этишнинг энг биринчи белгиси маънавий поклик саналган. Аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш ижтимоий зарурат ҳисобланган. Айниқса, ҳомиладор аёлларга мурувват кўрсатиш асосий инсоний бурч саналган⁵⁰. Аёлларнинг ҳомиладорлик даври ва фарзандли бўлганларидан сўнг алоҳида ғамхўрлик қилиш лозимлиги таъкидланади. Зардуштийларда ҳомилани тушириш ёки нобуд қилиш қатъий қораланган. Ҳомиланинг қасддан нобуд бўлишига сабабчи аёл жазоланган, бу фожеага эркак алоқадор бўлса, уни қатл этиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Агар Маздага сиғинувчи кишининг уйида ҳомиладор аёли бўлса-ю унинг боласи тушиб қолса ёки у ўлик бола туғса, бу аёлни бир тақволи уйга, ери энг тоза ва қуруқ жойга олиб бориш зарур. Бу жой оловдан, сувдан, барсмандан, диндор кишидан узоқда жойлашган бўлиши, ундан уч қадамдан ўттиз қадамгача бўлган ер ўраб олиниши лозим. Кейин аёлга гомезни кул билан аралаштириб бериш зарур. Бу унинг вужудидан ўлимни қувиш учун қилинади; шундан сўнг у бия, сигир, қўй, эчки сутини қаймоқ билан ёки қаймоғисиз ичиши, сувсиз пиширилган гўшт ёки дон ейиши ва

⁴⁸ Исҳоқов М., Жўраев Ш. Авеста – эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал китоби. – Хива: Хоразм Маъмун Академияси нашриёти, 2008. – б. 19.

⁴⁹ Ўша асар. – б. 21.

⁵⁰ Ҳашимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. – Тошкент, 2005. – б. 28.

сув кўшилмаган шароб ичиши мумкин. Бу жараён уч кун давом этади, ундан кейин покланиш учун ўз баданини ва кийимларини гомез ҳамда тўққиз чуқурдан олинган сув билан ювади⁵¹.

Г.Махмудованинг фикрларига кўра, зардуштийлар ернинг, оловнинг, сувнинг, ўсимликлар ва аёлларнинг поклигини бирдек ҳурмат қилганлар ва бу ҳақда ғамхўрлик кўрсатганлар. Улар учун ҳатто ўзининг ўлик туғилган боласи туфайли нопок бўлган аёл ҳам алоҳида диққат эътибор объекти ҳисобланган. Бунга ўхшаш ҳолатлар билан боғлиқ равишда ерни, сувни, оловни аёллар ва эркакларни поклашнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилган. Шу сабабли зардуштийлар учун аёлларни эҳтиёт қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш фақат диний ишонч эмас, балки ижтимоий мажбурият ҳам бўлган. Зардуштийларнинг ўлик бола тукқан аёлга муносабати зардуштийлик ахлоқий доктринасининг инсонга, сувга, оловга, ўсимликларга, итга, сигирга, умуман, жисмоний ва руҳий оламнинг барча кўринишларига нисбатан меҳр билан йўғрилган юксак ва нафис гуманизмни ёрқин тавсифлаб беради⁵².

Марказий Осиёда қадимдан аجدодларимиз табиатдан оқилона фойдаланиш ва унга муносабат соҳасида юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни ишлаб чиққанлар ва уларга қатъий амал қилганлар. Бу ғоялар зардуштийлик диний қарашларида бевосита аксини топган. Улар орасида қадим замонларда алоҳида эъзозланган маъбудлардан Митра, Вараҳран, Тиштрия, Хварно, Хуршед ва бошқалар қатори Ардви Сура Анахита маъбудасининг мавқе, мақом даражаси юқори тутилган. Зеро, Ардви Сура табиатан аёл маъбуда саналиб, унинг инсон зотиға ҳимоятлик вазифалари кўп қиррали бўлган. Аввало Ардви Сура қадимий Туроннинг ҳаёт манбаи Амударёнинг илоҳий ҳомийси сифатида намоён бўлади.

⁵¹ Махмудова Г.Т. Авеста ва зардуштийликда инсонпарварлик ғоялари. Марказий Осиё фалсафий тафаккур тарихида Авестанинг ўрни. – Т., 2012. –б. 148.

⁵² Ўша асар. –б. 150.

Шунга кўра, Ардви Сурани зардуштийликнинг табиат культлари қаторига кўйиш, уни натурфалсафий нуқтаи назардан баҳолаш ҳам фанда маълум⁵³.

Маълумки, Амударё Хоразмнинг яккаю-ягона ҳаёт манбаи бўлганлигидан, узоқ ўтмишда одамлар уни илоҳийлаштирганлар, у муқаддас саналиб, унга сиғиниб келганлар. Авестанинг “Видевдод” ва “Яшт” китобларида Амударёга бағишлаб кўп мадҳиялар, алқовлар айтилган, ривоятлар тўқилган. Ардвисура Анахита эса Амударёнинг энг эъзозли маъбудаси сифатида тасвирланади. Авестада Амударё сувининг шифобахш эканлиги, одамларни дарддан халос қилишлиги, ҳомиладор аёлларнинг кўз ёришини енгиллаштириши, мадҳ этилади. Анахита эса Авестада энг гўзал аёл, она Худо, сувга, экинларга ва аёлларга ҳомийлик қилувчи илоҳий қудрат, эзгулик маъбудаси сифатида шундай таърифланади: “Биз Ардвисура Анахитага сажда қиламиз. У ёш бир қиз қиёфасида ўз тахтида ўлтиради, у гўзал, бақувват, улуғвордир, камарни бадандан боғлаган, хушбичим, чиройли ва олийжаноб юзли, ажойиб кўркам плаш кийган, олтин зийнатлар билан безалгандир. Ўз қўлида қонунга мувофиқ равишда муқаддас бутонни ушлаб туради. Унинг икки қулоғига тўрт қиррали олтин исирға тақилган, унинг кўркам маржонида зумрадлар порлайди ... У бошига ялтироқ, саккиз қатор қатта юлдуз қадалган, чиройли попуқлар билан безалаган моҳирона ишланган, порлоқ олтин тиллақош тақади. У сувда яшовчи сувсарлардан уч юзта энг яхшисини танлаб, уларнинг терисидан ишланган, ғоят кўркам ва хушранг совсар плаш кияди”⁵⁴. Бу ҳақда М. Исҳоқов қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: Ардвисура Авестадаги етти тангридан бири бўлиб, у Анахита номи билан оғзаки ижодда кенг тарқалган. Анахита бу Ардвисуранинг доимий сифати бўлиб, табиат, сув, ҳосилдорлик маъноларини англатади ва Амударё билан боғлиқдир. Авестада Анахита

⁵³ Эшмуродов М. Авестада табиат культлари талқини.- Т.:Низомий номи ТДПУ нашриёти, 2002. - б. 16.

⁵⁴ Бобожонов Х., Сатлиқов А. Авеста – бебаҳо маданий мерос. - Хива, 2000. –б. 78.

Ардвисурага махсус Яшт бағишланган. У шахслаштириш орқали инсон киёфасида тасаввур қилинган.

Бўлди гўзал қиз мисол

Қомати тик, улуғвор

Гўё бўлган бир ниҳол

Болдирлари гирдига

Олтин боғич боғлаган⁵⁵.

Хоразмнинг кўҳна қалъа харобаларидан топилган сополдан ясалган дабдали кийимлар ва зебу-зийнатлар билан безалган аёл хайкаллари Авестада юқорида таъриф этилган муқаддас Анахита тасвири эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Анахита Амударё маъбудаси сифатида авваламбор денгизчиларнинг ҳомийси ҳисобланса, иккинчидан, унинг яна бир масъул вазифаси аёлларга, айниқса, ҳомиладор аёлларга ғамхўрлик кўрсатишдир. Фарзандсиз ёки ҳомиладор аёллар минг йиллар давомида муқаддас дарёга томон интилиб келганлар. Улар ўз ниятларига етишда муқаддас дарёдан мадад кутганлар. Шу муқаддас дарёга қурбонликлар берганлар, турли расм-русм ва маросимлар қилганлар. Шулардан аёлларнинг сафардан қайтган кемаларга тушиб, кема тубидаги сувга зиёрат қилиш, қўл оёқларини ювиш, кема марказидаги лангарни уч маротаба айланиб, кема дарғасидан дуо-фотиҳалар олиш одатлари яқингача сақланиб келган. Буларнинг барчаси Амударёни муқаддас билиб, сиғиниш ҳамда унга бағишлаб турли маросимлар ўтказиш одатларини анча ўзгарган кўринишда узоқ сақланиб келганлигидан гувоҳлик беради⁵⁶.

Хулоса шуки, азалдан то бугунгача сақланиб келаётган аёл сиймосига, хотин қизларга бўлган ғамхўрлик Авеста таълимоти маҳсули бўлиб, уларнинг маъбудалар сифатида илоҳийлаштирилиши эса аёл

⁵⁵ Ардвисура алқови. М.Исҳоқов таржимаси// Ўзбек тили ва адабиёти. – 1999.- 2-сон. – б. 73.

⁵⁶ Бобожонов Х., Сатлиқов А. Авеста – бебаҳо маданий мерос. - Хива, 2000. –б. 80.

муқаддаслигига қилинган ишора, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат деб қарашимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган диний таълимотлардан энг қадимгиси зардуштийлик дини бўлиб, у мамлакатимизда бола ҳуқуқлари тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Зардуштийликнинг асосий манбаи ва муқаддас китоби Авеста ҳисобланади. Зардуштийлик дунёдаги энг қадимги динлардан ҳисобланиб, мил.ав. II–I минг йилликларда Марказий Осиёда вужудга келган. VIII асрда Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиб кенг тарқалгунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган⁵⁷. Авестада кишилар ўртасидаги ҳуқуқий-ахлоқий муносабатлар, оила ва никоҳ, жиноят ва жазо каби масалалар билан бир қаторда бола ҳуқуқ ва манфаатлари қафолатлари бўйича кўплаб муҳим ҳуқуқий нормалар мавжуд. Ушбу манбада “бола”, “фарзанд” сўзларининг 80 мартадан ортиқроқ жойда тилга олингани унда болаларга алоҳида эътибор билан ёндашилганидан дарак беради.

Умуман олганда, зардуштийликнинг диний характериға қарамасдан, унда Рим ҳуқуқига қараганда инсоннинг этник келиб чиқиши, дини, ёши, жинси ва мавқеидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари принциплари купроқ шаклланган ва мустаҳкамланган. Авесташунос олимлар Зардушт қонунларида “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган” деб алоҳида таъкидлайдилар⁵⁸. Мисол учун, Рим ҳуқуқида бола устидан ота мутлақ ҳуқуқларға эға бўлган. Янги туғилган боланинг яшаши ёки ўлиши отанинг измида бўлган: у ҳаттоки болани ташлаб юбориши ҳам мумкин бўлган. Ота ўз болаларини бутунлай қул қилиб ёки мамлакат ичида қул қилиб сотиш ҳуқуқиға эға бўлган⁵⁹. Бироқ, Рим ҳуқуқидан фарқли равишда Авестада боланинг яшашға бўлган ҳуқуқини она қорнидалиги давриданок

⁵⁷ Диншунослик /А.Мўминов, Ҳ. Йўлдошхўжаев ва б.; Н.И.Иброҳимов таҳрири остида.- Тошкент: “Меҳнат”, “ЎАЖБНТ” Маркази, 2004. – б. 91.

⁵⁸ Safa-Isfahani N. Rivayat-I Hemat-I Asawahaistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser. Vol.2). Cambridge, 1980. – p. x.

⁵⁹ По материалам Министерства юстиции Республики Беларусь.
http://mir.pravo.by/library/section_3/istorpravdetey (20.06.2013)

таъминлаш лозимлиги баён этилган: “Улар осмонни асраб-авайладилар, кўриқладилар; сувни асраб-авайладилар; заминни асраб-авайладилар; жониворларни асраб-авайладилар; гўдакни онаси қорнида ўлиб кетмаслиги учун асраб-авайладилар⁶⁰.” (Ясна, 23-хот, 1-банд)

Боланинг соғлом дунёга келиши ва ўсишга бўлган ҳуқуқи ҳам таъминланган. Авестада она хомиладор бўлгунига қадар ота ва она соғлиғига, туғруқ жараёни енгил ўтишига ҳамда бола дунёга келганидан сўнг унинг она сути билан озиқланишига алоҳида эътибор берилган. Чунки, булар болани соғлом вояга етишида энг асосий омиллардан ҳисобланади: “У эркак уруғини пок айлайди, аёллар захдонини уларнинг таваллуди учун ҳар турли нопокликлардан соф қилади. У аёлларнинг кўз ёришларини осон айлайди; хомилали аёллар кўксига сут келтиради⁶¹” (Ясна, 65-хот, 1-бўлим, 2-банд). Ёки: “У - Ардвисура Анаҳита мен учун эрлар уруғини пок айлайди ва аёллар захдонини ва кўкрагини мусаффо қилади[4]” (Ясна, 65-хот, 1-бўлим, 5-банд).

Авесташунос олим С. Ганбаров ўз тадқиқотларида “Авеста вояга етмаганларни ва ҳатто дунёга келмаган болалар ҳуқуқларини ҳам қаттиқ ҳимоя қилади” деб ёзади⁶². Зардуштийлик таълимотининг бола ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳасида энг диққатга сазовор томони шундаки, ҳозирги кунда кенг тарқалган аборт масаласи у даврда қаттиқ қораланган. Болани олдириб ташлаш одам ўлдириш жинояти билан тенглаштирилган. Болани қасддан тушириб ташлаганлар қаттиқ жазоланган: “Агар аёл одамлардан номус қилиб бачадонидаги тириклик мевасини нобуд қилса, одам ўлдириш гуноҳи аёл ва эрнинг гарданидадир. Улар ошкора қатл этиладилар⁶³” (Вандидот, 15-фрагад, 2-бўлим, 12-банд).

Агар эр ва хотин қонуний никоҳда бўлиш ёки бўлмасликларидан қатъий назар, ўзаро келишган ҳолда болани олдириб ташлашса, бунда айб

⁶⁰ Авеста. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.- Т.: Шарқ, 2001.

⁶¹ Авеста. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.- Т.: Шарқ, 2001.

⁶² Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте. —с. 12-13.

⁶³ Авеста. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.- Т.: Шарқ, 2001.

нафақат эр ва хотиннинг зиммасида, балки аборт қилган одамнинг зиммасида ҳам бўлади. Демак, болани туширишга ёрдам бериш ҳам жинойт ҳисобланган: “Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан - ҳоҳ турмушга чиққан, ҳоҳ чиқмаган бўлсин - алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор бўлгач, эрга деса: “Сен мени ҳомиладор қилдинг!” Эр унга жавобан: “Бир қария кампирни қидириб топ. Токи у ҳомилангни туширсин!” деса. Ва қиз ё жувон қария кампирнинг ҳузурига йўл олса ва кампирга қорнидаги ҳомилани тушурмокни буюрса. Қария банга, шайита, ғнон, фраспота ва бошқа дорилар ёрдамида болани тушириб берса-да, эр унга деса, “Тириклигинг мевасини олисларга элтиб ташла!”. Қиз ё жувон тириклик мевасини узоқларга элтиб ташласа, бу гуноҳнинг юки ҳар учувининг гарданида: эр, аёл, қария кампир⁶⁴” (Вандидот, 15-фрагмента, 2-бўлим, 13-14-бандлар).

Авестада келтирилишича, ҳомиладор аёлга ғамхўрлик қилиш, уни моддий таъминлаш, ҳимоялаш боланинг отаси зиммасига юклатилади: “Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан – ҳоҳ турмушга чиққан, ҳоҳ чиқмаган бўлсин - алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор бўлса, то гўдак дунёга келгунига қадар эр ўша қиз ё жувонни ўз қарамоғига олмоғи керак” (Вандидот, 15-фарғард, 3-бўлим, 15-банд). “Уни ўз ҳимоясига олмоқ ҳар бир ашаван эрнинг бурчидир⁶⁵” (Вандидот, 15-фарғард, 3-бўлим, 19-банд).

Лекин аксинча, эр аёлни ўз қарамоғига олишдан бош тортса, уни ҳимоя қилмаса, уни моддий таъминламаса ва натижада бола зарар кўрса, у ҳолда эр ошкора қатл этилган: “Агар борди-ю эр аёлни етарлича ҳимоя қилолмаса ва гўдакка шикаст етса, бундай эрнинг жазоси ошкора ўлимдир⁶⁶” (Вандидот, 15-фарғард, 3-бўлим, 16-банд).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қадимги даврда Ўрта Осиёда болалар она қорнидалигиданоқ эътибор билан ҳимояланган, ҳомиладор

⁶⁴ Авеста. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.- Т.: Шарқ, 2001.

⁶⁵ Ўша асар.

⁶⁶ Ўша асар.

аёлларга алоҳида ғамхўрлик қилинган. Болага она қорнидалигиданоқ эътибор қаратиб, ғамхўрлик қилишнинг нақадар муҳимлиги ва боланинг келажақтаги соғлиғига мана шу давр асос бўлиши ҳозирги давр тиббиёт илми билан ҳам исботланган. Ҳар томонлама соғлом, баркамол фарзанд кўриш у даврнинг ҳам долзарб масалаларидан бўлган ва бу ҳар бир зардуштийнинг хоҳиш–истагида ўз аксини топган: “Менга баркамол ва дингоҳ, ватансевар ва анжуманоро, аҳил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг ном ҳамда овозасини кўтарсинлар” (Ясна, 68-ҳот, 5-банд).

Зардуштийлик динида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Болаларни ёшлик чоғиданоқ илмга ўргатиш тавсия этилган. “Агар сенда ўғил бўлса,- “Адурбад ўғитлари”да айтилишича,- уни ёшлигида мактабга бер, токи илм - кўз нуридир”⁶⁷. Авестада таълим берувчилар ҳам, таълим олувчилар ҳам олқишланган (Ясна, 43-ҳот, 6-банд; Ясна, 59-ҳот, 21-банд). Ёмон тарбиячилар эса қаттиқ қораланган: “Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди” (Ясна, 32-ҳот, 9-банд).

Қадимги даврда вояга етмаганларни яшашга, ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш қай даражада муҳим бўлгани зардуштийлик таълимотидаги муқаддас илоҳий кучларга айтилган мурожаатлар орқали кўришимиз мумкин: “Эй, сувлар! Сизлардан бир неча ўтинчим бор: Куч-қудрат бағш айланг. Барчанинг орзуси бўлган фарзандларга душманларнинг зиёидан, ситамидан, қатлидан паноҳ беринг” (Ясна, 65-ҳот, 1-бўлим, 11-банд).

Ҳуқуқшунос олим А.Г. Периханян тадқиқотларида келтирилишича, зардуштийлик қонунларида вояга етмаганларни ота-онасидан олиб қўйиш, уларни қаровсиз қолдириш оғир жиноят сифатида кўрилган. А. Периханян ва С. Ганбаровлар ўз тадқиқотларида Авестанинг Видевдот қисмидаги жиноятларни олти турга бўлиб, классификация қилганлар. Булар: динга

⁶⁷ Изведать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты. –с. 78.

қарши жиноятлар, жониворларга қарши жиноятлар, мулкка қарши жиноятлар, маънавий-ахлоқий жиноятлар, табиат кучларига қарши жиноятлар ва шахсга қарши жиноятлар. Болани она қорнидалигида қасддан нобуд қилиш (аборт), ҳомиладор аёлнинг соғлиғига зиён етказиш шахсга қарши оғир жиноятлардан ҳисобланган.

Зардуштийлик таълимотига кўра, бола ўн беш ёшдан сўнг вояга етган ҳисобланиб, катталар сингари тўлиқ муомила лиёқатига эга бўлади. Шахс ҳоҳ қиз бола, ҳоҳ ўғил бола бўлсин, ўн беш ёшдан ошгандан кейин зардуштийлик динининг энг асосий шартларидан бири бўлган, унинг вояга етганликларини англатувчи махсус белбоғ боғлаши ва судра либосини кийиши керак бўлади. Ўн беш ёшдан сўнг маздапарастларнинг махсус белбоғини боғламай, судра либосини киймаган ҳолатида уч одим ташлаган одам саравушу-чарана қамчини билан ўттиз марта саваланади, тўртинчи одими девлар измида бўлади (Вандидот, 18-фаргард, 54-банд). Ҳар бир зардуштий ўн беш ёшга тўлгач балоғат нишонаси ва маздапарастлар сафига қўшилганининг аломати сифатида судра кийиб, камарбанд боғлайди. Камарбанд боғламаоқ ҳар бир зардуштий ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлгани учун у махсус маросим вазифасини ўтаган.

Авестада келтирилишича вояга етмаган шахснинг моддий жиҳатдан мустақил эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, улар бир қанча имтиёзларга эга бўлганлар. Жумладан, маълум бир гуруҳ одамлар Аша Худосига қурбонлик қилишдан озод қилинганлар:

- Пуштсиз эркаклар;
- Бузурриёт жувонлар;
- Балоғатга етмаган ёшлар;
- Эрга тегмаган балоғатга етмаган қизлар (Яштлар, Аша қасидаси, 10-бўлим, 54-банд).

Шунингдек, ҳар бир фарзанд ота-она вафотидан сўнг улар учун мотам тутиши лозим бўлган, бу уларнинг фарзандлик бурчи ҳисобланган

ва ўз навбатида ота-она ҳам фарзандлари оламдан ўтса, мотам тутишлари уларнинг ҳам вазифалари бўлган (Вандидот, 12-фрагард).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон худудида бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор энг қадимги даврдан мавжуд бўлган ва шаклланган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлган Авеста эса тарихимизда бола ҳуқуқларини ўрганишда бекиёс аҳамиятга эга. Авеста ҳуқуқ манбаи сифатида кўпгина юксак инсоний кадр-қимматлар асосида вояга етмаганларга оид масалаларни ҳам тартибга солишга ҳизмат қилган.

II боб бўйича хулоса

Авеста дунёда энг қадимги дин бўлган зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, аجدодларимизнинг узок ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг қомусий йиғиндиси, уларнинг тили, ёзуви, маданияти ҳақидаги адабий-бадий ва фалсафий қарашлар мажмуасидир. Бу қадимий меросни ўрганиш, ундаги ижтимоий-фалсафий аҳамиятга эга бўлган қимматли ғояларни тарғиб этиш халқимизни эзгулик, маърифатпарварлик йўлида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Авестада одамларни имонли бўлишга, пок-тоза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечишга, ножўя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, диний ўғитлар, фалсафий ғоялар ўрин олган.

Зардуштийликда никоҳ ва оилавий бурч масаласига ахлоқий қоидалардан келиб чиқиб, алоҳида эътибор қаратилган. Оилавий

муносабатларда насл поклиги, оила бошлиғининг хулқ одоби инобатга олинган, кўп хотинлилик қаятиян ман этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раёйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб йигирма беш дарра калтакланиш билан жазоланган. Зардуштийлик қонунларига кўра, зардуштий эркалар ўн етти ёшда уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Агар эрка киши зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлсаю, аммо уйланмаса, унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига занжир боғлаб юришга мажбур этилган. Бундай жазо турлари аслида ўша давр учун соғлом ижтимоий муҳитнинг шаклланишига асос бўлган. Авестада қайд қилинишича, эрка киши аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим, бунинг учун ўз вақтида тўйиб овқатланиши зарур, акс ҳолда эрка киши ўз хизмат ва ахлоқий бурчларини бажара олмайди. ”Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишига ҳам кучи етмайди, соғлом фарзандларни дунёга келтираолмайди”. Бундан ташқари, Авестада оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд. Шунингдек, Авестада никоҳ ва талоқнинг ўзига хос мезонлари бирма-бир қайд қилинган.

Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Зардуштийликнинг ахлоқ кодекслари мажмуида аёллар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Жумладан, аёллар ҳайз кўрган ва ҳомиладорлик пайтида маросимий макруҳ ҳисобланганлар ва улар бошқа пок нарсалардан маълум масофа узоқликда бўлиши лозим бўлган⁶⁸.

⁶⁸ Авеста. Аскар Маҳкам таржимаси. — Т.: Шарқ, 2001. — б. 157.

- Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Оловдан нечоғли ва сувдан нечоғли олис бўлмоғи керак?

Барсам дасталаридан қанчалик узоқда?

Ашаван эрдан нечоғли олисда?

Ахура Мазда жавоб беради:

- Оловдан ўн беш одим олисда.

- Сувдан ўн беш одим олисда.

- Барсам дасталаридан ўн беш одим олисда.

- Ашаван эрдан уч одим олисда⁶⁹.

Ҳар бир зардуштий фарзанди етти ёшдан бошлаб баъзи бир дуоларни ёдлаб, ўз дини руҳида тарбияланган. Жамики қавм-қабилалар орасида “логамзодан” (отга сувлиқ солиш), ”зин-задан” (отни эгарлаш), ”камарбастан” одатига қатъий амал қилинган. Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи қавмларда қизларга юнгдан ип йигириш, урчук ва чархда ишлаш, матолар тўқиш, либослар тикиш ўргатилган, ўғил болалар эса мол боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, яйловларда сурувни ўтлатиш, чорвани йиртқич ҳайвонлар ва қароқчилардан ҳимоя қилиш, ўттиз икки ҳарбий хунарни билиши мажбурий бўлган. Ана шундан сўнг ўсмирлар ўн беш ёшдан бошлаб “логамзодан”, ”зин-задан” имтиҳонларидан ўтишган.

Алоҳида иқтидорга эга бўлган йигитлар эса чавондозликка махсус тайёрланганлар ва ҳарбий машқларда иштирок этганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Авестани ўқиб-ўрганар эканмиз, унда халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишида ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатадиган омиллар ва мезонлар ҳақида батафсил маълумотга эга

⁶⁹ Ашуrow А. Авеста дан мерос маросимлар. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси , 2001. – б. 24.

бўламиз, ўзига хос урф–одатларимиз, анъаналаримиз, кадриятларимиз, бой тарихимиз ҳақидаги билимларимиз янада чуқурлашади.

III БОБ. АША ВАҲИШТАНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ НОРМАЛАРИНИ ЮКСАЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

3.1. Аша ва миллий давлатчилик

Маълумки, Авестанинг энг қимматли томонларидан бири – у Ўзбекистон халқлари қадимги тарихи ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Тадқиқотчилар бу манбани қўйидаги қисмлардан иборат деб ҳисоблайдилар: - « Ясна» - «қурбонлик келтириш», «Яшт»- «қадрлаш», «Видевдат» - «девларга қарши қонунлар», «Виспрат» - «барча ҳукмдорлар». «Ясна» даги 72 та бобдан 17 таси пайғамбар Заратуштрага тегишли. Улар – «Гота» лар номли «муқаддас қўшиқлар» ёки мадҳиялардир⁷⁰.

Видевдатда Ўрта Осиёдаги вилоятлар ва давлатлар ҳақида қўйидагича маълумотлар берилади: «Мен, Ахура Мазда энг яхши ерлар ва

⁷⁰ Авеста. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. –б. 14.

мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ванхви Даити бўйида (кўпчилик тадқиқотчилар уни Амударё дейдилар – Э.Б.) Арянам Вайжони яратдим, шунда ўлим келтирувчи Анхро Манё... девлар ва кишни яратди... Мен Ахура Mazda яхши ерлар ва мамлакатлар орасида иккинчи бўлиб Суғдийлар яшайдиган Гава маконида асос солдим». Шундан сўнг Моуру (Марғиёна), Баҳди (Бактрия) Нисайа (Парфия), Харайва (Хирот), Воиха-Гирта (Қабул атрофлари), Аврара (Тус), Хийрман (Ҳилменд воҳаси) қабилар эслатилади. Ҳаммаси бўлиб Авестада 16 та мамлакат-вилоят тилга олинган бўлиб улардан Гава, Баҳди, Нисайа ва Моуру аниқ локализацияга эга. Қолганлари эса ҳозирги қайси ҳудудлар эканлиги тахмин қилинади⁷¹.

Авестанинг энг қадимги қисмлари кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, бу жамият ҳақида ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни ҳам сақлаганлар. Авеста китоблари турли хил маълумотларни ўз ичига олади. Шулар жумласидан - қадимги географик тушунчалар – дарёлар, тоғлар, қўллар номлари, ҳудудий- этник қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тузум, диний насихатлар, зардўштийларнинг фалсафаси, Дуне тарихи ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалардир⁷².

Авеста маълумотларини археологик материаллар билан қиёсий ўрганган олимларнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиё халқлари сиёсий ҳаётида ўзгаришлар содир бўлиб, давлатчиликнинг илк кўриниши шакллана бошлайди. Бу даврда ушбу ҳудудларда яшаган аҳолининг катта қисми йирик воҳаларни жадаллик билан ўзлаштириши натижасида чорвадор кўчмачиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўта бшлайди. Бу эса кейинроқ Бактрия, Хоразм, Марғиёна, Парфия, Суғдиёна қабиларда давлатчилик тизимининг вужудга келишига асос бўлган эди. Мисол учун, Авестанинг «Вандидод» китобида Олий худо

⁷¹ Бобоев Х., Дўстжонов Т., Ҳасанов С., Олламов Я. Авеста ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Урганч, 2002. –б. 7.

⁷² Авеста. Избранные гимны. Пер. В.А. Лившица. – Душанбе, 1991. –с. 10.

Ахура Мазда яратган ўн олтита мамлакат (ўлка) нинг худудий – маъмурий, сиёсий ҳамда қонунчилик тизимига оид маълумотлар берилган⁷³.

Ушбу маълумотларга кўра, давлатни, кави яъни, бошқарув тизими билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи шахс (подшо) бошқарган. Ўз навбатида давлатни бошқариш ҳуқуқи сулоланинг бир вакили қўлидан иккинчисига мерос сифатида ўтиши диний ва дунёвий жиҳатдан қонунлаштирилган⁷⁴.

Авеста давлат бошқарувининг мураккаб тизими ҳақида маълумотлар беради. Бу маълумотларга кўра, мил. авв. VII-VI асрларда Ўрта Осиё жамиятининг асоси кичик-кичик оилалардан иборат бўлиб, ҳар бир оила ўртача 5-6 кишидан ташкил топган. Улар катта патриархал оила аъзолари ҳисобланган. Катта оила эса 20-25 кишидан ташкил топган. Жамоалар ҳаётида уруғчилик тузумининг айрим хусусиятлари сақланиб қолган. Катта оила аъзолари томонидан хўжаликни ташкил этиш, ерга биргаликда эгалик қилиш ва умумий турар жойда – уй-қўрғонларда яшаш одати юқоридаги фикр далилидир⁷⁵.

Давлатнинг бошқарув тизими оилалар ёки уй-жой бирлашмаси – «нмана»ёки «дмана», катта оила оқсоқоли – «нманапати», уруғ жамоаси бошлиғи – «вис», катта қишлоқ оқсоқоли «виспати», қабила бошлиғи – «зантупати», вилоят ҳокими – «дахюпати», бир неча вилоятлар ҳокими – «дахюсастар», мамлакат ҳокими – «кави» лардан ташкил топган. Авестада оила, уруғ ва қабила бошлиғини англатиш учун «пати» сўзи ишлатилган. «Кави» ёки «састар» мамлакатни идора қилган шахсга нисбатан ишлатилган. Авестанинг Яшт китобида қуйидагича маълумот бор: “Кўп яйловларга эга бўлган Митрани биз улуғлаймиз. Унга ҳеч ким ёлғон гапираолмайди: уйда оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва

⁷³ Авеста// «Санъат». - 1991. - № 5-12, 1992.- № 1. –б. 14.

⁷⁴ Авеста //«Гулистон».- 1999.- № 1-5. –б. 10.

⁷⁵ Абаев В.И. «Миф и история в Гатах Зороастра. Историко-филологические исследования». – М.: Наука, 1974. –с. 6.

мамлакат ҳокими ҳам ёлғончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қилади»⁷⁶.


Айрим тадқиқотчилар илмий таҳлилларга асосланиб Авестада тасвирланган ва Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган илк давлатчилик асосларининг вужудга келиш жараёнини қуйидаги уч даврга ажратадилар:

Биринчи давр – энг қадимги давр бўлиб, бунда адолат ва инсоний бахт-саодат ҳукмрон бўлган.

Иккинчи давр – яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари ўртасидаги адолат учун кураш давом этган.

Учинчи даврда – ақл-идрок ва адолат тантана қилиб, деҳқонлар бадавлат, давлатнинг сиёсий ва қонунчилик тизими мустаҳкам бўлган⁷⁷.

А.С.Сагдуллаев узок йиллик қиёсий тадқиқотлар асосида Авеста даври давлат бошқарувини қуйидагича изоҳлайди⁷⁸:



⁷⁶ Бойс М. Зороастрийцы. Вераования и обычаи. – М.: Наука, 1988. –с. 9.

⁷⁷ Жаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. –с. 2.

⁷⁸ Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал. – Тошкент, 2000. –б. 10.

↓ Вилоят (бир неча туман)	↓ Вилоят ҳокими	↓ «Дахюп ати»
↓ Мамлакат	↓ Мамлакат ҳокими	↓ «Кави»

Шунингдек, олимнинг фикрича, Авестанинг Яшт китобида келтирилган маълумотлар Ўрта Осиёда қабилалар сиёсий бирлашмасининг таркиб топган давларига мансуб бўлиши мумкин. Авеста даврида хусусий мулк қуйидагилардан иборат бўлган: уй-жой, чорва, томорқа ерлари, ишлаб чиқариш қуроллари, барча рўзгор ва шахсий буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари⁷⁹.

Авеста китобларида қадимги чорвачилик ва деҳқончилик ҳаёти ҳақида маълумотлар турли қисмларда сақланган бўлиб уларда шундай дейилади: «Биз Ахура Маздани улуғлаймиз, Ахура Мазда яратган барча нарсанинг ичида энг муҳим бўлиб, биринчи ўринда чорва туради. Биз чорвага тинч ўтлов ва емиш таъминлашга чақирамиз». Ёки Видевдат китобида деҳқончилик сабаб иш эканлиги таъкидланган: «Ким агар чап ва ўнг қўли, ўнг ва чап қўли билан бу заминга ишлов берса, О. Спитама Заратуштра, у ерга манфаат келтиради»⁸⁰.

Таъкидлаш жоизки, Авеста даври қабилалар ва жамоалар эътиқодларининг мукамал жаҳон дини даражасидаги дин билан алмашаётган даври эди. Шунингдек, бу давр туб иқтисодий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришда сифатий олға силжишлар даври бўлганлиги билан ҳам изоҳланадики, бу ҳолат иерархик тўзумга эга бўлган давлатчилик ҳамда урбанизациянинг янги босқичга кўтарилишига, касбий ҳунармандчилик, биринчи галда металлургиянинг ривожланишига имконият яратган эди.

⁷⁹ Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –б. 12.

⁸⁰ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.- Тошкент, 1964. – б. 13.

Мис, бронза, кейинрок темирнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқаришдаги катта ўзгаришларга, жумладан хунармандчиликнинг махсус тармоқларга ажралишига ва махсулот айирбошлашга олиб келди-ки, бу жараён Ўрта Осиё қадимги шаҳар ва қишлоқларининг ривожланишига, зироаткор ва чорвадор аҳоли турмуш тарзининг тубдан ўзгиришига олиб келди⁸¹.

Авеста кўпгина маълумотлар қатори металлургия соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бунга Авеста худоларининг бой қурул – яроғлари мисол бўла олади. Масалан, зардўштийларнинг улуғ худоларидан бири Митра «олтин арава»да тасвирланиб, қўлида «сарик маъдандан ясалган, тилла билан қопланган, юз тигли ва юз зарбали, энг кучли ва энг зафарли» болта ушлаб туради. Митранинг аравасида ёки қалқонида кумуш ва олтиндан безаклар солинади. Митранинг аравасида «ўткир, яхши чархланган, илоҳий учадиган ва илоҳий кесадиган» минглаб ўткир ўқлар ва найзалар, минглаб пичоқлар ва чўқморлар тасвирланган⁸².

Авестада тилга олинган вилоятлар (ўлкалар) – Арйанам Вайжо, Гава Суғда, Моуру, Баҳди, Нисайа кабилар, Ўрта Осиё, Жанубий Уралолди ва Марказий Қозоғистон ҳудудларида жойлашган бўлиб бу улкан минтақада муҳим полиметаллар базаси, Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида кенг яйлов ҳудудлар, Бақтрия, Марв, Нисо ва Суғдда урбанизациялашган марказлар мавжуд эди⁸³.

Авеста мадҳияларида маълум ижтимоий босқичлардаги изчиллик ва иерархияни ҳам ажратиш мумкин. Шунингдек, Авестада илк шаҳарлар шаклланиш босқичлари Ахура Мазда фармони билан дастлабки одам Йима томонидан мустаҳкамланган «вара» бунёд этиши мисолида кўзатилади. Бундай «вара» лардан бири археологлар томонидан Жанубий Урал –

⁸¹ Тоҳир Карим. Муқаддас Авеста изидан. – Тошкент: Чўлпон, 2000. –б. 11.

⁸² Умарзода М. «Овисто» сирлари // Жаҳон адабиёти.- 1997.- 4-сон. –б. 1.

⁸³ Сагдуллаев А., Эшов Б. Заратуштра – ҳақиқатми ё афсона? // Фан ва турмуш.- 1995.- № 3. –б. 8.

Қозоғистондаги «шаҳарлар ўлкаси» дан топилган бронза даврида оид Аркаим ёдгорлигида бўлиши мумкин. Аркаим ёдгорлиги бир нечта мустаҳкамланган манзилгоҳлардан иборат бўлиб, хандақлар ва қаторли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, кириш қисми ҳимояланган. Ёдгорлик мураккаб ва аниқ тузилишга эга. Ёдгорлик ҳудудларидан, ҳунармандчиликнинг аввало, металл эритиш ва унга ишлов беришнинг излари, бронзадан ясалган буюмлар Авеста мадҳияларида эслатилган «вара» шаклидаги бунёд этилиши шаҳар маданияти белгиларини, ижтимоий ва маданий тарққиётининг юқори даражасини, ном-давлатлар кўринишидаги шаҳарлар шаклланишини ўзида акс эттиради. Бу жараённинг босқичма – босқич ривожланиши эса, Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий ҳудудларида кузатилади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик фуқоролик жамияти ва бу борада юртбошимиз саъйи ҳаракатлари асосида олиб борилаётган кенг қамровли ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳалардаги ислохотлар бугунги кунга келиб ўз самараларини бермоқда.

«Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари кафолатланганлигини, оддий фуқороларни жамият ва давлат бошқарувидаги иштироки асосий қомусимиз ва қонунчилик тизимимизда демократик асосда ифодаланганлигини кузатишимиз мумкин. Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдидан ўз давлатчилиқ бошқарувига, ҳуқуқ ва қонунчилиқ тизимига эга бўлган давлатларидан бирига айланиб бормоқда. Буни биз давлат ва жамият бошқарувидаги парламентаризм тизимида ҳам кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон парламентида демократик тамойиллар асосидаги сайловлар илк бор 1994 йил 25 декабрда ўтказилди.

Давлатимизнинг бошқарув тизими ўз моҳиятига кўра Парламент ва Президентликнинг ўзаро боғлиқлигига асослангандир. Ва бундай бошқарув тизими ҳозирги кунга келиб жаҳоннинг деярли барча давлатларида ўзини оқламоқда. Давлат ва жамият қурилиши соҳасида

амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди»⁸⁴.

Бу ерда табиий равишда бир канча саволлар пайдо бўлади: юртимизда мавжуд парламентаризм тизимининг илдизлари нима билан боғлиқ? У қачон шаклланди? Ёки уни яқин давлатчилик тизимимиз билан боғласак ҳақиқатга тўғри келадими?

Фикримизча, бу каби саволларнинг туғилиши табиий ҳолдир. Чунки, биз ҳозирги кунда илмий ва ижтимоий муомалада кенг қўллаётган демократия, президентлик, парламент атамалари этимологик жиҳатдан ғарб тилларидан олинган. Биз бу тушунчаларга этимологик жиҳатдан эътиборни қаратсак, уларни давлатчилик бошқарувимизга яқинда кириб келган деб хулосага келсак, нотўғри бўлади. Чунки, бирор бир тушунчанинг этимологик жиҳатдан пайдо бўлишига қадар, бу ҳақда қарашлар, таълимотлар, ғоя ва кўникмаларнинг шаклланиши табиий ҳолдир. Шу сингари ҳозирги миллий давлатчилик бошқарувимиздаги парламентаризм ғоясининг тарихи бир неча минг йилликлар билан аниқроғи, қадимги Турон заминида шаклланган зардуштийлик диний таълимоти ва унинг муқаддас манбаи Авеста билан чамбарчас боғлиқдир. Авеста бу нафақат диний илоҳий матнлар манбаи, балки ўша даврда Турон заминида яшаган халқларнинг дунёқараши, урф-одатлари, маънавияти ва маданияти, шунингдек, табиат, олам ҳақидаги қарашлари ва энг муҳими, давлат ва жамиятни бошқариш ҳақидаги кўникма ва тажрибаларни ўзида акс эттирган манба ҳамдир.

Ўзбекистонда миллий давлатчилигимиз тўғрисидаги энг қадимги манба Авестадир. У эрамыздан олдинги 3 мингинчи йилларда аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги

⁸⁴ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 2007. –б. 10.

ижтимоий қараш ҳисобланади. Агар Авестада илгари сурилган ғояларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги адолатпарвар-демократик жамият барпо этишга қаратилган ғояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигини кўрамиз.

Шунингдек, жамият ва давлат бошқарувида мавжуд бўлган ҳуқуқий нормалар ва қоидаларни ҳам Авестада учратиш мумкин. Жумладан, “...жамоа ишларида фойдаланиш масалаларини Олий Кохин судья Заратуштроэма – Оксоқоллар Кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари билан бамаслаҳат адолатли қонунлар асосида ҳал қилганлар”⁸⁵.

Таъкидлаш мумкинки, қадимги Турон заминида бошқарув тизимидаги мавжуд Оксоқоллар Кенгаши бу ўзига хос тарздаги парламентнинг содда, илк кўриниши ҳисобланиб, шарқона демократиянинг намоён бўлиши эди.

Давлатчилик асосларини шакллантириш борасида Авеста деярли барча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, давлат тузум асослари, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Манбада аввало, инсон эрки, унинг руҳий комиллиги масалалари устувор қўйилади. Масалан, «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман», дейилади Ясна (14) китобида. Ахура Мазда инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан холи бўлишга чақиради. Каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар борки, булар миллий ғоямизнинг асосий тамойилларига уйғун келади.

Авестада энг муҳим масалалардан бири, бу — ҳуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуқда асосланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад,

⁸⁵ Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. Авеста – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т: Адолат, 2001. – б. 76.

поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри — Ахура Маздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Тарихий хужжатлар асосида айтиш мумкинки, Авестанинг «Ясна», «Виспрат», «Яшт», «Видевдат» китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таълимотлар Рим ҳуқуқидан қадимийроқ ҳисобланади. Боз устига, улар кейинчалик ташкил топган давлатлар сиёсий тизимининг шаклланиш манбаси бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу тариқа Авеста юнон мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари ижодига ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги билан таъсир кўрсатган. Жумладан, инсон ҳуқуқи, жисмоний ва ҳуқуқий шахс эркинлиги, инсон эркинлиги, эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи, озчиликнинг ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳуқуқи, виждон, эътиқод ва дин эркинлиги, жамоа ва гуруҳларнинг ҳуқуқи, мол-ҳол ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, шартномаларнинг мажбурийлик ҳуқуқи, қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноятнинг турлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, Авестада ўғрилиқ ёки босқинчилик фарқлари таснифланган, ҳимоя ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш ҳамдаташкил этиш каби бошқа ҳуқуқий принциплар ҳам ўз ифодасини топган.

Буларнинг барчасидан кўриниб турибдики, Авеста нафақат оламшумул диний-фалсафий ва ахлоқий қарашларнинг ажойиб ёдгорлиги, балки, Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида ҳуқуқий ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланишида фундамент (асос, ибтидо) ҳам ҳисобланади⁸⁶.

Маълумки, демократик жамият асослари давлатда сиёсий-иҷтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий принципларнинг тизимий яхлитлиги мавжудлигида намоён булади. Айни пайтда, улар умуминсоний кадриятлар билан уйғун ҳолда бўлишига асосланади. Авестада бундай кадрият ва принциплар шакллантирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

⁸⁶ Махмудова Г.Т. Историко-философский анализ учения Зороастризма (На материалах “Авесты”). Автореф. дис. ... д-ра филос. наук. – Ташкент, 2012.

3.2. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида Авеста- даги анъанавий қадриятларнинг тутган ўрни

Адолат масаласига қай даражада эътибор қаратилганлигини куйидаги строфеларнинг илмий+фалсафий таҳлилидан ҳам кўриб олсак бўлади:

Адолатли подшоҳ бизларга ҳукмдор бўлсин, каззоб ҳукмдор эмас. (Ҳухшатра – адолатли ҳукмдор) Армаитига хос эзгу калом (ва) амал билан (ҳукм юритсин). Энг яхши борлиқ⁸⁷ билан инсониятни покласин. Бизнинг бойлигимиз бўлган қорамолга (мўл-кўл) ризқни берсин⁸⁸.

Мен қачон Сени мени шубҳага солувчиларнинг Аша ҳукмдори деб биламан, эй, Мазда? Менга ҳаққи-рост баён айла: Воҳу Мана воситасида юксалувчи Халоскор⁸⁹ ўзининг мукофоти ҳақида хабардор бўлсин⁹⁰.

Ёвуз ҳукмдор, ёвуз амал ва ёвуз калом соҳиблари, ёлғон дин уммалари, ёвуз фикр эгаси ҳамда дрегвантларнинг руҳлари ёмон ризқ

⁸⁷ Матндаги **,mvq&z** сўзини «туғилиш», «тараккиёт», «яратилиш» деб таржима қилиш мумкин.

⁸⁸ Ясна 48:5

⁸⁹ Матндаги **,s&yKoas** сўзини «баракалироқ», «кучлироқ», «диний йўлбошчи», «Мессия (Халоскор)», «пайғамбар» деб таржима қилиш мумкин.

⁹⁰ Ясна 48:9

билан бирга бўладилар. (Улар) друж-деманда⁹¹ ҳақиқий «меҳмон» бўладилар⁹².

Эй, Ахура! Воҳу Мана асосида барчанинг амалларини ҳисоб-китоб қилганингдан⁹³ сўнг улардан⁹⁴ тўлиқ қасос олинади⁹⁵. Албатта, Сен сеvimли бандаларингга ҳақиқий илм⁹⁶ бериш билан (уларнини) Хшатра ва Ашага (тенглаштирувчи) Маздасан⁹⁷⁹⁸.

Эй, инсонлар жамоаси⁹⁹! Холиқ Мазда (сизларга) бахтиёрлик ва кайғу-алам йўлини баён қилиб берди. Буларнинг (бири) узоқ вақт (тортиладиган) азобга бошлаб борувчи каззобларнинг (йўли) ва (иккинчиси эса) адолатли инсонларнинг (йўлики), у бахтиёрлик маскани¹⁰⁰ га (олиб боради)¹⁰¹.

Ахура хузурига менинг руҳим ва Геуш¹⁰² қўлларимизни дуога очиб¹⁰³, бутун вужудимиз¹⁰⁴ билан ёлвориб сўраймиз: «Мазда¹⁰⁵, адолатни

⁹¹ 577-изоҳга қаранг.

⁹² Ясна 49:11

⁹³ **,invram-atAh** сўзи «бу дунёда қилинган амалларни ҳисоб-китоб қилувчи» деган маънони билдириб, Ахура Маздага ишора қилади.

⁹⁴ Дев ва девпарастлардан

⁹⁵ Матндаги **,InEa-Uruop** сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, **Uruop** «тўлиқ», **,InEa** «қасос», «жароҳат», «ҳақорат» деган маъноларни ифодалаганидан уни шунга мувофиқ таржима қилса бўлади. Масалан, «ҳисоб-китобда қаттиқ ҳақоратга учрайди», «(дўзахда) қаттиқ жароҳатланади».

⁹⁶ **,m&dIW ,OhgNVs** яъни ҳам илоҳий таълимот, ҳам илм талаб қилиш сўзлари ишлатилган. Ҳақиқий деганда, халқимиз тили билан айтганда «олими боамал» деган мазмун англашилади.

⁹⁷ Матннинг биринчи қисмида Воҳу Мана ва иккинчи қисмида Хшатра, Аша деган Ахура Мазданинг сифатлари қўлланилганлигининг сабаби, барчанинг қилган амалига қараб ҳаққи-рост ҳукм қилувчи адолат (Аша)ли ва доно (Воҳу Мана) Ҳукмдор (Хшатра) эканлигини таъкидлаш учундир.

⁹⁸ 32:6

⁹⁹ Аслида ундалма **,AtAwru** (бу ерда инсоннинг руҳи маъносида) сўзида. Лекин матннинг иккинчи қисмидаги **,OhMlyKam** (бу ерда инсоният маъносида) сўзи билан бирикиб, инсогият сўзини ҳосил қилган.

¹⁰⁰ Бахтиёрлик маскани (**,AtSu ,ItiahMa**) бу – жаннатдир.

¹⁰¹ 30-11

¹⁰² **,AcSuVg ,Awru ,Vm** (mê urvâ gêushcâ) аслида «менинг урваним ва Геуш». Бу матндан кўринадики, Геуш Урванни алоҳида илоҳий борлик, илоҳ деб талқин қилишга уринишлар хатодир. Агарда Геуш Урван алоҳида илоҳнинг номи бўлганида эди, Заратуштра унинг бир қисми урванни меники (**,Vm**) дея олмасди.

¹⁰³ «қўлларимизни дуога очиб» деб таржима қилинган жумла авесточада **,anAtsu** (дуо қилганда қўлни юқорига кўтармоқ) ва **,vhamnIrf** (**,Irf** – дуо ва **,vhamn** – таъзим,

Ўзига ҳамроҳ қилиб яшаган бандалар ¹⁰⁶ инга дрегвант ¹⁰⁷ ларни ёмонликларидан паноҳ бергин ¹⁰⁸» ¹⁰⁹.

Шундан сўнг бу оламни (Ўз) билими воситасида фаровонлик маскани қилиб қўйган Аҳура Мазда сўз бошлади ¹¹⁰: «Биронта ҳам (қалби) адолат билан тўла йўлбошчи ¹¹¹ бўлмаганлигидан (инсонларга) таълимотни ¹¹² етказишлигинг учун сени ¹¹³ яратдим ¹¹⁴».

хурмат) деган сўзларнинг умумий маъносидир. Бир қаторда бу икки сўзнинг ишлатилишлиги дуо қилувчига унинг одобларини ўргатиш учундир. Яъни биринчи сўз билан қўллар юқорига кўтарилишлиги таъкидланса, иккинчи сўз билан эса дуо қилинувчи Зотга нисбатан ўта ҳурматда бўлиш кераклиги уқтирилади.

¹⁰⁴ Матнда образли қилиб **,AW** сўзи қўлланилади. Унинг асл маъноси эса «худди кучли шамол эсганига ўхшаш қилиб пуфламоқ»дир.

¹⁰⁵ Аслида «Маздага» **,m&dzam** Маънони нисбатан мукамалроқ ҳолда сақлаб қолишлик учун у ундалмага айлантирилди.

¹⁰⁶ **,ijvZvr** адолат деганда тор доирада «ҳақгўйлик», «тўғрилиқ» тушунилади. Авесто матнларида адолат деганда юқоридаги маънолар билан бир қаторда озодалик (тана ва табиатга нисбатан уларнинг ҳақларини адо қилиб, адолат билан муносабатда бўлиш), ҳушмуомалалик ва гўзал ахлоқлилиқ (одамларга нисбатан адолат), эзгу нарсаларни ҳаёл қилиш (Яратгандан ҳаё қилиб, У яратган номоддий борлиққа нисбатан адолатли ёндашув) каби барча эзгу амаллар қамраб олинади.

¹⁰⁷ **,Tnawgvrd** сўзи **,jurd** (бошқача шакли **Zurd**) дан ясалган бўлиб, «ёлғон гапирмоқ», «баджаҳл бўлмоқ» каби маъноларни англатади. Шунинг учун ҳам кўпгина форсий таржималарда «друз» сўзи қўлланилади. **,Tnawgvrd** сўзи эса «Заратуштра таълимотларидан бош тортмоқ», «динсиз», «шайтон малаги» каби маъноларни қамраб олади.

¹⁰⁸ Аслида «дрегвантлар адолатли кимсаларни бутунлай йўқ қилиб ташлашларидан сақлагин».

(**Iriap** ,**Usawgvrd** ,**EtNeyuCf** ,**TiOn** ,**EtNeyuCf**)

¹⁰⁹ 29-5

¹¹⁰ «сўз бошлади» деб таржима қилинган жумла икки қисмдан иборат: **,V** (оғиз билан) ва **,caW** (калима, дуо; гапирмоқ, эшитмоқ), яъни шу ва қуйида келувчи каломлар айнан Аҳура Маздага тегишли эканлигини кўрсатиш учун **,V** сўзига алоҳида маъно юкланган.

¹¹¹ «йўлбошчи» сўзи **,utar** билан ифодаланган бўлиб, ҳар соҳадаги бошчилиқни қамраб олади (79-изоҳга қаралсин).

¹¹² «таълимот» кенг маънода, тор маънода эса «деҳқончилик», «ерга ишлов бериш»; «тадбиркорлик» мазмунларини ифодаловчи **,ayrtsAW** сўзи қўлланилган. Демак, зардуштийлик ақидаси бўйича, деҳқончилик эзгу ишларнинг дебчасидир.

¹¹³ Яъни Заратуштрани

¹¹⁴ 29-6

Эй, сен¹¹⁵! Сен барчадан олийсан¹¹⁶, сенинг олийлигинг шу қадарки, (хатто) у Аша¹¹⁷ билан тенглашади. Ахурадан Фрашаоштра¹¹⁸ ва суюкли намозхон зотларга – улар шундай зотлардирки, ибодатларини тўлиқ қиладилар – Воҳу Мана билан неъматланиш бахтини муяссар айла¹¹⁹!

¹¹⁵ Таржимада Авесто руҳини кўпроқ сақлаб қолиш мақсадида иккинчи шахс бирликдаги кишилиқ олмошини матндагидек бўрттириб кўрсатилди: **,ABq** Заратуштра олиб келган дин ваҳдоният бўлганлигини шу сўз ҳам исбот қилиб турибди.

¹¹⁶ «барчадан олийсан» деб таржима қилинган сўз авесточада **,mvtSihaW** (vahishtem – энг яхши) бўлиб, **,uhaW** (vahu - яхши) сифатининг ортирма даражадаги шаклининг бош келишиқда қўлланишидир.

¹¹⁷ Аша (**,ACa**) – энг олий адолат маъносида. Бу матнда илоҳнинг олийлик сифати унинг ўта одиллик сифати билан бир қаторга қўйилмоқда. Баъзи таржималарда бўлгани каби Ашани алоҳида, Маздани алоҳида илоҳ образи сифатида тушуниш мутлақо янглишдир.

¹¹⁸ Фрашаоштра (бу матнда **,artSoaCarvf** – ferashaoshtra – Авестонинг бошқа қўлғзмаларининг шу қисми ва Авестонинг бошқа қисмларида кўпроқ **,artSoaCarf** – frashaoshtra шаклида учрайди) – Заратуштра таълимотини биринчилардан бўлиб қабул қилган инсон. У ҳақида Заратуштра гаталарида беш маротаба эслатилинади (28:8; 46:16; 49:8; 51:17; 53:2). Фрашаоштра Ҳвогванинг фарзанди (Уштаваити гата 46:16; Фарвардин Яшт, 101) ва Заратуштранинг қайнотаси (Динкарт 9-китоб LXIX, 58).

¹¹⁹ 28-8

III боб бўйича хулоса

Инсоният тараққиёти давомида жуда кўплаб олимлар, илмий тадқиқотчи ва изланувчилар инсон руҳиятини, унинг мураккаб қирраларини, ўзгарувчанлиги ва такрорланмаслигини ўрганиб жуда муҳим илмий хулосаларга келишган.

Дунёнинг илмий манзарасини синергетик тушунишнинг асосчиларидан бири Г. Хакен фикрича, бизни қуршаб турган ва биз кузатиб турган борлиқда инсон ва инсоният жамиятидан мураккаброқ тизим йўқ. Шунинг учун ҳам уларни ўрганишда илмий тафаккур ҳозиргача сезиларли ютуқларни қўлга киритди, деб айтиш тўғри эмас¹²⁰.

Шахснинг руҳияти, фаолияти, инсонлар ўртасидаги алоқа, инсоннинг ўз жамиятини тушуниши, умуман, инсонларнинг маънавий-руҳий хусусиятлари ҳақида кўплаб олимлар, жумладан, Г. Айзенк, Р. Каттел, Г. Олпорт, А. Личко, файласуфлардан эса Л.Н. Гумилев, Н. Бердяев, И.С. Кон, В.С. Степин, В.А. Петровский, В.А. Харитонова ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Синергетик нуқтаи-назарга кўра, ҳар қандай очиқ тизим ўз ривожланиши, тараққиёти жараёнида ташқи муҳитдан модда, энергия,

¹²⁰ Хакен Г. Синергетика. – М.: Наука, 1986. – с. 67.

ахборот олади ва ўз-ўзини ташкиллаштиради. Тадқиқотимиз мазмунидан келиб чиқиб биз инсонни ҳам очик тизим деб айтишимиз мумкин. Синергетик категориялар асосида таҳлил этадиган бўлсак муқаддас Авеста китоби ғоялари неча минг йиллар олдин ҳам, асрлар давомида ҳам, бугунги кунда ҳам инсониятга ўз-ўзини маънавий-руҳий ташкиллаши учун энг муҳим энергия ва ахборотни бера оладиган манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бизга маълумки, инсон ўз-ўзини ташкиллаши жараёнида ўзи яшаб турган табиатдан, жамиятдан, турли ижтимоий институтлардан ва бошқа хилма-хил омиллардан озуқа олади. Авеста эса ана шундай таъсир этувчи воситалар ичида энг макбули, энг ҳаракатга йўналтирувчи кучи, ўз-ўзини ташкиллаш учун энг қулай йўлни топишга ёрдам берувчи воситаси, деб айта оламиз.

Синергетика методологияси қонуниятларига кўра, шахсни тадқиқ этар эканмиз, ўрганилаётган объектимиз синергетик моҳиятга эга бўлиши учун бу объектдан, қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши талаб қилинади:

- Ўз-ўзини ташкиллаштиришга қадар мазкур объектда элементлар ва таркибий қисмларнинг етарли даражада мавжуд бўлиши;
- Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи объект очик муҳитда бўлиши ва ўзини қуршаб турган муҳит билан модда ва энергия алмашилиши;
- Бу объект беқарор ҳолатда бўлиши;
- Ривожланаётган объект фақат сабаб, оқибат, зарурият орқали амалга ошиш билан чекланмасдан, ривожланишнинг тўсатдан, спонтан, тадрижий, детерминистик, хаос каби жараёнлар билан боғланганлигини ҳам ҳисобга олишни талаб этади¹²¹.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шахснинг маънавий-руҳий ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқлигига амин бўламиз. Чунки инсон ҳам тизим сифатида ўз

¹²¹ Рахмонов Б. Шахсни ўрганишда синергетик ёндашувлар // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари.- СамДУ, 2010. – б. 69.

функцияларини бажармаса, регулятив воситалар ишдан чиқиб, гомеостазис ходисаси содир бўлади, яъни тизим мувозанати бузилади.

Авестадаги эзгулик ғояларига биноан, ҳар бир инсон фақат ўзи тўғри деб билган ғояга эргашиши, ўзи учун, ўзининг ҳаёти, бахтли яшаши учун, фақатгина ўзи-ўзини муносиб тарзда тарбиялаши, ривожлантириши лозимлиги уқтирилади. Ҳар бир шахс ўз-ўзини тарбиялаши, ўз-ўзини ривожлантириши, ўз-ўзини бошқариши, ўз-ўзини сақлаши, ўз-ўзидан ҳаракат қилиши, ўз-ўзини назорат қилиши, ўз-ўзини танқид қилиши, ўз-ўзини билиши ва англаши ҳамда ўзи-ўзини тартибга солиши турли эзгулик ғоялари асосида эътироф этиладики, ҳатто бу ғоялар бугунги кун кишиларининг ҳам ўз-ўзини маънавий-руҳий, ахлоқий ташкиллаши учун муҳим кўмак бера олади. Авестада ўқиймиз:

- Эй Ахура Мазда! Эй гўзал Ардабиҳишт!

Буни ўзимизга муносиб кўрдик:

Икки оламда ҳам энг гўзал бўлган фикр, калом ва амални танлаймиз"¹²².

Ушбу гоҳдан биз инсонларнинг ўз-ўзига эзгуликни, яхшиликни муносиб кўрган ҳолда фақат эзгу фикр, эзгу калом эзгу амал орқали ўз-ўзини етук, баркамол этиб тарбиялаши лозимлигини англаб олишимиз мумкин.

Авеста ғояларини таҳлил этганимизда табиатга, табиат неъматларига, сув, тупроқ, олов, ҳавога, ўсимликлар, ҳайвонот оламига нисбатан жуда эҳтиёткорона, оқилона муносабатда бўлиш кераклиги ҳақидаги мулоҳазалар эътиборимизни тортади.

"Биз хонадонлар, қишлоқлар, шаҳарлар, ўлка ва зардуштумга мансуб бўлган фравашийларни олқишлаймиз.

Бор, бўлган ва бундан кейин ҳам бўлғуси ашаванлар фравашийларини олқишлаймиз.

¹²² Авеста. –Т.: Шарқ, 2001. –б. 225.

Осмонни тутиб тургувчи; сувни асрагувчи; заминни сақлагувчи; сигирни ҳимоят қилгувчи; ҳаёт топган фарзандларни нобуд бўлмаслиги учун она қорнида асраган ва туғилмасидан бурун суяклар, сочлар, эт ва ички аъзолар, оёқлар, эрлик ва аёллик аломатларига жон бағишлаган фравашийлардир"¹²³.

Ушбу битикни чуқурроқ таҳлил этсак, унга кўра, ҳар бир нарсани, жумладан инсонни ҳам ўз фравашийси, яъни ўз-ўзини сақлайдиган, асрайдиган қандайдир ички кучи, руҳияти бор. Ана шу ички руҳий-маънавий дунёси билан инсон ўз-ўзини ҳимоя қилади, сақлайди, назорат қилади. Бундан ташқари Авеста ғояларига кўра, инсоният табиатни асраш орқалигина ўз-ўзини сақлаб қолиши мумкин.

Демак, муқаддас ёдгорлик ғояларига биноан, инсон ҳам ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда, алоқада бўладиган очиқ тизимдир. Унинг очиклиги турли ижтимоий алоқаларга киришишига ва ундан ўзининг янги ички маънавий-руҳий ташкиллаштиришига ҳамда ўз ўрнини билишига имкон беради. Аммо инсонга таъсир этадиган ташқи таъсир даражалари ва ички ташкиллашиш сифатлари ўзгариши мумкин, яъни уни ҳар доим ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки ташқи таъсирни ҳар бир шахс ўзича қабул қилади, ўзича таҳлил этади ва ўзининг ички мезони асосида ўз-ўзини ташкиллаштиради. Демак, инсонни ўз-ўзини ташкиллашида эркинлик асосий рол ўйнайди. Инсон маълум мақсади асосида турли ахборотларни, ғояларни қабул қилади ва бошқа бир субъектнинг таъсирисиз ўз эркин фикри асосида уни ўзининг ички ташкиллашида қўллайди, фойдаланади. Авестадаги эзгулик ғоялари асосида кишиларнинг ўз-ўзини маънавий-руҳий ташкиллаши ҳақида фикр юритар эканмиз, инсон ривожланишида синергетик қонуниятлар амал қилишини яна бир бор эътироф этамиз. Биринчидан, инсон ўз-ўзини ташкиллаштираувчи беқарор ва очиқ тизимдир. Бу хоссалар бевосита синергетиканинг тадқиқот базасини ташкил этади. Иккинчидан, инсонда ҳам яхлит тизим сифатида

¹²³ Ўша асар, 253 бет.

тартибсизлик, эволюция, тартибот, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини яратиш, хаосдан тартиботга ўтиш, ўз-ўзини асраш, ўз-ўзини назорат қилиш, барқарорлик ва беқарорлик каби жараёнлар кузатилади.

Демак, кўриб турганимиздек, синергетика категориялари ва тамоийллари инсоннинг маънавий-руҳий, ахлоқий ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида ҳам амал қилади. Бу эса инсоният олдида турган турли муаммоларни ечишда янгича ёндашувни шакллантиради. Кишиларни ўз-ўзини янгича руҳда, янгича теран фикрлар, ғоялар, қарашлар асосида, фақат эзгу мақсадлар, эзгу амаллар асосида ташкиллаштириши учун эса бугунги кунгача ўз ғоялари билан бутун жаҳон аҳлини ўзига жалб этиб келаётган кўҳна Авеста китоби жуда муҳим манба ҳисобланади.

Авестадаги эзгулик ғоялари орқали инсонлар ўз-ўзини ташкиллаш жараёнида ўз-ўзини асраш, ҳимоя қилиш учун албатта ёмонликдан йироқ бўлиши, ёвузларнинг сўзларига қулоқ тутмаслиги ва ҳамиша огоҳ бўлиб яшаши уқтирилади.

"Бас, сизлардан ҳеч ким хонумон, шаҳар ва буткул сарзаминни вайрон этиб, харобага айлантиргувчи дурванднинг (ёвуз кимсанинг) сўз ва таълимотига қулоқ османг, балки унинг қаршисида жанговар ҳолатда туринг!

Шундай зотнинг сўзларига қулоқ тутингки, у Ашаҳ - Ҳақиқат билан андиша қилсин; Шундай фарзонага боғланингки, тирикликнинг дармонбахши бўлсин; Шундай одамга юз бурингки, сўзда ростгўй, тавоно ва бурро тил бўлсин..."¹²⁴.

Ушбу пандларда кўриб турганимиздек шаҳарларни вайрон қилиб, харобага айлантириб, кишилар онгини заҳарлаб, ўз измига солувчи кимсаларга қулоқ осмаслик, уларга нисбатан ҳамиша руҳиятимизда, қалбимизда кураш ҳолатини, яъни маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш уқтирилган. Айнан ҳозирги глобаллашув даврида,

¹²⁴ Ўша китоб, 12.

инсон қалбини ва онгини эгаллашга интилаётган турли вайронкор кучлар авж олаётган, айнан шу йўл билан ўз бузғунчи ғояларини тарғиб этиб, шаҳару-қишлоқларни вайронага айлантиришга уринаётган турли таҳдидлар хавф солаётган бир паллада донишманд Зардуштнинг неча асрлар муқаддам айтиб ўтган панд ва ғоялари жами инсониятни ўз-ўзини асраб қолишга, ўз-ўзини ақлий баркамолликка эриштиришга, ўз-ўзини нафақат жисмоний, балки маънавий-руҳий, маърифий, ҳуқуқий, сиёсий жихатдан етукликка олиб боришига таъсир этувчи кучли омил вазифасини ўтайди.

Демак, Авеста ғоялари инсонларнинг ўзини-ўзи англашида, ўзининг имкониятларига тўғри баҳо беришида, онгли равишда ўзини-ўзи яшаб турган жамиятига муносиб этиб тарбиялашида, ўз интилишлари учун ўзи курашишига, ўз-ўзини олий мақсадлар сари чорлашига мадад ва кўмак бера оладиган ғоялар ҳисобланади. Авестадаги қуйидаги гоҳлар ҳам бунга мисолдир:

"Ҳақиқатда энг эзгу таълим - ростлик ва диноғоҳликдир...

Ҳар ким бу дунёда тирикликни бунёд элтувчи қонун бўлган Ашах - Ҳақиқат таълимоти асосида яшаши лозим.

Ҳар ким андиша, сўз ёхуд икки қўли билан дурванд-ёлғон билан курашса, унинг издошларини яхши йўлга бошлай олса, Мазда Ахуранинг муҳаббатини қозонади"¹²⁵.

Бундан ташқари синергетика методологияси бугунги кунда инсонларни ўз-ўзини асраши, ҳимоя қилиши, англаши ва билиши жараёнида инсон ҳаёти учун энг зарур ҳисобланган мафкуравий иммунитетни шакллантиради. Демак, инсонлар ўз-ўзини маънавий-руҳий ташкиллаш мобайнида Авеста ғояларидан кенг фойдаланса, унинг қалби ва онгида мафкуравий бўшлиқ ҳеч қачон вужудга келмайди ҳамда энг эзгу ғоялар билан бойитилган миллий мафкура шаклланади. Шунинг учун ҳам Авеста сингари бебаҳо миллий-маънавий меросдан оқилона фойдаланиш

¹²⁵ Ўша китоб, 14-15 бетлар.

хамиша самарали натижа беради. Демак, синергетика қонуниятлари асосида авлодлар ўртасидаги алоқаларни тиклаш, аجدодлар томонидан яратилган қадриятларни ўзлаштириш замон ва макон жиҳатидан кенгаяди ва бу ҳозирги авлоднинг маънавий-руҳий оламини такомиллаштириш, ўз-ўзини ташкиллаштириш учун хизмат қилади.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз жоизки, инсониятнинг маънавий-руҳий оламини ташкиллаштириш масаласига фақат бугунги кунга келиб эътибор қаратилаётгани йўқ. Ҳар бир даврда, азал-азалдан инсон маънавияти, инсон руҳиятига жиддий эътибор қаратилган. Фақат бугунги кунга келиб янги-янги фанлар методологиялари орқали бу жараёни янада қулай, осон, изчил, инсон учун тез қабул қилинадиган томонлари ишлаб чиқилмоқда. Чунки ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам маънавий қашшоқлик одамзотни жиддий салбий оқибатларга олиб келиши исботланган. Демак, маънавий-руҳий ташкиллашиш одамзот учун энг зарур, энг муҳим, энг долзарб сифатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кимки ўзини таниса ҳақни танийди, яъни инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, руҳий-маънавий вужудини ўрганиши зарурдир. Инсоннинг эзгу ахлоқ, соғлом эътиқод ва улуғ қалб эгаси сифатида, эзгулик ғоялари асосида ўз-ўзини тарбиялаши маъноли ҳаёт кечиришига олиб келади. Демак, Авеста ғоялари инсониятни ўзлигини англашига, комиллик даражасига интилишига, фақат яхшилик ва эзгулик томон боришига сабаб бўлади. Зеро баркамол шахсни тарбиялашда, келажак биздан комилликни, етукликни, ҳар томонлама юксак маънавиятни талаб қилаётган бир паллада инсоният қалбининг гавҳарига айланган ноёб, бебаҳо қўлёзма - Авестадаги эзгулик ғоялари одамларни ўз-ўзини маънавий-ахлоқий, руҳий ташкиллашида энг муҳим кўмакчи бўлади ҳамда миллат қонида, халқ қалби ва тафаккурида ҳаёт тарзи қатралари сифатида яшаб қолаверади.

ХУЛОСА

Зардуштийлик диний эътиқод сифатида равнақ топиб, сўнгра ўз ўрнини бошқа жаҳон динларига берди, ҳозирги кунда эса Ҳиндистон, Покистон, Цейлон, Эрон, Буюк Британия, Канада, АҚШда яшаб келаётган парсларнинг табақасига (кастага) оид диний анъана сифатида сақланиб келмоқда.

Авеста матни Европа олимлари томонидан қачон ўргана бошланганлиги масаласи бўйича келишмовчиликлар мавжуд. А.О. Маковельский фикрига кўра, XVIII аср бошларида инглиз Жорж Боучье Авеста матнининг “Вендидод саде” номли алоҳида қисмларининг нусхаларини Ҳиндистон парсларидан олган ва 1723 йилда Англияга олиб келган. Лекин Х. Хомидов Боучье Авестанинг баъзи қисмларини Англияга 1728 йилда олиб келган, деб ҳисоблайди.

Европа олимлари ўша даврда қадимги қўлёзма мазмунига тушунмас эдилар. Қўлёзма кутубхонада кўргазмага қўйилганди. М. Умарзода таъкидлашича, Оксфорд университетининг Бодлеан кутубхонаси 1723 йилда инглиз савдогари Фишердан Ҳиндистондан олиб келган “Вендидод”ни сотиб олади. Лекин китоб узоқ вақт ўқилмаган¹²⁶.

Анкетиль Дюперрон Ҳиндистонда тахминан олти йил яшаб, бошқа Шарқ ихлосмандларидан фарқли ўлароқ, зардуштийликни, Авестанинг хинд парсларида сақланиб қолган қисмларини пухта ўрганди. Устоз Дараби Парсидан Авеста тилини ўрганади ва қимматбаҳо қўлёзмаларнинг турли нусхалари билан танишади. 1761 йилда Дюперрон Парижга қайтиб келади ва ўн йилдан кейин, 1771 йилда Авестанинг уч жилдлик француз тилига таржимасини биринчи марта нашр этади.

Авестанинг Европа тилига таржимаси қатор масалалар бўйича мунозаралар туғдирди. Хусусан, баъзи олимлар Авеста – кейинги

¹²⁶ Маковельский А.О. Авеста.- Баку, 1960.- С. 6; Хомидов Х. Авеста файзлари.- Т., 2001.- С. 18; Умарзода М. Овесто сирлари // Жаҳон адабиёти.- 1977.- № 4.- С. 202.

даврларда яратилган сохта ҳужжат бўлиб, сохта пайғамбар Зардуштни улуғлаш мақсадида тарихий ёдгорлик сифатида кўрсатилмоқда, деб ҳисоблашарди. Бундай фикрни инглиз шарқшунослари Уильям Джонс, Ричардсон, Германияда эса – Мейнерс қўллаб-қувватладилар.

Г. Риттер ўзининг “Фалсафа тарихи” асарида Авеста матнларида диний панд-насихат ва афсонавий тасавурлардан ташқари фалсафий онг элементлари ҳам мавжуд эканлигига диққатни қаратади. Унинг фикрича, Авестанинг афсона ва ривоятлар (мифлар) билан боғлиқ қатлами Қадимги Юнон фалсафасидан бой бўлиб, Авестанинг алоҳида қисмлари ва умумий мазмуни муайян фалсафий хулосаларга олиб келади, жумладан, ривожланиш, табиат ва инсон ҳаётининг боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар беради.

Авеста мазмуни, унинг диний-фалсафий моҳияти ва ғоялари бўйича тадқиқотчилар ўртасидаси келишмовчиликлар деярли йўқ, шунинг учун ҳар бир тадқиқотчи зардуштийликнинг диний таълимоти, фалсафий фикрларининг янги ўзига хос томонлари ва муаммоларини очиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин зардуштийлик ва унинг муқаддас китобининг пайдо бўлиш вақти ва жойи масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунгача аксарият олимлар зардуштийлик генезисини Эрон тарихи, айнан Аҳомонийлар даври билан боғлашга мойил бўлмоқдалар.

Кўплаб ибтидоий эътиқодлар, диний топиниш ва маросимлар тутатиши асосида вужудга келган, ўзида турли қабилалар, этник гуруҳлар ва халқлар анъанавий ва диний онгининг турли жиҳатларини мужассамлаштирган, Марказий Осиё ва энг аввало Ўзбекистон халқлари буюк маънавий-маданий ёдгорлигини ҳозирги давргача сақлаб қолган мамлакатлар Эрон ва Ҳиндистон бўлиб чиқди.

Авеста “Яшт”лари буни яққол намоёиш этади, кейинчалик уларнинг мазмуни Қадимги Ҳиндистоннинг веддалар шеърляти билан чамбарчас боғланган. Чет эл тадқиқотчилар фикрига кўра, ушбу буюк диний-фалсафий таълимотни тарих, лингвистика ва этнография нуқтаи назаридан тадқиқи шундан далолат берадики, зардуштийлик ва Авеста кўп асрлик тарих маҳсули бўлиб, ибтидоий, синфий жамиятгача бўлган тузумдан синфий жамиятга ўтиш даврида яшаган одамлар турмуш тарзи ва онгини акс этади. Бундан Авестада акс эттирилган ва инсон ҳаётининг ибтидоий босқичини тавсифловчи оила, уй хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари далолат беради¹²⁷.

¹²⁷ Doniger W. Le origini del male nella mitologia indu, tr. it. Par V. Vergiani de W. Doniger O” Flaherty. // The Origins of Evil in Hindu Mythology.- Milano: Romo d’Oro, 2002.- 243; de Duhn J.D. The Manichaen Body in Discipline and Ritual. – London, 2000.-238p; Ginoli Gh. Zoroaster in History.// Biennial Yearshater Lecture Series.- N. Y.,2000.- V.2.- P. 205-219; Rangoonwalla A.F. Zoroastrian Etiguette.- N.Delhi, 2003. – 56 p; Strausberg M. Die

XVIII асрдан бошлаб Европа олимларининг муҳим ютуқларига Авеста матнларини тадқиқ этишининг турли усулларини ишлаб чиқиши ва уларни асослаб берилиши киради: А. Дюперрон тадқиқотлари умумийликдан хусусий, алоҳидалик сари йўналган; Э. Бюрнуф – хусусийдан умумийликка; Альтхайм, Камерон, Харцфельдлар янги археологик материалларга таянганлар; Г.Виденгерен, Викандер, Х.Нюберг, Ценерлар қиёсий-тарихий таҳлилдан фойдаланганлар; Бенвенист, Хеннинг, Хумбах, Юнкерлар Х. Бартоломе йўлидан бориб, асосий эътиборни лингвистика ва матншуносликка қаратганлар¹²⁸.

Кўпчилик европалик шарқшунос, тарихчи ва файласуфлар Зардушт тарихий шахс бўлган, у Қадимги Эрон - дини зардуштийликнинг асосчиси бўлган деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар.

Зардуштийлик ва Авестанинг европалик тадқиқотчилари орасида Мэри Бойс алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзининг мазкур мавзуга бағишланган уч жилдлик асарида зардуштийлик ва Авестанинг ватани Марказий Осиёдир, деган фикрни асослаб беради. Унинг “Зороастризм. Верования и обычаи” китобининг И. Стеблин-Каменский томонидан амалга оширилган рус тилига таржимаси 1988 йилда нашр этилди¹²⁹.

XX асрда Эронда зардуштийликка бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилади, Техронда Авестанинг тўлиқ икки жилдлик матни нашр этилади.

Пури Довуд Ҳиндистонда 1925 йилдан 1936 йилгача яшади. Бу давр ичида у Авеста тилини ўрганди ва кўп йиллик меҳнати натижасида Авестанинг 9 жилдлик замонавий форс тилига таржимасини нашр этади. Эронлик Эхсон Яршатр, Бахром Фраваший, Бейжон Саид, Нафисий, Пирния Хасан каби Авесташунос олимлар Пури Довуд илмий мактабининг вакиллари¹³⁰.

Эронлик тадқиқотчи Муҳаммад Моин 1947 йилда Авеста турли қисмларининг хронологик чегаралари жадвали тузилган асарини яқунлайди.

1996 йилда Абдулазим Ризоий қадимги форслар ва уларнинг динларига бағишланган асарини нашр этади, унда Авестанинг шаклланиши, унинг мазмуни ва моҳияти муаммоларига катта эътибор қаратилган¹³¹. Шунини таъкидлаш зарурки, эронлик тадқиқотчиларнинг

Religion Zarathushtras.// Geschichte Gegenwart Rituale.- Stuttgart, 2004. – Bd.1.- S. 124-138.

¹²⁸ Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы.- М.: Наука, 1972.- С. 96.

¹²⁹ Мери Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи.- М.: Наука, 1988.

¹³⁰ Тоҳир Карим. Муқаддас Авеста изидан. -Т.: Чўлпон, 2000.- Б. 158.

¹³¹ Ҳомидий Ҳ. Авестадан Шохномага.- Т.: Шарк. 2007.- Б. 29.

асосий мақсади - зардуштийлик ва Авестанинг генезис макони (ҳудуди) Эрон эканлиги тўғрисидаги фикрни асослаб беришдан иборат.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Россия шарқшунос ва тарихчилари зардуштийлик ва Авестани кунт билан ўргана бошлайдилар. 1861йили К. Коссовичнинг «Четыре статьи из Зенд-Авесты» (“Зенд-Авестадан тўрт мақола”) таржимаси босилиб чиқади; Петербург Фанлар Академияси XIII асрда форс тилида ёзилган “Зардуштнома”нинг Х.Розенберг томонидан амалга оширилган таржимасини нашр этади. Унда Зардушт шахсига тегишли деярли барча афсоналар йиғилган.

Сўнгра К. Залеман, В.Ф. Корш, Вс. Миллер, А.Л. Погодин, В.А. Рогозин, К.А. Иностранцев, В.В. Бартольд ва бошқалар асарлари чоп этилади. Бу асарлар зардуштийлик дининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалалар, Авестанинг тарихий-лингвистик ва диний-фалсафий моҳияти ва аҳамиятига тегишли муаммолар доирасини кенгайтирди.

Илмий мунозара ва баҳсларда зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби Авестанинг пайдо бўлиш ва шаклланиш жойи ва вақти билан боғлиқ муаммолар катта ўрин эгаллаб боради.

Б.А. Тураев ўзининг «История древнего мира» (“Қадимги дунё тарихи”) асарида (II том, 3-чи нашр, 1983) зардуштийлик ватани Мидия эканлиги тўғрисидаги фикрни шубҳа остига олади. Е.С. Бертельс таржимаси, А.А. Фрейман, В.В. Струве, И.М. Дьяконов, С.П. Толстов, С.Н. Соколов ва бошқалар асарлари зардуштийлик ва Авеста тарихига доир материаллар ва қарашларни ўрганиш ва умулаштириш ишига қўшилган муҳим хисса бўлди. Европа тадқиқотчиларига нисбатан рус шарқшунослари, тарихчилари, археологлари, тилшунослари ва файласуфлари ўз тадқиқотларида Эроннинг паҳлавий матнларининг ўзига асосланиб қолмасдан, балки Авестанинг мураккаб тақдирини ёритувчи этнографик материалларга ҳам таяндилар. Ушбу маънода А.Г. Периханяннинг «Общество и право Ирана в парфянский и сасанидский периоды» (1983) (“Парфия ва Сосонийлар даврида Эрон жамияти ва ҳукуқи”) тадқиқоти; «Зороастрийские тексты. Суждения Духа разума» (“Зардуштийлик матнлари. Онг Рухи ҳукмлари”), «Сотворение основы» (Бундахишн) (1997) (“Негизнинг яратилиши”) ва бошқа матнлар; О.М. Чумакова томонидан тайёрланган «Авеста в русских переводах» (“Авестанинг рус тилига таржималари”) (1861-1996) тўплами ва 1998 йил Санкт-Петербургда нашр этилган Э.В. Ртвеладзе, А.Х.Саидов, Е.В.Абдуллаевларнинг ишлари катта ҳодиса бўлди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарб ва Шарқ олимлари тадқиқотларида зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби Авестанинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир бир вақтнинг ўзида турли илмий тахминлар мавжуд эди: Дж.Дармстетер, Джексон зардуштийликнинг

пайдо бўлиш жойи Антропатенада; бошқа “анъанавий” йўналиш вакиллари – Эронда, деб ҳисоблашади. Санкт-Петербургда (1998) нашр этилган “Авеста”нинг сўз бошисида С.Н. Соколов ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди. Гейгер, В.В.Бартольд, Шпигельлар тахминига кўра, зардуштийлик ватани - Бактрия; Дюшен-Гиeman, Хеннинг, Ценер, Гершевичлар зардуштийлик ватанини Марғиёна ёки Хоразм деб ҳисоблашади; И.С. Брагинский, Б.Г. Гафуровлар, Тожикистонни кўзда тутиб, унинг ватанини шарқий Эрон деб ҳисоблашади; К.В. Тревер, Мэри Бойслар зардуштийлик Ўрта Осиёда пайдо бўлиб, сўнг у ердан Яқин ва Ўрта Шарқда тарқалади, деган тахминга амал қиладилар; Маркварт, Х. Нюберг, Э. Бенвенист, С.П. Толстов, Ю.А. Рапопорт, Я. Гулямов, А. Сагдуллаевлар зардуштийлик Хоразмда пайдо бўлганлигини исботловчи далилларни излайдилар ва топадилар; Герцфельд, И.М. Дьяконовлар зардуштийлик ватани – Мидия, А.О. Маковельский эса Озарбайжон деб ҳисоблайдилар.

Зардуштийлик ва Авестанинг тарихий замини юзасидан турли-туман фикрлар мавжудлигига қарамасдан, Ғарб ва Шарқ олимлари Авестанинг таркиби, тузилиши ва лингвистик ўзига хослиги, ижтимоий-тарихий ҳамда фалсафий-ахлоқий мазмуни ва аҳамиятини тадқиқ этиш бўйича жуда катта ишларни амалга оширдилар.

Шу билан бирга Авеста сўзининг маъноси мунозарали бўлиб қолмоқда. И.С. Брагинский таъкидлашича, ўртафорс адабиёти ва Бундахишнда (Avestak) Авеста атамаси “муқаддас қонун”, “кўрсатма”, “низом”, “панд-насихат” “Библия” маъноларга эга. А.Сагдуллаевнинг фикрига кўра, Авеста сўзи эрамиздан аввал I асрда пайдо бўлиб, “асос”, “асосий манба” маъносини англатувчи, ўртафорс сўзи «Avestak»дан келиб чиқади. Мухсин Умарзода Авеста сўзининг келиб чиқишини III-IV асрларда Сосонийлар ҳукмронлиги даври билан боғлайди. М. Исхақов Авеста сўзи этимологиясини “ўрганилган”, “тасдиқланган”, “олдиндан белгилаб қўйилган”, яъни ҳаётнинг турли томонларини аниқ белгилаб берувчи қонунлар кодекси сифатида талқин қилади. Унинг фикрига кўра, Авеста тили ғарбий Эрон тилидан узоқ бўлиб, Суғдиёна, Хоразм, Бактрия каби шарқий Эрон тилларига яқин ва қардошдир¹³². Бу мисоллардан кўриниб турибдики, Авеста сўзининг этимологик маъноси ва келиб чиқиш вақти масаласи бўйича олимлар умумий фикрга келмаганлар.

Ўзбекистон олимлари Авестанинг энг қадимий қисмлари Бактрия, Фарғона, Хоразм, Марғиёна ва Суғдиёна халқлари эътиқодлари ва турмуш

¹³² Сагдуллаев А. Ўзбекистон тарихи. 1-қисм.- Т., 1997.- Б. 58-59; Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы.- М.: Наука, 1972.- С. 187; Умарзода М. Овесто сирлари // Жаҳон адабиёти.- 1977.- № 4.- С. 196; Исхақов М. Эзгу ўй, эгу сўз, эзгу амал китоби.- Т., 2001.- Б. 3; Исхақов М. Авестада эзгулик. (Мифологик қатламлар таҳлили асосида) // Ўзбекистон тарихи.- 2001.- № 3.- С. 27.

тарзини акс эттиришини исботлаб бердилар. Бу йўналишда улар томонидан этнография, археология, тарих ва бошқа соҳаларга тегишли ғоят катта ишлар қилинди.

Қатор тарихий, этнографик, маънавий-маданий омиллар ва далиллар, жумладан, Авестада акс эттирилган қабила ва ҳудудлар, қадимги мамлакатлар географик номлари, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, ижтимоий ва сиёсий тизим, шунингдек тарихий маълумотлар, аксарият урф-одатлар ва анъаналарнинг маҳаллий аҳоли ўртасида мавжуд урф-одатлар ва анъаналар билан айнан бир хиллиги ҳамда алоҳида диний-ахлоқий тасаввурлар ва ҳ.к. ҳам Эрон, ҳам Кичик Осиё мазкур манба ватани бўлмаганлигидан далолат беради.

И. Брагинский Авестани ўрганишни қуйидаги босқичларга ажратади: биринчиси (1771-1826) - А. Дюперрон томонидан 1771 йилда Авеста тўлиқ таржимасининг нашр этилишидан бошланади; иккинчиси – Авестани ўрганиш француз олими Эжен Бюрнуф тадқиқотлари билан боғлиқ (XIX асрнинг 80-чи йиллари); учинчиси – XX асрнинг тахминан 30-чи йилларигача давом этиб, икки йўналиш, яъни Х. Бартоломе тарафдорлари (“Гейдельберг мактаби”) ва Андреас ҳамда Вакернагель (“Геттенген мактаби”) тарафдорлари ўртасидаги баҳс-мунозаралар билан боғлиқ; XX асрнинг 20-30- чи йилларида тўртинчи босқич юзага келади.

Тоҳир Карим Авеста билан танишиш, уни ўрганиш ва тадқиқотларни умумлаштириш тарихини уч тарихий даврга бўлади: 1) қадимий; 2) ўрта асрларга оид шарқий; 3) янги давр.

Маълумки, зардуштийлик энг қадимий диний-фалсафий таълимот бўлиб, бошқа жаҳон динларига катта таъсир кўрсатган, лекин унинг таърихий аҳамияти, мафкураси етарли даражада, тўлиқ ўрганилмаган. Қадимги юнонлар унга берган “зардуштийлик” деб номланишини на мазкур дин асосчилари, на унинг тарғиботчилари томонидан ишлатилмаган.

Зардуштийлик дини чуда чуқур тарихий-маънавий илдизларга эга бўлиб, унинг кўп томонлари янада қадимий эътиқодлар, инсонларнинг қадимий турмуш тарзи билан боғлиқ. Зардуштийлик инсониятнинг энг қадимий яхлит тизимга туширилган дини бўлиб, унда Зардушт томонидан амалга оширилган динни ислоҳ қилиш туфайли, оламга нисбатан бўлган ибтидоий диний-фалсафий муносабат тубдан ўзгартирилиб, аниқ маънавий йўналиш олади. Зардушт диний онгнинг турли кўринишларини оламнинг яратувчиси ва бунёдкори – ягона худо Ахура Мазда образида мужассамлаштирди. Инсониятнинг диний-фалсафий юксалиши, оламни билиш жараёнининг кенгайиши ва чуқурлашишига ёрдам берган ушбу фаолият туфайли Зардушт бизнинг тасаввуримизда буюк ислохотчи, файласуф ва мутафаккир сифатида намоён бўлади.

Зардуштийлик ва Авеста ватани тўғрисидаги турли, баъзан бири-бирига зид бўлган тахминлар, фикрлар мавжудлигига қарамасдан, куйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олиш бу масаланинг ҳақиқий ечимини топишга олиб келади: Авеста кўп асрлар давомида яратилган ва у бир киши томонидан ёзилган бўлиши мумкин эмас; унда турли даврларда яратилган диний, мифологик афсоналар, халқ фольклори намуналари, урф-одатга хос ахлоқий нормалар, қўшиқлар, алқовлар йиғилган. Айнан шундай методологик ёндашув Авестада ўз аксини топган аксарият ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик муаммолар таҳлили ва баҳоланишига тўғри йўл очиб бериши мумкин.

И. Жаббаров ҳам, археология ва этнография маълумотлари ва нарратив (ҳикоя, сўзлаб бериш) манбаъларига асосланиб, зардуштийлик ватанини Хоразм деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, зардуштийликнинг ғоявий илдизлари ибтидоий жамоа тузумидан бошланади, моҳиятан эса у ўзида кўпчилик умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган ва биринчи жаҳон динидир¹³³.

Оламнинг бирлигини, яхлитлигини сақлаш, жамиятни оқилона бошқариш, ижтимоий адолат, оила, қабилалар фаровонлигини яхшилаш зарурати, чорвани кўпайтириш ва деҳқончиликни кенгайтириш, ер, сув, ҳаво, оловга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, одамларни эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бирлигига даъват этиш, ҳар қандай адолатсизлик ва ёлғонга қарши кураш каби туйғусини тарбиялаш, бугунги кунда ҳам чуқур маъно ва аҳамиятини йўқотмаган фалсафий, ахлоқий, сиёсий, ҳукуқий ва эстетик ғоя ва масалалар зардуштийликнинг ижтимоий-диний моҳиятини белгилайди.

Зардуштийлик инсоният диний ва фалсафий тафаккури ривожига, умуман олганда, ижтимоий онг эволюциясига катта таъсир кўрсатди, тарихий жараёнда улкан мафкура сифатида қарор топди. Ҳозирги даврда у ўтмишдаги мафкуравий қудратини йўқотган бўлса-да, лекин ўзининг юксак кадр-қимматини, миллий диний-фалсафий таълимот миқёсида сақлаб қолган. “Бир вақтлар задуштийлик форслар империясининг буюк диний эътиқоди (faith) бўлган, ҳозирги даврда у жаҳоннинг кичик динларидан бири бўлиб келмоқда”¹³⁴.

Авеста мазмуни, унинг диний-фалсафий моҳияти, унда ифода этилган ғоя ва ҳолатларни талқин қилиш бўйича тадқиқотчилар фикрлари деярли бир хил бўлмоқда, шу билан бирга, ҳар бир тадқиқотчи зардуштийлик эътиқодининг, унинг фалсафий жиҳатларининг янги томонлари, сифатлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилади. Лекин

¹³³ Жаббаров И. Антик маданият ва маънавият хазинаси.- Т., 1999.- Б . 52-58; Джаббаров И., Джаббаров С. Жаҳон динлари тарихи. – Т., 2002.- Б. 113.

¹³⁴ www.interfaith.org.

зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби Авестанинг келиб чиқиш жойи ва вақти масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда, зардуштийлик, шу жумладан Авестанинг тарихий хронологияси, шаклланиши бўйича олимлар ягона, умумий фикрга келмаганлар. Пайғамбар Зардушт шахси, унинг яшаган ва фаолият кўрсатган вақти ва жойи масаласи бўйича ҳам турли талқинлар мавжуд.

Кўпчилик европалик шарқшунос, тарихчи ва файласуфлар Зардушт Қадимги Эроннинг зардуштийлик дини асосчиси бўлган тарихий шахс, деган фикрнинг тарафдорларидир. Бу ҳолат У. Раммер, А. Хайнс, А. Люботский¹³⁵ асарларида ўз аксини топган.

В. Джон ўзининг “Зороастризм” асарида таъкидлашича: “Зардушт – пайғамбар. Унинг вазифаси зардуштийлик маросимларини мукаммаллаштиришдан иборат, зардуштийликда энг муҳими, бу – худо тўғрисидаги таълимотнинг фалсафасидир”¹³⁶.

Европа олимларининг охириги асарларини тавсифлаган Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов ва Е.В. Абдуллаевлар, чет элда 1970-йиллардан бошлаб Авестани бутунлигича ёки унинг алоҳида қисмларини жиддий тадқиқ этишга уринишлар кузатилмаяпти¹³⁷, деган ҳаққоний фикрни билдирадилар.

Зардуштийлик ва Авеста инсоният тарихида ноёб ҳодиса сифатида бир неча асрлардан буён илмий жамоатчилик диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Лекин чет эл илмий адабиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Европа, Америка, Эрон, Ҳиндистонда XIX аср охири – XX аср бошларида зардуштийлик муаммоси фаол тадқиқ этилганлигига қарамасдан, охириги 20-30 йил давомида зардуштийлик муаммоси комплекс равишда илмий ўрганиш объектига айланмаган эди.

Умуман олганда зардуштийлик ва Авестани ўрганиш билан боғлиқ илмий муҳитда қуйидаги фикрлар шаклланди: биринчидан, Авеста инсониятнинг энг қадимги даврларида пайдо бўлган ва шаклланган; иккинчидан, Авеста Қадимги Эрон диний урф-одатларининг маҳсули ва давоми; учинчидан, Зардушт, бир томондан, зардуштийлик дининг асосчиси, иккинчи томондан, унинг ислохотчиси; тўртинчидан, Авестани келиб чиқиш жойи нафақат Эрон, балки Мидия ва Озарбайжон бўлиши мумкин; бешинчидан, зардуштийлик ва Авеста ватани Марказий Осиё, хусусан Хоразм.

¹³⁵ Hinze A. Die Avestische Wurzel mad “zumessen”.// Indoarisch, Iranisch und die Indogermanistik. – Bd.1. bis 5.-S. 85-163.; Lubotsky A. Scythian Elements in Old Iranian.// Indo-Iranian Languages and Peoples. – Oxford, 2002.- P.189-202.; Rammer U. Frauennamen im Rigveda und in Avesta: Studien zur Onomastik des Alttesten Indischen und Iranischen.- Wien: Verlag der Österreichischen Akademie der Wissenschaften, 2006.- 288p.

¹³⁶ www.rushly.com/twitter.

¹³⁷ Авеста. «Закон против дэвов». Видевдат. – СПб., 2008.- С. 29.

Жаҳон олимлари зардуштийлик - кўпқиррали ҳодиса деган хулосага келдилар, унда қадимги мифологик образлар ва ғоялар кейинроқ вужудга келган ибодатлар, урф-одатлар, анъаналар билан қўшилиб кетган, зардуштийликда инсонлар диний-фалсафий онгининг политеистик эътиқодлардан бошлаб монотеистик дунёқараш сари эволюцияси ўз аксини топган.

Зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва Авестанинг тузилиши масаласини ўрганишда қуйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олиш зарур: биринчидан, зардуштийлик кўп қатламли диний эътиқод сифатида узоқ давом этган тарихга эга; иккинчидан, Авеста зардуштийликнинг муқаддас китоби сифатида зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва тарқалишидан сўнг тузилган; учинчидан, китобнинг турли қисмларида тилига оид дисгармонияси, яъни Авестада қадимий ва кейинги даврларда яратилган матнлар мавжудлиги, Авестанинг турли даврларда тизимлаштирилганлиги ва кодификация қилинганлигидан далолат беради.

Зардуштийлик генезисининг тобора чуқур ўрганилиши жараёнида илмий фикр Ғарбий Европада илк бор вужудга келган зардуштийлик ватани тўғрисидаги тахминдан узоқлашиб бормоқда ва бу билан боғлиқ равишда илмий муомалага “Шарқий” илмий қараш кириб бормоқда, зардуштийлик Марказий Осиё, хусусан Хоразмда пайдо бўлганлигини исботловчи янги фактлар топилмоқда.

Зардуштийлик диний-фалсафий таълимот сифатида мазмуни жиҳатдан кўп қирралилиги ва кўп қатламлилиги билан ва, айниқса, инсоният, шу жумладан, халқимиз томонидан олам, жамият, инсонни диний дунёқараш контекстида ўзига хос фалсафий англаниши ва талқин қилиниши билан тавсифланади.

Авестанинг кейинги даврларда тузилган қисмларида Ахура Мазда, политеистик табиат худолари билан ҳеч қандай умумий томони бўлмаган, олий маънавий-ахлоқий тамойил сифатида талқин қилинади ва у бошқа худоларни инсонни қутқаришга даъват этади. Буларнинг ҳаммаси политеизмдан монотеизмга ўтиш жараёнини, оламни яратувчи ягона илоҳий бошланғич асос, ягона худо имкониятларининг ортиб боришини ифодалайди.

Аввало Авестани, шунингдек, тарихий, археология, этнография ва лингвистика маълумотларини, зардуштийликнинг кўп асрли историографиясини ўрганиш, Зардушт ҳақиқатан ҳам ўзидан олдин яшаб ўтган халқлар вакиллари томонидан кўп асрлар давомида йиғиб келган маълумотларни умумлаштириб, ёзиб олган ва ривожлантирган тарихий шахс бўлган, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Лекин бир киши, у жуда истеъдодли бўлган тақдирда ҳам Авестанинг бой, сермазмун матнини тузган, ёзган деган фараз нотўғри ва асоссиздир.

Демак, Зардушт кўп асрлар давомида ўзига хос маросимлар, ибодатлар ва анъаналарга эга диний эътиқодни тубдан ислоҳ қилган ва ривожлантирган, уни ўзгартириш ва тизимлаштириш орқали ягона диний таълимот - зардуштийликка айлантирди. Бу давр монотеизмнинг шаклланишида муҳим босқич бўлди.

Зардуштийликнинг пайдо бўлиши тўғрисида турли илмий тахмин ва фаразлар мавжуд, лекин тарихий, этнографик, археологик материаллар ҳамда кўпчилик халқларнинг бир-бирига айнан ўхшаш маданиятлари, эътиқодлари ва урф-одатларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар, халқлар турли тилларда сўзлашган бўлса-да, бир-бири билан кўп томонлама боғлиқ бўлиб, ягона диний-фалсафий дунёқарашни шакллантирганлигидан далолат беради.

Зардуштийлик дини айнан паҳлавий тилида ёзилган Авеста туфайли сақланиб қолганлиги факти зардуштийлик Эронда пайдо бўлганлигига асосий далил бўла олмайди. Зардуштийликнинг тарқалиш жараёнида Эронда унинг ривожланиши ҳамда Авестанинг муқаддас китоб сифатида тузилиши ва шаклланиши учун мувофиқ ижтимоий-тарихий шарт-шароит бўлган, деб таъкидлаш тўғри бўлади.

ФҶОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абаев В. И. Историко-этимологический словарь осетинского языка: В 4 т. и указ. – М.; Л., 1958—1995.
2. Авеста в русских переводах (1861—1996)/ Сост., общ. ред., примеч. и справочный раздел И. В. Рака. – СПб., 1997.
3. Авеста Избранные гимны / Пер. с авестийского и комменг. проф. И.М.Стеблин-Каменского. – Душанбе, 1990.
4. Авеста. Избранные гимны. Из Видевдата / Пер. с авестийского И. М. Стеблин-Каменского. – М., 1993.
5. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. — Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2001 йил.
6. Алиев И. История Мидии. – Баку: Изд-во АН АзССР, 1960.
7. Бартольд В. В. Сочинения. Т. VII. – М.: Наука, 1971.
8. Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы. – М.: Наука, 1960.
9. Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литератур. – М.: Наука, 1972.
10. Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. и примеч. И. М. Стеблин-Каменского. – М., 1987; 2-е изд. М., 1988; 3-е изд., полностью переработанное. СПб., 1994; 4-е изд. СПб., 2003.
11. Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И. М. Стеблин-Каменского. – СПб., 2009.
12. Гафуров Б. Г. Таджики. – М.: Наука, 1972.
13. Грантовский Э. А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. – М.: Наука, 1970.
14. Дандамаев М. А. Иран при первых Ахеменидах. – М.: Наука, 1963.
15. Дорошенко Е. А. Зороастрийцы в Иране. – М.: Наука, 1982.
16. Дьяконов И. М. История Мидии. – М. — Л.: Изд-во АН СССР, 1956.
17. Кларк П. Зороастризм. Перевод с английского, предисловие и комментарии - Хакимовой А.Х. – Т.: «Musiq», 2008.
18. Крюкова В. Ю. Зороастризм. – СПб., 2005.
19. Лелеков Л.А. Авеста и современная наука. — М.: Наука, 1992.
20. Маковельский А. О. Авеста. – Баку: Изд-во АН АзССР, 1960.

- 21.Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. –Т.: «Ўқитувчи», 1965.
- 22.Махмудова Г. Философская сущность Авесты. – Т.: «San`at», 2010 й.
- 23.Махмудова Г. Эстетические идеи зороастризма. – Т.: «Ношир», 2012.
- 24.Махмудов Т. «Авеста» ҳақида. — Т.; Шарк, 2000.
- 25.Мифы народов мира. Т. I и II. – М.: Сов. Энциклопедия, 1980-1982.
- 26.Опыт историко-типологического исследования иранских языков. Т. I и II. – М.: Наука, 1975.
- 27.Погодин А. Л. Жизнь Зороастра. – СПб.: Попова, 1903.
- 28.Рак И.В. - Мифы Древнего и раннесредневекового Ирана (зороастризм). – СПб. – М., 1998.
- 29.Рапопорт Ю. А. Из истории религии древнего Хорезма. – М., 1971.
- 30.Расторгуева В.С., Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. Т. 1-3. — М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2000-2007.
- 31.Соколов С. Н. Авестийский язык. – М., 1961.
- 32.Соколов С. Н. Язык Авесты. Учебное пособие. – Л., 1964.
- 33.Соколова В.С. Авеста. Опыт морфологической транскрипции и перевод. – СПб., 2005
- 34.Толстое С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М., 1962.
- 35.Толстое С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М.; Л., 1948.
- 36.Чунакова О. М. Пехлевийский словарь зороастрийских терминов, мифических персонажей и мифологических символов. – М., 2004.
- 37.Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш таризи. – Т.: ЎзССР ҒА нашр., 1959.
- 38.A Bibliography of pre-Islamic Persia (ed. G. Pearson). – London, 1975.
- 39.Anklesaria B. T. The holy Gathas of Zarathustra. – Bombay, 1953.
- 40.Avesta (ed. Ch. de Harlez). Vol. I-III. – Liege, 1875-1877.
- 41.Avesta. The sacred books of the Parsis. Edited by Karl F. Geldner. 1st vol. – Stuttgart, 1896.
- 42.Bailey H. W. Zoroastrian problems in the ninth-century books. – Oxford, 1971. Bartholomae Ch. Handbuch der altiranischen Dialekte. – Lpz., 1883.
- 43.Bartholomae Ch. Altiranisches Wörterbuch. – Strassburg, 1904.
- 44.Bartholomae Ch. Die Gatha's des Awesta. Zarathustra's Verspredigten. – Strassburg, 1905.
- 45.Bartholomae Ch. Der Gatha-dialekt. – Lpz., 1879.
- 46.Bartholomae Ch. Jasna XXIX. – Halle, 1887.

47. Bartholomae Ch. Zum Altiranisches Wörterbuch. – Strassburg, 1906.
48. Bartholomae Ch. Die Zendhandschriften der K. Hof- und Staatsbibliothek in – München, 1915.
49. Bartholomae Ch. Zarathustras Leben und Lehre. – Heidelberg, 1924.
50. Beekes R.S.P. A grammar of Gatha-Avestan. – Leiden-New York-Kobenhavn-Koln, 1988.
51. Benveniste E. The Persian religion according to the chief Greek texts. – Paris, 1929.
52. Bleeck A. H. Avesta. Vol. I-III. – Hertford, 1864.
53. Bleeck A.H. Avesta. The religious books of the Parsees. – Hertford, 1864.
54. Bode F. A., Nanavutty P. Songs of Zarathushtra. – London, 1952.
55. Boyce M. The letter of Tansar. Roma, 1968.
56. Boyce M. A history of Zoroastrianism. Vol. I-II. Leiden — Köln, 1975, 1982.
57. Boyce M. Persian stronghold of Zoroastrianism. – Oxford, 1977.
58. Boyce M. Zoroastrians, their religious beliefs and practices. – London, 1979.
59. Carnoy A. The religion of the Avesta. – London, 1911.
60. Carter G. W. Zoroastrianism and Judaism. – Boston, 1918.
Casartelli L. C. The philosophy of the Mazdayasnian religion under the Sassanides. – Bombay, 1889.
61. Chatterjee J. M. The ethical conceptions of the Gatha. – Bombay, 1935.
62. Coyajee J. C. The spirit of the Gathas. Bombay, 1903.
63. Crawford M.F. Zoroaster. – London, 1885.
64. Destur Hoshengji Jamaspji. An old Zand-Pahlavi glossary. – Bombay – London – Stuttgart, 1867.
65. Dhalla M. N. The Nyaishes or Zoroastrian litanies. – New York, 1908.
66. Dhalla M. N. Zoroastrian theology. – New York, 1914.
67. Dhalla M. N. Zoroastrian civilisation. – New York, 1922.
68. Dhalla M. N. A history of Zoroastrianism. – New York, 1930.
69. Duchesne-Guillemin J. The hymns of Zarathustra. – London, 1952.
70. Duchesne-Guillemin J. Symbols and values in Zoroastrianism. – New York, 1966.
71. Duchesne-Guillemin J. The western response to Zoroaster. – Oxford, 1958.
72. Flügel M. The Zend-Avesta and eastern religions. – Baltimore, 1898.
73. Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra. – Cambridge, 1959.
74. Greenlees D. The gospel of Zarathushtra. – Madras, 1951.

75. Hans R. Avesta reader (Texts, notes, glossary and index). – Strassburg, 1911.
76. Hartman S. Parsism: the Religion of Zoroaster. – Leiden, 1980.
77. Henning W. B. Zoroaster: politician or witch-doctor? – London, 1951.
78. Herzfeld E. Zoroaster and his world. Vol. I-II. – Princeton, 1947.
79. Hinz W. Zarathustra. – Stuttgart, 1961.
80. Insler S. The Gathas of Zarathustra. – Leiden, 1975.
81. Ivanov W. The Gabri dialect spoken by the Zoroastrians of Persia. – Roma: G. Bardi, 1940.
82. Jackson A. V. Zoroaster the prophet of ancient Iran. – New York, 1919.
83. Jackson A. V. Early Persian poetry. – New York, 1920.
84. Jackson A. V. Zoroastrian studies. – New York, 1928.
85. Kanga K.E. A complete dictionary of the Avesta language in Guzerati and English. – Bombay, 1900.
86. Kanga K.E. A practical grammar of the Avesta language – Bombay, 1891.
87. Kuiper F. B. On Zarathustra's language. Amsterdam, 1978.
88. Kenneth Sylvan Guthrie. The hymns of Zoroaster. – New York, 1914
89. Kriwaczek P. In search of Zarathustra. – New York, 2003.
90. Kapadia S. A. The teachings of Zoroaster and the philosophy of the Parsee religion. – London, 1905.
91. Lazarus E.D. Zend-Avesta and solar religions. – New York, 1852.
92. MacKenzie D.N. A concise of Pahlavy dictionary. – London – New York – Toronto, 1971.
93. Masani R. P. Zoroastrianism: the religion of good life. – New York, 1962.
94. Mills L. H. A study of the five Zarathushtrian (Zoroastrian) Gathas. – Erlangen, 1894.
95. Mills Lawrence H. The Gathas of Zarathushtra. – New York, 1900.
96. Mistri R. H. Zoroaster and Zoroastrianism. – Bombay, 1906.
97. Moulton J. H. Early religious poetry of Persia. – Cambridge, 1911.
98. Moulton J. H. Early Zoroastrianism. – London, 1913.
99. Moulton J. H. The teaching of Zarathustra. – Bombay, 1917.
100. Pastoret M., de. Zoroastre, Confucius et Mahomet. – Paris, 1788.
101. Pavry J. D. C. The Zoroastrian doctrine of a future life. – New York, 1929.
102. Reichelt H. Avesta Reader. Texts, notes, glossary and index. – Strassburg, 1911.
103. Sanjana Peshotan. Zarathustra in the Gathas and in the Greek and Roman classics. – Leipzig, 1897.

103. Shams ul- ulama dastur P.B.Sanjana. Avesta, Pahlavi,& ancient Persian studies. – Strassburg, 1904.
104. Shaked Sh. From Zoroastrian Iran to Islam. – Variorum, 1995.
105. Shapira D. Studies in Zoroastrian Exegesis-Zand. – Jerusalem, 1998.
106. Spenger H. S. The age of Zarathushtra. – Poona, 1965.
107. Springett B. H. Zoroaster, the great teacher. – London, 1923.
108. Taraporewala I. J. S. Selections from Avesta and Old Persian. Pt. I. – Calcutta, 1922.
109. Taraporewala I. J. S. The divine songs of Zarathushtra. – Bombay, 1951.
110. Tavernier J. Iranica in the Achaemenid period. – Paris, 2007.
111. The Sacred books of the East. Vol. I-L. – Oxford, 1879-1910.
112. Whitney L.H. Life and teaching of Zoroaster (the great Persian). – Chikago, 1905
113. William Jackson A. V. Avesta reader (First series). Easier texts, notes and vocabulary. – Stuttgart, 1893.
114. William Jackson A. V. Zoroaster. The prophet of ancient Iran. – London, 1899.